



БАҲОДИР КОМИЛОВ

МАНТИК

БАҲОДИР КОМИЛОВ

МАНТИҚ

“Kafolat print company”
Тошкент – 2019

УҮК:

КБК: 87.4

К 64

Комилов, Баходир

Мантиқ [Матн] / Б.Комилов. - Тошкент: Kafolat print company,
2019. - 152 б.

Китоб мантикий фикрлаш, яъни изчил, асосли ва тўғри фикрлаш илми ҳакида. Унда тўғри фикрлаш шакллари, қонунлари ўрин олган. Тафаккурни тутшуниш масаласи кўрилган. Бу масалада муҳим бўлган тушунча билимига эътибор берилган. Мантиқнинг кисми бўлган хукм, мантикий конунлар хам жой олган.

Китоб кенг ўкувчилик оммасига каратилган.

**Abdulla Qodirliy nomidagi
viloyat AKM
INV № 168651-20194**

ISBN 978-9943-988-77-4

© «Kafolat print company», 2019
© Б.Комилов, 2019

*Уибу китобимни опам – фалсафа фанлари доктори,
профессор Комилова Саноат Солиқжон қизига
багишлайман.*

МАНТИҚ ФАНИНИНГ ТАЪРИФИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Мантиқ илми нимадан баҳс қиласи

Меҳнатда ва турмушда, ўқиши ва жамоат ишларида, мактаб иншосида ва илмий асадарда – ҳамма вакт, ҳамма ерда тӯғри, яъни аник, изчил ва асосли равишда фикр қўлмоқ зарур ҳамда фикрлар бир-бирига зид бўлмаслиги лозим.

Агар бирон киши ўз фикрини ноаниқ, чалкаш баён этса, ўз сўзига ўзи зид гапирса, ўз фикрини далиллар билан исбот қилаолмаса, унинг нима деганини тушуниб бўлмайди, унинг муҳокамасида мантиқ йўқ дейилади.

Мантиқка хилоф, яъни мантиқсиз юргизилган фикрнинг маъноси бўлмаслиги, нотўғри бўлиб қолиши шубҳасизdir.

Тӯғри фикрлаш хусусиятлари билан шуғулланувчи фан мантиқ фани дейилади.

Шундай килиб, биринчидан – фикрлаш мантиқий бўлиши керак. яъни юргизадиган фикрларимиз изчил ва асосли бўлиши керак, иккинчидан мантиқ – изчил ва асосли фикрлаш ҳақидаги фандир.

Грамматикани билмасдан туриб, тилни амалий равишда билиш мумкин бўлгани сингари, мантиқ илмини билмасдан туриб ҳам мантиқий фикр юритниш мумкин. Бироқ грамматикани ўрганиш оғзаки ва ёзма нутқимизнинг маданийлигини қанча кучайтиrsa, мантиқ илмини ўрганиш ҳам фикрлаш маданиятини щунча кучайтиради. Грамматиканинг тил учун қандай аҳамияти бўлса, мантиқнинг ҳам тафаккур учун щундай зарурати бор.

Фикримизни мунтазам ва изчил баён қилишимиз, тушун-чалардан холоса чиқариш ва исботлаш усувларидан тӯғри фойдаланишимиз учун мантиқ илмини ўрганишимиз керак.

Мантиқ юононча “логос” деган сўздан олинган бўлиб, маъноси – “фикрлаш”, “фикр”, шуниндек фикрни ифодаловчи “сўз” демакдир.

Мантиқ илмининг обьекти тўгри фикрлаш бўлганлигидан, у тўгри фикрлаш қонунлари ва шаклларини, исботлаш ва рад этишининг мантиқий усул ва йўлларини ўрганади.

Тўгри фикр юргизишда ички мунтазамлик, яъни фикрларнинг бир-бири билан муайян боғланиши бор. Ана шундай ички мунтазамлик фикрларнинг мантиқий шакли дейилади.

Мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси ривожланиб, ўзгариб тургани сингари, инсон тафаккури ва унинг шакллари ҳам ривожланиб, ўзгариб туради. Бироқ тафаккурнинг асосий шакллари ўзгариши узоқ вакт давомида унча билинмай қолади. Бу асосий шакллар нисбий барқарор бўлганлиги туфайли биз мазмuni ҳар хил бўлган фикрларни ифодалаш учун бир хил шаклларни ишлата оламиз. Чунончи, мана бу икки муҳокамани мисол сифатида олайлик:

Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг илм олиш ҳуқуки бор.	Барча юлдузлар чўғ бўлиб турган газ шарлардан иборат.
Биз – Ўзбекистон фуқароларимиз.	Сириус – юлдуздир.
Демак, бизнинг илм олиш ҳуқуқимиз бор.	Демак, Сириус чўғ бўлиб турган шардир.

Бу икки муҳокаманинг маъноси бошқа-бошқа бўлса ҳам, лекин ҳар иккала мисолдаги фикрнинг бориши бир хилдир. Биринчи мисолда биз Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамланган илм олиш ҳуқуқимиз тўгрисида фикр қиласмиз. Иккинчи мисолда Сириуснинг тузилиши бошқа юлдузларнинг тузилишига ўхшашиб эканлигини фикр қиласмиз. Бу икки хил фикр юргизишнинг мазмuni бошқа-бошқа бўлса ҳам, уларнинг тузилиши бир-бирига ўхшайди. Яъни, фикр юргизишларнинг мантиқий шакли бир хилдир, яъни биз умумий фикрдан жузъий хulosса чиқарамиз.

Агар фикр юргизиш жараёнида фикрларимиз нотўғри шаклларга кирса, у вақтда биз тўгри хulosса чиқара олмаймиз.

Кўйидаги икки муҳокамани таққослаб кўрайлик:

Кутб доирасининг нариги томонидаги шаҳарларнинг ҳаммасида оқ-оидин тунлар бўлади	Кутб доирасининг нариги томонидаги шаҳарларнинг ҳаммасида оқ-оидин тунлар бўлади.
Игарка шахри кутб доирасининг нариги томонида.	Санкт-Петербург кутб доирасининг нариги томонида эмас.
Демак, Игаркада оқ-оидин тунлар бўлади.	Демак, Санкт-Петербургда оқ-оидин тунлар бўлмайди

Биринчи мисолда фикрнинг юритилиши ҳам, чиқарилган хулоса ҳам тўғри. Иккинчи мисолда бошда айтилган фикрлар тўғри бўлса ҳам, лекин чиқарилган хулоса хатодир, чунки Санкт-Петербургда оқ-оидин тунлар бўлишини ҳамма билади. Хуносанинг хатолиги фикр юритишнинг нотўғри шаклга киришидан келиб чиқади.

Мантиқнинг вазифаси – тўғри айтилган фикрларнинг ҳаммаси учун бирхил бўлган тафқур шаклларини ўрганишдир.

Мантиқ тўғри фикрлашни ўрганганда, уни шакл жиҳатдан олиб текширади, лекин бундан, фикрнинг мазмунига эътибор бермаса ҳам бўлар экан, деган маъно асло чиқмайди. Фикрнинг шаклини мазмун билан боғламасдан ўрганиш бемаъни бир нарса бўлади. илмга хилоф бўлади. Бироқ мантиқий шаклни мазмун билан боғлаб ўрганиш керак дер эканмиз, шаклни умумий тарзда олиб текширмок учун зарур бўлган пайтларда шаклни фикран ажратиб ололмаймиз, деган маънони билдирамайди. Бошқа фанлар сингари, мантиқ ҳам айрим ҳодисаларнинг оддий йигиндисини ўрганиш билан шуғулланмайди, балки ўз фанининг умумий ва муҳим хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланади.

Тўғри фикрлаши қонунлари. Фикрнинг аниклиги, фикрларнинг бир-бирига зид бўлмаслиги, изчиллиги ва далилларнинг мукаммал бўлиши тўғри фикр юритишнинг энг зарур хусусиятларидир. Бу хусусиятлар баркарор хусусиятлар бўлиб,

улар тұғри юритилган ҳар бир фикрда күринади ва шу сабабдан улар мантикий конунлар ақамиятini касб этади.

Ҳар кандай мухокамада бу қонунларни билиб-бilmай бузиш нотұғри хulosага олиб келади. Тафаккур конунларини бұзған киши баҳс ёки мунозарада енгилади.

Бир мисол келтирамиз. Тургеневнинг “Рудин” деган романини үқиган киши бу машхұр асарнинг иккى қаҳрамони ўртасыда бұлған кизғин мунозараны хотирлаши мүмкін. Рудиннинг Питасов билан қилған сұхбатидан бир парчасини олиб қараймиз:

“ – Жуда соз! – деди Рудин. – Демак, сизнинг фикрингизча, ишонч-эътиқод деган нарса йүқ?

– Йүқ ва бұлмаган.

– Сиз шундай деб ишонасизми?

– Ҳа.

– Ишонсанғыз, қандай қилиб ишонч-эътиқод йүқ дейсиз?

Мана сизга ҳозирча бириңчи мот.

Үйда үтирганларнинг ҳаммаси кулиб, бир-бирига қарашиб күйди”.

Питасовнинг енгилғанлығи очик күриниб турибди. Мантиқ унинг хатоси нималигини айтib бериши мүмкін. Питасов үз фикрига ўзи карши чиқади. Гапнинг бошида у ишонч-эътиқод йүқ, дейди-ю, аммо шу ондаёк бириңчи айттан фикридан қайтиб тамоман тескари фикрни айтади. “Зиддият қонуни” дейиладиган мантикий конунлардан бири фикр юритғанда ана шундай хатоларға йўл қўйишдан саклайди.

Мантиқнинг вазифаси ҳақиқатни билдирадиган тұғри фикрлаш конунларини ўрганишdir.

Мантиқ мантикий фикрлаш йўлларини (тақкослаш, таҳлил ва синтез килиш, абстракциялаш, умумлаштириш) ҳамда исбот килиш ва рад этиш усуулларини ўрганади.

2. Тафаккурни моддийлик асосда тушуныш тұғрисида

Мантиқ – қадимги фан. Бу фанни иккى минг йил илгариrok машхур юонон файласуфи Аристотель (милоддан 384-322 йиллар бурун үтган) бошлаб берган эди. У, бириңчи бўлиб тафаккур конунлари ва шакллари ҳамда исботлаш усулларини текшириб чиқкан эди.

Аристотелдан кейин кўп мутафаккирлар, чунончи: Ф.Бэкон (1561-1626), Р.Декарт (1596-1650), Г.Лейбниц (1646-1761), машхур рус файласуфлари ва олимларидан М.В. Ломоносов (1711-1765), А.И. Герцен (1812-1870), Н.Г. Чернишевский (1828-1889), И.М. Сеченов (1829-1905), машхур рус педагоги К.Д. Ушинский (1824-1870) ва бошқалар мантиқ масалалари билан шуғулландилар.

Мангиқ фалсафий фан сифатида пайдо бўлиб ривожланди, чунки у оламни билиш масалалари билан ҳамиша боғлиқ бўлиб келди.

Инсоннинг дунёни билишдан мақсади: дунёга таъсир қилиш ва ўзи хоҳлаган томонга қаратा ўзгартиришdir. Дунёни билиш ва ўзгартириш одамларнинг меҳнат соҳасидаги фаолияти жараённада амалга оширилади. Инсониятнинг бутун тарихи, тафаккур муайян нарсалар устида қилинган амалий ишлар давомида пайдо бўлганлигини ва ривожланиб келаётганлигини кўrsатади.

Одамлар меҳнат соҳасидаги фаолияти туфайли дунёга таъсир қилиб боришлари натижасидагина дунёning нималигини била бошладилар. Дарҳакиқат, психик жараёнлар ҳамма жонзорларга хос бўлса ҳам, факат инсондагина психика тараккij қилиб-қилиб, энг юқори шаклига – тафаккур даражасига етган. Бунинг сабаби меҳнатdir. Ҳайвонлар меҳнат куроллари ишлаб чиқармайдилар. Улар факат шунчаки табиатга уйғунлашиб юраверадилар. Бўри парранда-чаррандаларни еб юради-ю, аммо уларни урчитиб кўпайтиришни мутлақо уйламайди. Овқатнинг табиий манбалари қуритилгандан кейин, йиртқич-ҳайвонлар егулик ва сув сероб бўлган бошқа ерларга кетиб қоладилар.

Инсоннинг ҳайвондан фарки шуки, у ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатиш жарабёнида табиатни фаол суратда ўзгартириб боради ва меҳнат қуроллари воситасида табиатни ўз эҳтиёжларига йўғунлаштиради. Инсон ўз эҳтиёжига керакли нарсаларни ва табиатнинг қандай тараққий қилишини билгани учун ишлаганида ўз олдига муайян мақсадлар кўяди, тузган режаларини омалга ошириш йўллари ва усувларини олдиндан пухта ўйлаб олади, олдиндан ўйлаган фикрларининг тўғри-нотўғрилигини амалда синаб кўради. Одамларнинг меҳнат соҳасидаги фаолияти негизида ижтимоий ҳаёт шаклларининг тараққий қилиши билангина инсон тафаккури пайдо бўла олади. Инсонни инсон килган меҳнатdir.

Жамият маънавий ҳаётининг тузилиши манбани, ижтимоий гояларнинг келиб чиқиш манбани гоялар, назарияларининг ўзидан эмас, балки жамиятнинг моддий ҳаёт шаронгларидан, ижтимоий турмушдан қидирмоқ керак, чунки бу гоялар, назариялар шу ижтимоий турмушнинг инъикосидан иборат.

Жамиятнинг турмуши қандай бўлса, жамиятнинг моддий ҳаёт шароити қандай бўлса, унинг гоялари, назариялари ва қарашлари ҳам шундай бўлади.

Классик файласуфлар объектив моддий дунёning конуниятлари – ҳақиқат ҳол, воқеалар, ҳодисалар – пировард нагижада тафаккур тараққиётининг, яъни фикрлаш мантиқининг конуниятларини белгилаб беради, деганлар ва буни жуда кўп мисоллар билан исбот қилиб берганлар.

Мантиқиз юритилган фикр ҳаёт билан жиddий суратда биринчи дуч келишдаёқ ҳақиқат ҳол уни остин-устин қилиб ташлайди.

Шунинг учун ҳақиқат ҳол мантиқига, воқеалар, ҳодисалар мантиқига, яъни моддий дунёning конуният йўли билан тараққий қилишига мувофиқ бўлган тафаккургина мантикли, яъни тўғри тафаккурдир, деб айта оламиз. Аксинча, ҳақиқат ҳол мантиқини, воқеалар, ҳодисалар мантиқини бузуб кўрсатган тафаккурни мантиқиз, яъни нотўғри тафаккур, деймиз.

3. Мантиқнинг аҳамияти

Мантиқ қонун-қоидалари ва шакллари олимларнинг кабинетида ўйлаб чиқарилган нарса эмас. Улар инсон тафаккурининг моддий дунё билан чамбарчас боғланганлиги натижаси, моддий дунёнинг инъикосидир. Инсоннинг амалий фаолияти миллион-миллион марта тақрорланиб мантиқий фикр юргизиш шакллари сифатида инсон онгода маҳкам ўрнашиб келади. Замонлар ўтиши билан мантиқнинг бу шакллари барқарор бўлиб боради.

Атокли рус мутафаккири А.И. Герцен мантиқни ўрганишни жон куйдириб маслаҳат берарди. Машхур рус педагоги К.Д. Ушинский, ақлли сўзнинг илдизи мантиқий тафаккурдадир, деган эди.

Машхур рус олими К.А.Тимирязев, ўзида мантиқий тафаккур қобилиягини ўстириш ҳар бир фуқаронинг бевосита вазифаси, деб ҳисоблаган.

Фикрларнинг тўғри мазмунда бўлиши, билимларни конкрет бўлиши тўғри фикрлашда ҳамиша энг муҳим ва асосий нарсадир. Шу сабабдан, фақат мантиқ воситаси билан тўғри фикр қилишни ўрганиш мумкин деб ўйламаслик керак. Мантиқ бошқа фанларни ўрганиш йўли билан ишлаб чиқариш ва жамоат ишларида фаол қатнашиш йўли билан ҳосил қилинадиган амалий билимларнинг ўрчини боса олмайди.

Лекин мантиқ илмидан ҳабардор бўлиш янги билимларни ўрганиб олишда катта ёрдам беради. Мантиқ илми ўқиладиган материалнинг мазмунини тез ва чукур тушуниб олишга, дарсларни тайёрлашга, масалаларни ечишга, фикрни оғзаки ёки ёзма шаклда мунтазам ва изчил суратда баён қилишга ва ўз фикрингни исбот қилишга кўмаклашади. Мантиқ илми ўрганиладиган материалдан энг муҳим ва асосий нарсаларни топиб, ажратиб олишга ва материалнинг мазмунини яхши ўрганиб олишга ёрдамлашади.

Ўз ватанига астойдил содик бўлган ва зарур билимларни эгаллаган киши мантиқни ишга солса. мантиқ унинг қўлида кучли қурол бўлади. Тўғри фикрлаш қонунлари ҳақидаги фан бўлган мантиқнинг роли ҳозирги кунда ғоятда ошиб бораётганлиги табиийдир.

I БОБ

МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ УСУЛЛАРИ

1. Тафаккур воқеликни билвосита ва умумийлаштириб билишдир

Инсоннинг табиат ва жамиятни билиши моддий дунёдаги нарсаларнинг сезги органларига бевосита таъсир килиши натижасида пайдо бўладиган сезгилардан бошланади. Сезги – моддий нарсадаги бирон хусусиятнинг, масалан, қаттиклик, ранг ва шу кабиларнинг онгимизда акс этишидир.

Лекин инсон нарсаларнинг айрим хусусиятларинигина эмас, балки яхлит-яхлит нарса ва ҳодисаларни (парта, ёзув тахтаси, лампа ва х.к.) ҳам онгига акс эттиради. Масалан, девордаги соатни кўрганимизда, биз бу соатнинг фақат ранги ёки шаклини кўрмаймиз, балки муайян шакли, ранги ва бошка аломатлари бўлган бутун бир нарсани кўрамиз. Соатнинг онгимизда акс этадиган хусусиятлари бир яхлит нарсада бирлашганигидан, соатнинг бу айрим хусусиятларини сезиш ҳам бизнинг онгимизда нарсанинг яхлит бир образига бирлашади. Бу яхлит образнинг асоси нарсанинг яхлит ва бир бутунигидир. Айрим нарса ва ҳодисаларнинг онгимизда яхлит ҳолда акс этиши идроқдир.

Сезги билан идрок теварак-атрофимиздаги оламни билишимизнинг манбаидир. Аммо сезги билан идрок воқеликни билишнинг бошланғич ва шу билан бирга энг содда шаклидир. Улар якка-якка нарсаларнинг яккол образларидир. Ҳиссий билиш бирон нарсанинг ривожланиши масаласини, яъни унинг пайдо бўлиши ва ўзгариши масаласини ҳал кила олмайди.

Нарсаларнинг ички боғланишини, уларни тараққий эттирадиган ва ўзгартириб турадиган конунларни билиш учун, инсон сезги органларининг фаолияти устига тафаккур фаолиятини ҳам кўшади.

Киши мўридан чикаётган тутунни кўрганда, унинг кўзи бу ҳодисанинг кўп хоссаларини: тутуннинг рангини ва зарраларининг ҳаракатини, бурқираб чикаётган тутуннинг

қалинлиги ва қайси томонга кетаётганлигини, унинг қанча баландликка күтарилигини ва шу кабиларни идрок қилишга имкон беради.

Лекин киши тутунни кўриши билан дарров бошқа нарсани хам ўйлади, яъни: “Демак, пеъчда ўт ёкилипти” дейди.

Хўш, бу фараз киши миясида қандай пайдо бўлди?

Ҳақиқатда эса, кўриш органи фақат мўридан чиқаётган тутунни “бидирди” ва унинг кўзига кўринадиган баъзи ташқи алломатларини акс эттириди, холос. Бошқа сезги органлари – тери сезгиси, маза сезгиси, ҳид ва эшитиш сезгилари – бу ҳодисани акс эттиришда мутлақо қатнашмади. Сезги билан идрок – акс этадиган муайян нарса билан бевосита боғлиқ бўлиб, улар ўртасида восита буладиган ҳеч қандай погона йўқдир.

Киши пеъчда ёкилган ўтни бошқа йўллар билан, бошқача далиллар воситаси билан билди. Объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни восита орқали билиш тафаккурининг биринчи белгисидир.

Хўш, кишининг: “Демак, пеъчда ўт ёкилипти” деган хulosага келишига нима сабаб бўлди ва ҳатто халқ орасида: тутун чиккан жойда ўт бўлади”, “ ўт бўлмаса, тутун хам бўлмайди” деган мақолларнинг юришига боис нима? Бунинг боиси шуки, киши тутун билан ўт ўртасида сабабли боғланиши ва муносабат борлигини англаб олган.

Лекин маълум нарсалар учун умумий бўлган муҳим хусусиятларни очиб бермоқ учун икки нарса ўртасидаги ёки бир неча нарса ўртасидаги сабабли боғланиши ёки муносабатни бир марта аниклаш кифоя қилмайди. Бу боғланишнинг умумий эканлигини, унинг негизида моддий дунёдаги буюмларнинг умумий хусусиятлари ва қонуниятлари борлигини англамоқ керак. Ташқи оламни умумийлашган ҳолда акс эттириш тафаккурининг иккинчи белгисидир. Биз фикримизда нарсаларнинг умумий хусусиятларини, яъни бир нарсага эмас, балки бир-бирига ўхшаш гуруҳ нарсаларга хос бўлган хусусиятларини акс эттирамиз.

Шундай килиб, тафаккур воқеъликни билвосита ва умумийлаштириб билишдир. Киши фикрида нарсаларнинг умумий хусусиятларини акс эттиради ва нарсалар ўртасидаги қонуний

алоқадорликни ва муносабатларни топиб олади. Ҳис реалликни күрсатади, фикр билан сүз умумийликни күрсатади.

Тафаккур – восита орқали билишdir дейиш билан, тафаккур воқелиқдан ажralган ва ундан йироклашган экан, деган маъно асло чикмайди. Аксар, тұғри тафаккур воқеликдан йироклашмайди, балки унга яқинлашади, чунки у воқеликни сезгилар йўли билан билишга қараганда, чуқуррок, тұғрирок, тұларок акс эттиради. Масалан, кеча билан кундузниң алмашиниб туришини идрок килганда, гүё Қуёш Ер теварагида айланиб турғандай нотұғри хаёл туғилади. Бу нотұғри билим бевосита ҳиссий туйғудан пайдо бўлади ва у самовий жисмларнинг ҳаракатидаги қонуниятни билишга имкон берган тафаккур ёрдами билан рад қилинади.

Тафаккур бизнинг онгимиизда ҳосил қилинган сезги ва идрокларнинг қандайдир оддий йигиндиси эмасдир. Тафаккур – билишнинг сифат жиҳатдан фарқ қиласидиган шакли бўлиб, бу шакл ҳиссий билишга нисбатан мукаммалроқдир. Бу шаклнинг мукаммалроқ бўлишининг сабаби фақат фикр қилинадиган нарсаларнинг йироқ бўлиши ва айни замонда уларни сезги билан билиб бўлмаслик эмасдир, бунинг асосий сабаби шуки, тафаккур нарсаларнинг моҳиятини очишига ҳодисаларнинг қонуниятларини билишга имкон беради.

Киши объектив воқелиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий хусусиятларини, муносабатларини, қонуниятларини билиш учун ҳар хил мантикий усуулларни ишлатади. Такқослаш, таҳлил ва синтез килиш, абстракциялаш ва умумийлаш ана шу мантикий усуулларнинг асосийлариdir.

2. Таққослаш

Нарсалар энг аввал таққослаш йўли билан билинади. Нарсанинг нималигини билиш керак, деган сўзниң маъноси уни бошка нарсалардан фарқ қиласмоқ ва унинг ўзига жинсдош бўлган нарсаларга ўхшашлигини аниқламоқ керак, демакдир.

Такқослаш – шундай бир мантикий усуулдирки, бу усул воситаси билан объектив оламдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшашлиги ва бир-биридан фарқи аниқлаб олинади.

Биз таққослашдан фақат муайян нарсаларни бевосита идрок килган ҳоллардагина фойдаланмаймиз. Күп ҳолларда биз нарсаларни бошқа нарсалар воситаси билан таққослаб күрамиз. Чунончи, Ер билан Қуёшнинг таркибини биз күёш нурининг спектирини таҳлил қилиш воситаси билан таққослаб күрамиз; ҳавонинг кечаги ва бугунги ҳаракатини биз термометрнинг кўрсатишига қараб таққослаймиз. Таққослаш натижаларининг тўғрилигини белгилайдиган зарур шартларни билиш керак.

Биринчидан, бир-бири билан ҳақиқатда бирон тарзда реаль боғланиши бўлган нарсаларни таққосламоқ керак.

Масалан, “от” билан “поэзия”ни, “ақл” билан “олма”ни ва шу каби ҳодисаларни таққослаш – вақтни бекорга ўтказишидир. Кундалик турмушда нарсаларни таққослашда йўл қўйиладиган шундай хатога “газ билан пудни тенглаштириш” дейилади. Бундай хато тафаккурнинг мантиқсизлигини кўрсатади.

Иккинчидан, қиласидан ҳар бир таққослашимизнинг тўғрилиги таққослашга асос қилиб нимани олишимизга боғлик. Чунончи, икки трактор бригадасининг ишини уларнинг қанча ер ҳайдаганига қараб таққослаб кўриш ва, масалан, қайси бригаданинг кўпроқ ер ҳайдаганини билиш мумкин. Лекин бу кифоя қилмайди. Шундай булиши мумкинки, биринчи бригада иккинчи бригадага қараганда кўпроқ ер ҳайдагану, аммо ерни етарли даражада чукур ҳайдамаган. Демак, таққослаб кўрганда мусобақада ютиб чиқкан томонни ҳақиқатан аниқламоқ учун микдорга сифатни ҳам қўшмоқ керак. Такқосланадиган белгиларни танлаш ҳар қандай таққослашда жуда муҳим ўрин тутади.

Учинчидан, икки ёки бир неча нарсани ҳамиша бир белги асосида олиб, бир нисбатда таққосламоқ керак. Масалан, одамлар буғнинг пайдо булиши сабабини бир неча ҳодисани айни бир нисбатда олиб таққослаш натижасида билганилар. Одам тагида ўт ёқилган идишдаги сувнинг қайнаб буғ чиқаришини кўп марта разм солиб кўрган. Одам турли ҳолларда буғнинг пайдо булишини фикран бир нисбатда таққослаб кўриб, буғнинг пайдо булишига сувнинг исиши сабаб экан, деган амалий жиҳатдан муҳим ва тўғри хulosага келган.

Тұртқинчидан, хар қандай таққослаш дағыттан дуч келган белгиларга қараб әмас, балки таққосланадиган нарсалар учун мұхим аҳамияғи бүлган белгиларга қараб килинмоги лозим.

Бириңчи мантикий усул – таққослаш ана шундан иборат. Нарса ва ҳодисаларнинг ички боғланишлари ва конунлари бошқа мантикий усуллар билан, яғни таҳлил ва синтез йўл билан чуқурроқ билинади.

3. Таҳлил ва синтез

Хар бир нарса айрим кисмлардан таркиб топғанligини ва бу кисмлардан ҳар бирининг алоҳида хусусиятлари борлигини инсон бир неча минг йиллар бурун билган. Чунончи, дараҳтнинг танаси бор, бу танани уй қурғанда иморатта ишлатиш мүмкін: шохларидан капа ясаш ва новдаларидан сават тўқиши мүмкін ва х.к. Ҳаттоқи ёнғокнинг еб бўлмайдиган пўчоги ва мазалик мағзи бор.

Ёнғокнинг мағзини олмок учун уни чакиши керак бўлади. Дараҳт танасини ўйиб ёки куйдириб мустаҳкам қайиқ ясаш мүмкін, лекин бунинг учун энг аввал танани шох ва илдизлардан ажратиб олиш керак.

Одамлар миллиард-миллиард марта кўриб билган нарсаларининг бу оддий хусусияти инсон онгига маҳкам ўрнашиб колган. Биз меҳнат жараёнида ўзимизга таниш бўлган бир нарсани кўрамиз ва уни илгари амалий равища кисмларга бўлганимизни биламиз, шунинг учун энди биз бу нарсани қурғанда, миямизда умумийлашиб қолган тажрибага асосланиб, уни фикран кисмларга бўлиб ташлай оламиз. Замон ўтабориши билан меҳнат фаолияти жараёнида миямизнинг бу кобилияти – нарсани фикран таркибий кисмларга бўлиш – тобора такомиллашиб борди. Таҳлил деб аталувчи мантикий усул ана шу равища пишиб етишди.

Таҳлил – шундай бир мантикий усулдирки, унинг ёрдами билан биз нарсаларни, ҳодисаларни фикран кисмларга бўлиб, уларнинг айрим кисмларини, белгилирини, хусусиятларини ажратамиз.

Таҳлил кильмасдан туриб, озми-кўпми мураккаб бўлган бирон нарсани ўрганиш асло мүмкін әмас. Агар ўқувчилар олдига

электромоторнинг тузилишини билиш вазифаси қўйилса, бу вазифани ҳал қилмоқ учун моторни айрим қисмларга бўлиб, ҳар бир қисмни алоҳида олиб текшириш лозим бўлади. Ҳар қандай машинанинг тузилиши билан танишиш, унинг деталларини (майда қисмларини) албагта ана шу равишда текширишдан бошланишини тажриба кўрсатиб келмокда. Моторни қисмларга бўлганда, биз уни фикран таҳлил ҳам қилиб чиқамиз ва унинг ҳар бир айрим қисмини билиб оламиз.

Лекин мотордаги ҳар бир қисмнинг аҳамияти ва ролини мукаммал ва чуқур тушуниш учун ёлғиз таҳлилнинг ўзи кифоя қилмайди. Таҳлил натижасида биз нарсанинг айрим қисмларинигина билиб оламиз, аммо текширилган нарса тўғрисида тугал билим ҳосил қилмаймиз. Электромотор тугал бир механизм бўлиб, унинг қисмлари бирлашган ҳолдагина ишлайди. Барча таркибий қисмлари бирлашган ҳолда бир-бирига таъсир қилиб турадиган моторни бутунлигича олиб текширгандагина, унинг мотор эканлигини тушуниш мумкин. Нарса ёки ҳодисани яхлит ҳолда текшириш бошқа бир мантиқий йўл билан килинади ва бу йўл синтез (таркиб) деб аталади.

Синтез – шундай бир мантиқий усулдирики, нарса ва ҳодисанинг таҳлил билан бўлинган айрим қисмларини биз шу усул ёрдами билан фикран бирлаштириб бир бутун ҳолига келтирамиз.

Шундай қилиб, биз таҳлил қилганда нарсани фикран қисмларга бўламиз, синтез қилганда эса нарсанинг қисмларини фикран бирлаштириб, унинг таркибий қисмларини яна бир-бирига боғлаб ва мослаштириб, илгаригидек яхлит ҳолига келтирамиз.

Бу мантиқий усулларнинг иккови ҳам борликдаги хусусиятларнинг киши онгига акс этишидир.

Синтезиз таҳлил ёки таҳлилсиз синтез натижа бермайди. Табиат фанлари системасининг айрим қисмлари билан таништириб чиқмасдан туриб, бу системани баён қилишга ўтиш ярамайди, таҳлил билан синтезни бирга қўшиб олиб бормоқ керак.

Лекин нарсани таркибий қисмларга бўлиб, сўнгра уларни фикран бир бутун қилиб бирлаштириш кифоя қилмайди.

Нарсанинг нималигини билиш жуда мураккаб ишдир. Ҳар бир нарса ва ҳодисада жуда кўп қисмлар, жихатлар, хусусиятлар бор. Шу билан бирга бу қисмларнинг жихатларнинг, хусусиятларнинг баъзилари кўпроқ муҳим ва аҳамиятли бўлиб, баъзиларининг аҳамияти камроқдир. Ҳар бир нарса учун зарур ва аҳамиятли бўлган нарсаларни унинг учун зарур эмас ва аҳамиятсиз бўлган нарсалардан фарқ қилмоқ лозимлиги аниқ ва равшандир. Киши бу ишни бошқа мантикий йўли билан бажаради.

4. Абстракциялаш ва умумлаштириш

Инсон меҳнат фаолияти жараёнида ёғочдан кўра, тошдан бақувватроқ курол ясаш мүкинлигини, ҳайвонларнинг териси совуқдан яхши саклашини, ёғоч сувга ботмагани учун ундан сол ясаш мумкинлигини ва х.к. бундан кўп минг йиллар илгари пайқаган эди.

Замон ўтиши билан ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлган англаш қобилияти, яъни нарсаларнинг фойдали хусусиятларини ажратса билиш қобилияти тобора такомиллашиб борди. Муҳим нарсани тасодифий нарсадан фикран ажратишни ҳозир ҳам биз ҳар бир кадамда учратиб турамиз. Нарса ёки ҳодисани аниқлаб, уларни тасодифий ҳоллардан ажратиш лозимлигини тажриба кўрсатиб келмоқда.

Масалан, агар биз бир талай нарсалар ичидан ойна кесадиган нарсани танлаб олмокчи бўлсак, у вактда биз керакли нарсанинг бир сифатига, яъни қаттиклигига эътибор берамиз: олмос ҳудди шундай нарсадир. Ўзимизга керакли нарсани танлаб олиш чоғида нарсаларнинг бошқа хамма хусусиятларини эътиборимиздан четда қолдирамиз.

Бунга абстракциялаш йўли билан эришилади.

Абстракциялаш шундай бир мантикий усулдирки, бу усул ёрдами билан биз нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини фикран ажратамиз ва уларни нарсалар, ҳодисаларнинг иккинчи даражали ва аҳамияти кам хусусиятларидан четлаштирамиз.

Абстракциялаштирма сдан туриб, ҳеч қандай фикр юргизиш мумкин эмас.

Абстракциялашнинг натижаси абстракция деб аталади. Абстракция тўғри ҳам, нотўғри ҳам бўлиши мумкин. Ҳар бир тўғри, илмий абстракция нарсалардаги мазмунни мантикий шаклда акс эттиради. Агар шу шартга риоя қилинmasa, юргизилган фикрларда хатолар бўлиши турган гап. Абстракциянинг мазмунида реаль хусусиятлар эмас, балки текширилаётган нарсага ҳеч бир алоқаси бўлмаган ва хаёлдан ўйлаб чиқарилган хусусиятлар акс эттирилган ҳолларда абстракция нотўғри бўлади. Бундай абстракциялар бемаъни, бачкана, хаёлий абстракциялардир.

Абстракциялаштирилганда биз нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини ажратамиз. Лекин нарса теварак атрофидаги муҳитга боғлаб олинмаса, унинг нималигини тушуниб бўлмайди. Ҳар бир нарса табиатнинг, бирон жинснинг, бирон турнинг, яъни бирон умумий нарсанинг бўлагидир. Бизнинг фикримиз текшириладиган нарсанинг шу нарса таалкукли бўлган умумий нарса билан алоқадорлигини акс эттиради.

Инсон кўп асрлар давомида айрим ҳайвонларни – отлар, итлар, бўрилар, тулкилар, айиқлар ва бошқаларни кузатиб бориб, факат барча ҳайвонларга хос бўлган ва жонли организмларнинг теваракдаги муҳитдан фарқ қилдирадиган белгиларинигина, яъни: овқат ейишга, урчитиб насл орттиришга ва шу кабиларга зарурати борларинигина аста-секин ажратиб келди. Шу билан бирга ҳайвонларнинг айрим турларида кўринадиган иккинчи даражали белгилар, масалан, отнинг якка туёқлиги, сигирнинг шохи борлиги, каламушнинг ер остида яшаши ва шу каби белгилар эътибордан соқит қилинди. Шу тарика бориб-бориб “ҳайвонот” деган фикрий образ вужудга келди.

Умумлаштириш – шундай мантикий усуздирки, бу усул ёрдами билан биз жинсдош нарсаларнинг умумий хусусиятларини фикран бирлаштирамиз.

Умумлаштириш жараёнида инсон конкрет нарсалардан гўё четлашгандай бўлади, якка-якка нарсаларгагина хос бўлган кўп майда-чуйдалардан кўз юмади. Бундай қилишдан мақсад: умумий нарсани билиб олгач, якка яхшилаб чақиб олишдир.

Биз нарсаларнинг хусусиятларини абстракциялаштириш биланоқ нарсаларнинг умумий хусусиятларини акс эттирган бўламиз. Тахлил билан синтез сингари, абстракциялаш билан умумлаштириш ҳам бир-бирига чамбарчас боғлик бўлган ягона жараёндир.

Абстракциялаш сингари, умумлаштиришнинг мантикий усули ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида одамларнинг амалий эҳтиёжидан пайдо бўлди. Қуролларнинг ишлатилиши нарсаларнинг бир кадар барқарор ва доимий хусусиятларини ва шу нарсаларнинг бошқа нарсаларга бўлган, масалан, қуролнинг ўзи ишлаб чиқарадиган нарсага бўлган муносабатининг ҳам шу кадар барқарорлигини билиш билан боғлиқдир. Инсонга абстракциялаш ёрдами билан нарсаларнинг бир хилда бўлган фойдали хусусиятларини ажратиш, маълум бир гурӯҳ нарсалар учун умумий бўлган нарсани фикран бирлаштириш ҳам лозим бўлган эди.

Умумлаштириш тўғри ҳам, нотўғри ҳам бўлиши мумкин. Умумлаштириш нарсаларнинг ўзида бўлган умумий нарсани билишга асосланган тақдирдагина тўғри бўлади. Тўғри умумлаштиришнинг ана шу зарур шартига риоя килинmas экан, бундай “умумлаштириш”нинг хеч қандай киммати бўлмайди. Бу шартдан кайтиш мантикий хатоларга олиб боради. Шу тарика нарса ёки ҳодисанинг хусусиятларини чукур ўрганиш ўрнига, улар билан юзакигина танишилар экан, бу ҳол нотўғри ва пала-партиш ҳулосага олиб келиши мумкин.

П БОБ

ТУШУНЧА

1. Түшүнчанинг мөдияти

Тафаккур – ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий хусусиятлари ва бир-бирига боғланишларининг инсон миясида акс этишидан иборат эканлигини ўтган бобдан билдик. Теварак-атрофимиздаги воқеъликда бўлган нарса ва ҳодисаларни мантиқ илмида фикримиз мавзуи (объекти) деб аташ расм бўлган. Масалан, қалам, ҳосил, ўкувчи, баландлик, харакат ва шу кабилар фикримизнинг мавзуи бўлишлари мумкин. Фикримиз мавзуи буладиган барча нарсаларнинг сифатлари ва хусусиятлари бор. Нарсаларнинг сифат ва хусусиятлари мантиқда белгилар деб аталади. Масалан, қаламнинг узунлиги, ранги, ёзув куроли бўлиш хусусияти ва шу кабиларнинг ҳаммаси унинг белгилариdir. Нарсалар ўз белгилари билан ё бир-бирларидан фарқ қиласи ёки бир-бирига ўхшайди.

Инсон теварак-атрофидаги воқеъликни билганда нарсаларни бир-бири билан таққослади, уларнинг ўхшашлиги ва фаркини аниқлади; таҳлил ва синтез иули билан нарсаларнинг мағзини чақади, фикран уларнинг белгиларини ажратади, бу белгиларни абстракциялаштиради ва умумлаштиради, нарсалар ҳақида ўз ҳукмларини чиқаради ва айтади. Амалий ва фикрий ишларнинг мураккаб жараёни натижасида инсон түшүнча, яъни воқеликдаги нарсалар ҳақида билим ҳосил қиласи.

Бу билим объектив суратда мавжуд бўлган нарсаларнинг инсон онгида акс этган суратидир. Бу билим нарсалардаги муҳим хусусиятларнинг умумлашувидан иборат бўлиб, нарсалар ҳақидаги фикр шаклида ифодаланади.

Буюмларнинг туб хусусиятларини ифодаловчи белги нарсанинг муҳим белгиси деб аталади. Масалан, атом тузилиши – кимёвий элементнинг муҳим белгисидир, унинг бирон тарздаги физик ҳолати, ташки шакли ва бошқалари муҳим бўлмаган белгилардир.

Шундай килиб тушунча – нарсаларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи фикрdir.

Масалан, “сув ости кемаси” тушунчасида сув ости кемасининг мана бу белгилари акс этган: ҳарбий кема сув остига тушади ва сув остида сузади, торпедо аппаратлари билан куролланган ва ҳ.к. Бу белгилар сув ости кемалари учун умумий ва муҳим белгиларdir.

Тушунча вокеликни чин акс эттирганида тўғри бўлади. Агар бирон тушунча вокеликни бузиб, ногўғри қилиб кўрсатса, бундай тушунча хатодир. Хато тушунчалар, масалан, назария амалий ишдан ажralган пайтларда, турли диний эътиқодлар ва шу кабилarda пайдо бўлади. Тўғри тушунчалар кўп кишиларнинг меҳнат фаолияти жараёнида пишиб этишади; бундай тушунчаларнинг ҳакикатга тўғри келиши инсоннинг амалий иши билан текшириб борилади.

2. Тушунча ва сўз

Тушунча сўз билан ифодаланади. Сўз тушунчанинг ташқи шаклидир. Масалан, агар бизда умуман мактаб ҳакида тушунча бўлса, у вақтда бу тушунча бир сўз билан “мактаб” деб ифодаланиши (белгиланиши) мумкин. Лекин агар биз умуман мактаб тўғрисида эмас, балки ўзимиз ўқийдиган мактаб тўғрисида фикр қилсак, у вақтда бундай фикр бир неча сўз билан: “бизнинг мактаб” ёки “биз ўқийдиган тўлиқ ўрта мактаб” деб ифодаланади.

Бу тушунча бир неча сўз билан ифодаланган грамматик гапдан шу билан фарқланадики, унда биз фикр қилган нарса тўғрисида тасдиқ ҳам, инкор ҳам йўқdir, бошқача айтганда, мантикий кесим йўқdir. Юқорида келтирилган мисолда фикр қилинган нарса мактабдир. Мисолда фикр қилинган нарсани ифодаловчи “мактаб” сўзидан ташкари, “биз ўқийдиган”, “тўлиқ”, “ўрта” деган сўзлар ҳам бор. Бу сўзлар нарсанинг белгиларини ифодалайди. Лекин мактаб сўзига кесим бўладиган сўз бу мисолда йўқ. Бинобарин, сўзларнинг бу йиғиндиси гап эмасдир, бу сўзлар факат бир тушунчани ифодалашга хизмат

қилади, холос, бошқа мисоллар: “тез сузувчи кайик”, “курилувчи уй”, “ўзбек спортчилари эришган шонли ғалаба”.

Кўпинча бир тушунчанинг ўзини турли сўзлар билан ифодалаш мумкин. Масалан: “ғалаба қозонган киши” ва “ғолиб”. Уч сўздан тузулган бу тушунча (“ғалаба қозонган киши”) бир сўз билан “ғолиб” деб ифодаланган тушунчани ҳам билдиради. Бошқа мисоллар “ўзбек жангчиси” ва “Ўзбек армиясининг аскари”, “китоб ўкувчи ғалаба”, “дарс берувчи киши”, “ўқитувчи”.

Эшитилиши бир хил бўлган сўзлар кўп вақт бутунлай бошқа-бошқа тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилиди. Масалан: ўт-ўсимлик, ўт-олов, ўт-зарда, бак, ёш, занг, каби сўзлар (омонимлар) ҳам шунга мисолдир.

Шаклдош сўзлар ногўри ишлатилса, тушунчалар албатта аралаш-қуралаш бўлиб кетади, яъни айтилган фикр хато бўлиб чиқади.

3. Тушунча ва тасаввур

Тушунча тасаввурдан тубдан фарқ қилади.

Тасаввур – нарса ва ҳодисаларнинг онгимиздаги яққол суратларидир. Шунинг учун, масалан, ёргуликнинг тез ҳаракатини тасаввур қилиб бўлмайди, чунки бундай ҳаракатнинг яққол кўринишини кўз олдига келтириб бўлмайди. Аммо биз ёргуликнинг тез ҳаракатини фикрлай оламиз. Бизда, ёруғлик бир сонияда 300 000 километр масофа ўтади деган тушунча бор.

Тасаввур ҳамма вақт индивидуал ҳаракатга эга. Тасаввурда муҳим белги иккинчи даражали белгилардан ажратилмайди, улар муҳим бўлмаган белгилардан ҳам таркиб толишлари мумкин.

Тушунча тасаввурдан фарқ килиб, нарсаларнинг моҳиятини акс эттиради. Тушунчалар умумга хос бўлиб, айни бир хил тушунчалардан жуда кўп турли-туман одамлар фойдаланиши мумкин. Тушунчалар объектив оламнинг инъикоси бўлиб, кўп кишиларнинг фикрлаш фаолияти натижасида юзага келади.

Улар баркарорроқ бўлади ва одамлар қозониб келган тажриба сингари тил воситаси билан инсонга ўтиб туради.

Тасаввуродамнинг психик ҳаётига оид ҳодисабўлганлигидан уни психология ўрганади. Мантиқ илми нарсаларнинг моҳияти ҳақида инсоннинг амалий тажрибасидан юзага келган билим шакли бўлган тушунчадан баҳс этади. Барча билимларимизнинг асосий хазинаси бўлган тушунчалардан биз доимо фойдаланиб турамиз. Билимларимизнинг бу хазинасида одамзоднинг кўп асрлар давомида қилиб келган амалий ишларининг натижалари йиғилган.

4. Тушунчаларнинг мазмунни ва ҳажми

Ҳар бир тушунчанинг мазмунни ва ҳажми бор.

Тушунчанинг мазмуни – бир туркум нарсалардаги муҳим белгиларнинг мажмуи тўғрисидаги билимдир.

Масалан, “стратостат” тушунчасига мана бу муҳим белгилар киради: стратосферани ўрганиш мақсадида унга учиш учун жиҳозланган ва гондаласи бўлган ҳаво шари. “Стратостат” тушунчасининг мазмуни вактнинг икки оралиги бўлиб, бу оралиқда бирон жараён, ҳодиса юз беради ва тугайди.

Шундай қилиб, тушунчанинг мазмуни муайян тушунчага тааллукли бўлган нарсалар ҳақидаги билим, нарсаларнинг моҳияти ва хусусиятлари ҳақидаги билимдир. Агар тушунчанинг мазмуни воқеъликни тўғри акс эттирса, воқеъликка мувофиқ келса, бундай тушунча тўғри тушунча бўлади, акс ҳолда у нотўғри, хато тушунча бўлади.

Инсоннинг амалий ишлари жараённида, одамларнинг моддий дунёни нечоғлик чуқур билишларига қараб, тушунчаларнинг мазмуни янги белгилар билан бойиб ва тушунчанинг эскирган белгилари ташланиб борилади. Масалан, электрнинг илгари маълум бўлмаган янги хусусиятлари билина борган сари электр ҳақидаги тушунчанинг мазмуни ўзгариб, янги белгилар билан бойиб борди. Электр ҳақида ҳозирги замондаги илмий тушунчча, чунончи XX аср бошларида электр ҳақидаги тушунчага караганда электрнинг моҳиятини чукурроқ ва тўғрироқ акс эттиради.

Лекин тушунчаларнинг ўзгариб туришига фақат кишиларнинг ҳодисалар моҳиятини чуқуррок англаб боришларигина сабаб бўлмайди, бунга замон ўтабориши билан ҳодисаларнинг ўзларини ўзгариб туриши ҳам сабаб бўлади. Аммо тушунчаларнинг мазмуни замоннинг маълум бир даври ичида барқарор бўлиб, ўзининг муайян маъносини сақлаб колади.

Тушунчаларда фақат нарсаларнинг белгилари ҳақидаги билим бўлмасдан, балки маълум бир тушунча қандай нарсаларга татбиқ этилиши ҳақидаги билим ҳам бордир. Бошқа таъбир билан айтганда, ҳар бир тушунчанинг мазмуни бўлиши билан бирга ҳажми ҳам бордир.

Тушунчанинг ҳажми – муҳим белгилари тушунчада акс этган нарсалар доираси ҳақидаги билимдир.

Масалан, “дунё томонлари” тушунчасининг ҳажмига уфқнинг шу тушунчадан англашиладиган ҳамма қисмлари: шимол, жануб, гарб, шарқ киради. “Стратостат” тушунчасининг ҳажмига ҳамма хилдаги стратостатлар киради.

Нарсаларнинг бундай доираси ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, “ўсимлик” тушунчаси ҳамма хилдаги ўсимликларни: қачондир бор бўлган, ҳозирги вактда бўлган ва келажакда бўладиган ўсимликларнинг ҳаммасини ўз ичига олади. “Ернинг кутби” деган тушунча ер куррасининг фақат икки нуктасига татбиқ қилинади. Фақат битта нарсага оид бўлган тушунчалар ҳам бўлиши мумкин, масалан, ҳозирги Франция ҳақидаги ёки Енисей дарёси ҳақидаги, ёки ернинг маркази ҳақидаги тушунча шундай тушунчалардир.

5. Тушунчаларнинг мазмуни билан ҳажми ўртасидаги нисбат

Тушунчаларнинг мазмуни билан ҳажми ўртасида муайян нисбат бор. Бу нисбатни мисоллар билан текшириб чиқайлик.

“Умуртқалилар” тушунчасининг ҳажмига умуртқали ҳайвонларнинг барча тури киради, умуртқалиларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган муҳим белгилар эса бу тушунчанинг мазмунидир. Ҳажми кичикроқ бўлган тушунчани, яъни “сүт эмизувчилар” тушунчасини олайлик. Бу тушунча ҳажмига

умуртқалиларнинг ҳаммаси эмас, балки бир қисми киради, бинобарин, бу тушунчанинг ҳажми кичикроқ бўлади. Бироқ, тушунчанинг мазмунни янги белгилар ҳисобига кенгаяди. “Сут эмизувчилар” тушунчаси мазмунига (хар бир сут эмизувчи умуртқалидир) киради, бундан ташкари умуртқалиларнинг белгилари унинг мазмунига ўзининг алоҳида белгилари (болаларни сут билан боқиш ва б.) ҳам кирадики, бу белгилар “умуртқалилар” тушунчаси мазмунидаги йўқ эди.

Бошқа бир мисол: қайнининг ҳар қандай – дараҳтдир, бинобарин, қайн тушунчаси мазмунидаги дараҳт тушунчасининг барча белгилари бор. Лекин қайнининг яна ўзига хос алоҳида белгилари ҳам бор, бинобарин, “қайн” тушунчаси мазмунидаги белгилар “дараҳт” тушунчаси мазмунидаги белгилардан кўпроқдир. Бироқ “қайн” тушунчасининг ҳажми “дараҳт” тушунчасининг ҳажмидан торроқдир.

Шу тариқа, ҳажми жихатидан кенгрок бўлган тушунчалар мазмун жихатидан торроқ бўлади. тушунчаларнинг мазмуни билан ҳажми бир-бирига ана шу равишда боғлиқдир. Бундай боғлиқликнинг ўз қонуни бўлиб, бу қонун “тушунчалардаги мазмун билан ҳажмнинг тескари нисбати” деб аталади. Бу қонун: тушунчанинг мазмуни қанча кенг бўлса, унинг ҳажми шунча тор бўлади, деб ифодаланади. Шунга мувофик унинг: тушунчанинг мазмуни қанча тор бўлса, унинг ҳажми шунча кенг бўлади, деган тескари ифодаси ҳам бўлади.

“Тескари нисбат” қонуни фақат бир-бирининг ҳажмига кириб турадиган тушунчаларгагина жорий килинади.

Бироқ бу қонундан, мазмунни кенгроқ, яъни умумийроқ тушунчаларнинг биз учун қиммати камроқдир, деган хулоса чикмайди. Фан ҳамиша умумий тушунчалар яратиб беришга интилади. Умумий тушунчаларнинг қиммати шундаки, улар кўп хилдаги нарсаларни текшириш натижасида вужудга келади. Бу ҳол улардаги алоқадорлик ва қонуниятнинг умумий хусусиятларини билишга имкон беради.

6. Тушунчани чегаралаш ва умумийлаш

Фикрлаш чогида биз, күпинча, тушунчани умумийлаш ва тушунчани чегаралаш деб аталувчи мантикий усуллардан фойдаланамиз.

Тушунчани умумийлаш – унинг ҳажмини кенгайтириш, тушунча татбиқ қилинадиган нарсалар сирасини кўпайтириш демакдир. Тушунчани чегаралаш – унинг ҳажмини торайтириш демакдир.

Тушунчани чегаралашни қўйидаги мисол билан текшириб чиқайлик. Кимё ўқитувчиси натрийнинг нималигини тушунтира бошлайди. Ўқитувчи ўз изоҳини умуман элементнинг нимадан иборат эканлигидан бошлаб, сўнгра “металл”га хос баъзи белгиларни “элемент” тушунчасига киритиши мумкин. Бу белгиларни киритиш “элемент” тушунчасининг ҳажмини торайтиради, бу тушунчанинг ҳажмини чегаралайди, шу билан ҳажм кичикроқ бошқа бир тушунча – “металл” тушунчаси ҳосил бўлади. Сўнгра ўқитувчи “натрий”га хос белгиларни “металл” тушунчасига киритиб, металл тушунчасини чегаралайди, яъни унинг ўрнига умумийлиги яна камроқ бўлган “натрий” тушунчасини беради.

Шу тариқа тушунчани чегаралаш кенгрок тушунчалардан аста-секин торроқ тушунчаларга ўтаборишиндан иборат бўлади. Биз бирон тушунчанинг мазмунини изоҳлаган вактларда тушунчаларни чегаралаш усулидан фойдаланамиз, шунда ҳам ўз изоҳларимизга асос килиб, маълум бўлган кенгрок тушунчани оламиз. Тушунчанинг мазмунини аниқлаб бериш – маълум бир тушунчанинг қандай ҳодисалар доирасига киришини кўрсатиш демакдир, бирон тушунчани бошқа тушунчалардан, шу жумладан, кенгрок тушунчалардан ҳам чеклаш зарур бўлган пайтларда, тушунчани чегаралаш усули кўлланилади.

Тушунчаларни чегаралаганда биз кенгрок тушунчалардан торроқ тушунчаларга ўтиб бориб, охирида ҳажми бир мавҳумдан ошмайдиган ва. бинобарин. бундан кейин чегаралаб бўлмайдиган тушунчаларга бориб етамиз. Бу хил тушунчалар айрим, якка нарсаларни акс эттирганликлари сабабли ҳажм

жиҳатидан нихоятда тор бўлади. Бу тушунчаларга мисол килиб: “Каспий денгизи”, “1914 йилги биринчи жаҳон уруши” деган тушунчаларни олиш мумкин.

Тушунчани умумийлаш тушунчани чегаралашнинг аксидир. Тушунчани умумийлаштирганда биз ҳажми торроқ тушунчанинг баъзи белгиларини олиб ташлаш йўли билан умумийлиги тобора кенгайиб борувчи тушунчаларга бораверамиз. Масалан, “чех” тушунчасидан “славян” тушунчасига, “славян” тушунчасидан “инсон” тушунчасига ўтиб бораверамиз. Тушунчани умумийлаш жараёни шу асосда борадики, биз текширадиган нарсалар доираси ўз хусусиятлари билан фарқ қиласидиган янги нарсалар хисобига тобора кенгая боради. Фан тушунчаларни умумлаштиришдан кенг фойдаланади, чунки фан ҳамиша нарсалардаги энг умумий хусусиятларни очиб беришга харакат киласиди.

Тушунчаларни умумлаштирганда биз ҳажми торроқ тушунчалардан ҳажми кенгрок тушунчаларга ўтавериб, охирида, ҳажми ноҳоятда кенг бўлган ва бундан кейин умумлаштириб бўлмайдиган тушунчаларга бориб етамиз. Бундай тушунчалар категориялар деб аталади. Масалан, “материя”, “замон”, “харакат”, “макон”, “миқдор”, “шакл” ва шу каби тушунчалар – категориялардир.

7. Жинс тушунчалар ва тур тушунчалар

Биз, тушунчаларни чегаралаганда ҳам, умумлаштирганда ҳам бир канча тушунчалар ҳосил бўлиб, булардан баъзилари кенгрок, баъзилари торроқ эканлигини билиб олдик. Кенгрок тушунчалар – жинс тушунчалар, торроқ тушунчалар – тур тушунчалар деб аталади.

“Шахар” – “пойтахт” – “Тошкент” деган бир нечта тушунчани олайлик. “Шахар” тушунчаси “пойтахт” тушунчасига нисбатан жинс тушунча бўлади, “пойтахт” тушунчаси эса “Тошкент” тушунчасига нисбатан жинс тушунча бўлади. Лекин тушунчаларнинг бошқа нисбати ҳам бор: “Тошкент” тушунчаси “пойтахт” тушунчасига нисбатан тур тушунча бўлади, “пойтахт”

тушунчаси эса “шаҳар” тушунчасига нисбатан тур тушунча бўлади.

Шундай қилиб, бир тушунчанинг ўзи айни бир вақтда ҳам жинс тушунча, ҳам тур тушунча бўлиши мумкин, лекин фақат уларнинг нисбати бошқа-бошқа бўлади, айни бир тушунча торрок тушунчага нисбатан жинс тушунча, кенгрок тушунчага нисбатан тур тушунча бўлади. Юкорида кўрсатилган мисолдаги “пойтахт” тушунчаси шаҳар тушунчасига нисбатан жинс тушунчадир.

Жинс тушунча (ёки жинс) тур тушунчалардан айрим яшай олмагани сингари, тур тушунчалар (ёки турлар) ҳам жинсдан айрим яшай олмайди. Жинс билан турнинг ана шундай бир-бирига боғлиқ бўлиши нарсаларда умумий нарса билан якка нарсанинг алокадорлигини акс эттиради, чунончи: объектив оламдаги ҳар бир нарсанинг умумий хусусиятлари бўлиб, бу хусусиятлар уни ўзига жинседош бўлган нарсалар билан бирлаштиради ва шу билан бирга унинг ўзига хос алоҳида хусусиятлари ҳам бўлади. Масалан, олма – мевадир (“мевалик” олмаларга ва шу кабиларга хос умумий хусусиятдир), лекин олманинг бошқа меваларда бўлмаган ўзига хос алоҳида хусусиятлари ҳам бор: қарағай – дарахтдир (умумий хусусияти), лекин қарагайнинг ўзига хос бўлган ва уни бошқа дарахтлардан фарқ қилдирадиган алоҳида хусусиятлари ҳам бор.

Умумий хусусиятлар фақат айрим нарсалардагина бўлади. Шу сабабли умумий хусусиятлар айрим нарсаларнинг белгисидир. Ҳар қандай олма – мева бўлганлигидан “мева” олманинг белгисидир; дарахт – қарагайнинг белгисидир ва ҳ.к. Зотан, бу умумий хусусиятлар (мева, дарахт) муҳим хусусиятлардир, чунки улар нарсаларнинг туб хоссаларини ифодалайди.

Худди шунингдек жинс тушунчалар, объектив алокадорликни акс эттириш билан бирга, ўз турларининг белгиларидир. Агар биз “кимё – фандир” десак, “кимёнинг қайси жинсга (“фанлар” жинсга) киришини кўрсатамиз ва шу билан бирга “кимё”нинг энг муҳим белгисини, яъни унинг жинсий белгисини (“фан”) ҳам кўрсатган бўламиз.

8. Тушунчаларнинг асосий туркумлари

Тушунчалар ўз ҳажмига қараб якка тушунчаларга ва умумий тушунчаларга бўлинади.

Якка тушунчалар айрим (якка) нарсалар хакидаги тушунчадир. Бундай тушунчаларга мисол килиб, “лашкарбоши Кутузов”, “Тошкент шаҳри”, “Ўзбекистон республикаси”, “дунёда энг чуқур кўл” ва шу каби тушунчаларни олиш мумкин.

Умумий тушунчаларда бир жинсдан бўлган кўп нарсалар акс этади. Масалан: “юлдуз”, “китоб”, “мактаб”, “ашула”, “ҳосил” ва бошқалар. Бу тушунчаларнинг ҳар бири бир жинсдан бўлган нарсаларнинг катта туркумига киради: чунки юлдузлар бирталай, мактаблар бирталай ва х.к.

Умумий тушунчалар кенгроқ ҳам торроқ бўлиши мумкин. Чунончи, “трактор” тушунчаси “кишлок ҳўжалик машинаси” тушунчасига нисбатан торроқдир, лекин “ўрмаловчи трактор” тушунчасига нисбатан кенгdir.

Умумий тушунча ичига кирадиган нарсалар микдори чегараланган ёки чегараланмаган бўлиши мумкин. Масалан, “кема” деган умумий тушунча илгари бўлиб ўтган, ҳозирги вактда бўлган ва келажакда бўладиган кемаларнинг ҳаммасига оидdir.

Ҳажми чегараланган умумий тушунчаларга: “Москва метросининг биринчи навбатда курилган станцияси”, “Лермонтов асарлари”, “XIX аср олимлари” ва шу кабилар киради.

Умумий ва якка тушунчалар тўпланма тушунчалар бўлиши мумкин.

Тўпланма тушунчалар – бир жинсдан бўлган нарсалар, тўплами яхлит ҳолда англашиладиган тушунчалардир. Масалан: “ўрмон” (дарахтлар тўплашган ер), “кутубхона” (китоблар тўпланган хона), “йигилиш” (ўкувчилар тўпланиши).

Тўпланма тушунчаларнинг хусусияти шундаки, жами бир бўлиб тўпланма тушунчада англашиладиган нарсани айрим ҳолда олиб нарсаларга татбик қилиб бўлмайди. Масалан, “ўрмон” гушунчасини айрим бир дараҳтга, “йигилиш” тушунчасини айрим бир ўкувчига такаб бўлмайди ва х.к.

Тұпланма тушунчаларни ё нарсаларнинг бир йиғимиға ёки бир неча йиғимга татбиқ қилиш мүмкін. Нарсаларнинг бир йиғимиға татбиқ қилинганда, якка тұпланма тушунча бұлади, бир неча йиғимга татбиқ қилинганда, умумий тұпланма тушунча бұлади. Масалан, А.Навойй номидаги марказий кутубхона, деган тушунча якка тұпланма тушунчадир. Умуман кутубхона тушунчаси эса, күпчиликка оид тушунча бұлганидан, умумий тұпланма тушунча бұлади.

Масалан: “гурух”, “синф”, “жамоа”, “полк”, “халқ”, “оломон” ва шу кабилар умумий тұпланма тушунчалар жумласига киради. Якка тұпланма тушунчалар жумласига эса: “Етти оғайни” (бир тұлам ўлдуз), “Фалон идоранинг хизматчилари жамоаси” ва шу кабилар киради.

Тушунчалар мазмұннаның қарабынан, конкреттесе абыстракт тушунчаларға бүлинади.

Конкрет тушунчалар нарсадан ажратиб бұлмайдыган белгиларни жамини үз ичига олган нарсаларни яхлит холда акс эттиради. Масалан, “Албания”, “Йиғим-терим”, “об-ҳаво” ва ы.к.

Хар бир конкрет тушунчадан ё турли белгилари жуда күп бұлған мұайян бир нарса ёки асли бир жинсдан бўлиб, белгилари хилма-хил бұлған күпгина нарса англашилади. Абыстракт тушунчалар нарсаларнинг айрим белгиларинигина акс эттиради, холос, шунда ҳам бу белгиларнинг ҳар бири мустақил холда англашилади. Биз нарсалардан уларнинг ҳаммаси учун умумий бұлған бирон белгини ажратиб (абстракциялаштириб) оламиизда, бу белгини мустақил нарсага айлантириб фикр қиламиз, абыстракт тушунчалар ана шу тарика вужудға келади. Масалан, тузи бир хил бұлған нарсалардан: қор, сут, бүр ва шу кабилардан “оклик” тушунчаси ажратиб олинган ва бу тушунча абыстракт тушунча сифатида англашиладын бұлған. “Қизиллик”, “катталик”, “оғирлик”, “ботирлик”, “моҳирлик” каби тушунчалар ҳам абыстракт тушунчалар жумласидандыр. Шу тарика, ҳар бир абыстракт тушунча турли хилдаги нарсалардан ажратиб олинган бир белгидан иборатдир, холос.

Тушунчалар нисбатдоғы ва нисбатсиз тушунчалар, мусбага ёки манғый тушунчалар булиши мүмкін.

Нисбатдош тушунчалар – икки хил тушунча бўлиб, улар фикр юргизиладиган икки нарса ўртасидаги муайян алокадорликни кўрсатувчи белгиларни ўз ичига олади. Масалан: “ўқитувчи ва ўкувчи”, “бошлиқ ва бўйсинувчи” ва бошқалар. “Бошлиқ” тушунчасидан бўйсинувчининг борлиги англашилади. “бўйсинувчи” тушунчасидан бошлиқнинг борлиги англашилади. Бўйсинувчи бўлмаса, бошлиқнинг бўлиши мумкин эмас. Бошлиқ бўлмаса, бўйсинувчининг бўлиши мумкин эмас. Масалан, “балик ва сув” (сувнинг борлиги баликка боғлик эмас), “сигир ва сут”, “қуаш ва ин” ва шу каби тушунчалар нисбатдош тушунчалар бўла олмайди. Бу хил тушунчалар нисбатсиз тушунчалар жумласига киради. “Денгиз”, “мактаб”, “завод” ва шу кабилар нисбатсиз тушунчаларга мисолдир.

Мусбаг тушунчалар бирон хил белги борлигини акс эттиради (“чаккон”, “тақсимбоп”), манфий тушунчалар белги йўқлигини акс эттиради (“бегам”, “ноаник”).

Хар бир тушунча бошқа тушунчалар билан турлича муносабатда бўлади ва шунинг учун у айни бир вактда турли туркумларга киради. Масалан, “баландлик” тушунчаси – умумий, тўпланмасиз, абстракт, нисбатсиз, мусбат тушунчадир; “Чехов ҳикояларида услуб билан мазмуннинг бирлиги” деган тушунча якка тўпланма, абстракт, нисбатсиз, мусбат тушунчадир.

Тушунчаларнинг асосий туркумларини қўйидаги жадвал шаклида кўрсатиш мумкин:

		Конкрет тушунчалар	Абстракт тушунчалар
Тўпланмасиз тушунчалар	умумий тушунчалар	Дарё	Гўзаллик
	якка тушунчалар	Волга	Бу гўзаллик
Тўпланма тушунчалар	умумий тушунчалар	Талабалар	Кўплик
	якка тушунчалар	Карпат тоғлари	Бу кўплик

9. Тушунчалар ўртасидаги мұносабат

Объектив оламдаги барча нарса ва ҳодисалар ялписига алоқадор ва бир-бирига боғлиқдир. Объектив оламнинг инъикоси бўлган бизнинг тушунчаларимиз ҳам бир-бири билан алоқадордир ва уларнинг бир-бирига бирон тарзда мұносабати бордир. Баъзи тушунчалар ўртасидаги алоқа заиф бўлиб, унча сезилмайди. Масалан, “айиқ” тушунчаси билан “ёзув таҳтаси” тушунчаси ўртасида қандай алоқа бор? Улар ўртасидаги алоқа факат шуки. бу тушунчаларнинг иккови ҳам воқеъликдаги муайян ҳодисаларнинг инъикоси бўлиб, иккови ҳам конкрет, умумий, тўпламасиз тушунчалардир.

Мазмун жиҳатдан бир-биридан йирок бўлган шундай тушунчалар такқослаб бўлмайдиган тушунчалар деб аталади.

Бошқа тушунчаларнинг ҳаммаси такқослаб бўладиган тушунчалардир, бу тушунчалар икки гурухга: 1) сиғишадиган тушунчалар ва 2) сиғишмайдиган тушунчаларга бўлинади.

Агар икки (ёки ундан ортиқ) тушунчаларнинг ҳажмлари тўла ёки қисман бир-бирига мувофиқ келса, сиғишадиган тушунчалар бўлади, агар мувофиқ келмаса, сиғишмайдиган тушунчалар бўлади.

Шуни айтиш керакки, ҳар икки ҳолда ҳам тушунчаларнинг ҳажми кўзда тутилади, бинобарин, бу тушунчалар ўртасидаги мұносабатлар—ҳажмгаидмұносабатлардир. Бу мұносабатларни одатда доиралар шаклида чизиб, яққол кўрсатилади: ҳар бир доира тушунча ҳажмини билдиради.


Сиғишадиган тушунчалар гурухини кўриб чиқайлик:

Айният мұносабати. Мазмун жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласидиган, лекин улардан айни бир нарсанинг маъноси англашиладиган тушунчалар бор. Бундай тушунчалар ўртасида айният мұносабати бор.

Масалан: “Биринчи жаҳон уруши” ва “1914 йилги империалистик уруш”. Бу икки тушунчадан айни бир урушнинг ўзи англашилади, аммо шу билан бу урушнинг белгилари сифатида унинг турли томонлари олиб кўрсатилади.

Айният мұносабати солиштириб кўрганда бир-бирига айнан тўғри келадиган икки доира шаклида чизиб кўрсатилган

(1-расмга к.), бунда бир тушунчанинг (А) ҳажми иккинчи тушунчанинг (Б) ҳажмига тамоман teng келади.



1-расм



2-расм

Бўйсиний муносабати. Бўйсиний муносабатида (торрок) бир тушунча иккинчи (кенгрок) тушунча ҳажмига киради. Бўйсиний муносабати – жинс билан тур ўртасидаги муносабатдир. Тур тушунчанинг ҳажми жинс тушунча ҳажмининг бир қисмига мос келади. Масалан: “туп” ва “ўсимлик” (2-расмга к.). Ҳажми кенгрок бўлган тушунча (ўсимлик) ҳажми торрок тушунчани (тупни) томомила ўз ичига олади.

Кенгрок (жинс) тушунча бўйсиндирувчи деб, торрок (тур) тушунча бўйсунувчи деб аталади.

Тушунчаларнинг бўйсиний муносабатини бўлак ва бутун ўртасидаги муносабат билан аралаштириласлик керак. Масалан, “ой” ва “йил”, “шохлар” ва “дараҳт”, “цех” ва “завод” каби тушунчалар жинсга тур бўлиб эмас, балки бутунга бўлак бўлиб киради. Масалан, “хар бир ой - йилдир” деб айтиш мумкин эмас, лекин биз “хар бир туп - ўсимлиқдир” деб айтиш оламиз.

Албатта, “туплар” ҳам барча ўсимликларнинг бир бўлагидир, лекин улар ўсимликларнинг бир бўлаги бўлиб қолмай, балки ўсимликларнинг тури ҳамдир. ҳолбуки “ой” “йил”нинг тури эмас, балки факат бир бўлагидир, “цех” “ завод”нинг тури эмас, балки бир бўлагидир.

Ҳажмларнинг қисман муносабати. Ҳажмлари бир-бирига қисман мос келадиган тушунчалар чатишма тушунчалар деб аталади (3-расмга к.). Чатишма тушунчаларга мисоллар: “ишчилар” ва “тошкентликлар”, “рассомлар” ва “шоирлар”, “хотин-қизлар” ва “муҳандислар”.




3-расм

Айният, бўйсанинил ва ҳажмларнинг кисман мослиқ муносабатлари сифишидиган тушунчалар муносабатидир, яъни ҳажмлари бирон даражада бир-бирига мос келадиган тушунчалардир.

Сифишмайдиган тушунчалар ўртасида ҳам уч хил муносабат: бирга бўйсинувчилик муносабати, қарама-қаршилик муносабати ва зидлик муносабати бор.

Бирга бўйсинувчилик муносабати. Агар айни бир жинс тушунчага бир неча тур тушунча бўйсинса, у ҳолда бу турдош тушунчалар орасида бирга бўйсинувчилик муносабати бўлади. Масалан: “Европа”, “Осиё”, “Африка” тушунчалари орасида бирга бўйсинувчилик муносабати бор, чунки уларнинг ҳар бири “дунё қитъалари” тушунчасига нисбатан бир турдир. Бирга бўйсинувчилар орасидаги муносабат умумий жинс томонидан бирлаштирилган турлар орасидаги муносабатдир.




4-расм

4-расмда А, Б ва В тушунчаларини ўз ичига олган бирга бўйсинувчилик муносабати кўрсатилган. Г тушунчаси улар

учун умумий жинсдир. Бир бўйсинувчи тушунчаларнинг ҳажмлари бир-бири билан тўғри келмайди, лекин уларнинг ҳаммаси бир жинс тушунча ҳажмига киради. Бирга бўйсинувчи тушунчаларга мисоллар: “ишчилар” ва “дехконлар” (умумий жинс “синфлар”); “ибтидоий жамоа тузуми”, “кулдорлик тузуми”, “капитализм тузуми”, “социализм тузуми” (умумий жинс – “ижтимоий тузум”).

Қарама-қаршилик муносабати. Мазмунни жиҳатдан бир-бирига қарама-карши бўлиб, лекин иккovi ҳам айни бир жинс тушунчаси ҳажмига кирадиган икки тушунча ўртасида қарама-каршилик муносабати бордир. Масалан: “кора ранг” ва “оқ ранг” (улар учун умумий жинс “ранг”). 5-расмда қарама-қаршилик муносабати кўрсатилган. Бошқа мисоллар: “ботирлик”, “кўрқоклик”, “кўтарилиш” ва “тушиш”.



5-расм

Қарама-қарши тушунчалардан ҳар бири ўз мазмуни билан иккинчи қарама-карши тушунчани инкор қилибгина қолмайди, балки иккинчи қарама-қарши тушунча ўрнига ўзи билан сигишмайдиган кандайдир янги тушунчани тасдиқлаб кўрсатади.

Зидлик муносабати. Икки тушунча орасида зидлик муносабати бўлиб, булардан бири иккинчисини тамомила инкор қиласди-ю. аммо инкор қилувчи тушунчанинг мазмуни номаълум бўлиб қолади. Масалан: “кора” (ранг) ва “қора эмас” (ранг), “баланд” (нарса) ва “баланд эмас” (нарса). 6-расмда зидлик муносабати кўрсатилган.

Расмдан кўриниб турибдики, тушунчанинг ҳажми икки кисмга бўлинниб, будардан бири ўз мазмуний жиҳатидан иккинчи

билин мутлақо сиғишмайды. Бирок инкор қилувчи қисмнинг мазмуну аниқланмасдан колади.



Юқорида текшириб ўтилган түшүнчалар ўртасидаги муносабатларни қўйидаги жадвал шаклида кўрсатиш мумкин.

Түшүнчалар					
Таккосланадиган			Таккосланмайдиган “квадрат” ва “истак”		
Сиғишадиган			Сиғишмайдиган		
айният муноса бати	бўйсимиш муносаба- бати	кисман муносаби муносабати	бирга бўйсиннув- чилик му- носабати	карама- каршилик муносабати	зидлик муносаба- бати
Пушкин “Евгений” онегин” муаллифи	“Бадий асар” – Хикоя	“Трактор- чи”- “фермер”	“Қайнин”- “карагай” “арча”	“баланд” “наст”	“баланд” “баланд эмас”

ІІІ БОБ

ТУШУНЧАНИНГ ТАЪРИФЛАНИШИ ВА БҮЛИНИШИ

1. Тушунча таърифининг моҳияти

Тушунчани таърифлаш -- шундай бир мантикий усулдирки, бу усул ёрдами билан тушучанинг мазмуни очиб берилади. Тушунчанинг мазмунини очиб бериш -- унинг муҳим белгиларини кўрсатиб бериш демакдир.

Ҳар бир нарсанинг сон-саноксиз белгилари бор ва бу белгиларининг ҳаммасини кўрсатиб бераман дейиш бемаънилиқдир. Таъриф факат энг муҳим бўлган ва бир тушунчани бошқа тушунчалардан чегаралаб қўядиган белгиларнигина ўз ичига олади.

Таърифда нарсалар ҳакидаги асосий билим қисқа шаклда ифодаланади. Бинобарин, тушунчани таърифлаш -- шу тушунча доирасига кирадиган нарсаларни таърифлашдан иборат. Масалан, "трактор" тушунчасини таърифлаганда, биз ҳақикатда бўлган гракторларни таърифлаган бўламиз.

Масалан, "ромб" тушунчасини таърифлайлик. Бунинг учун дастлаб энг якин жинсни курсатамиз, яъни ромб -- тўртбурчақдир, деймиз. Аммо тўртбурчакларнинг ромбдан ташқари турлари ҳам бор. Шу сабабли таърифда ромбни тўртбурчакларнинг бошқа турларидан фарқ қилдирадиган белгисини ҳам, яъни тур белгисини ҳам кўрсатмоқ керак: у ҳам бўлса унинг ҳамма томонининг бараварлигидир. Натижада: ромб -- ҳамма томони бир-бирига баравар бўлган тўртбурчақдир, деган таъриф хосил бўлади. Ана шу таъриф "ромб" тушунчасининг таърифи бўлади.

Таърифнинг тузилиши икки асосий қисмдан: аникланувчи ва аникловчи тушунчалардан иборат бўлади. Чунончи, биз юкорида келтирган мисолда "ромб" тушунчаси аникланувчи, ҳамма томони бир-бирига баравар бўлган тўртбурчак тушунчаси эса аникловчидир. Аникланувчи тушунча аникловчи тушунчага нисбатан турдир. Аникловчи тушунча аникланувчининг энг яқин жинсини ва тур белгисини кўрсатади.

Таърифнинг таркибини мана бу равишда схемалаштириб бериш мумкин:

“тур” – “жинс ва тур белгиси”дир.

Масалан, “газогенератор” (тур) – аппарат (жинс) бўлиб, қаттиқ ёқилгини газсимон ёқилгига (тур белгиси) айлантиради.

Турбелгиси хамиша бир белгидантина иборат бўлавермайди. Бундай белгилар бир нечта бўлиши мумкин. Уларнинг ҳаммаси тур белгисидан иборат бўлади. Масалан: “Антарктика – дунё қитъаси бўлиб, Антарктида материгини ҳамда теварак – атрофидаги денгиз ва оролларни ўз доирасига олади”. Бу таърифда “дунё қитъаси” жинс тушунчадир, тур белгиси эса унда уч белги билан: Антарктида материгини ўз доирасига олади, “теварак – атрофидаги денгизларни ўз доирасига олади”, “теварак атрофидаги оролларни ўз доирасига олади”, деган белгилар билан ифодаланган.

2. Таърифлаш қоидалари

Тушунчани таърифламоқ учун, албатта, энг аввал шу тушунча ичига кирадиган нарсаларнинг муҳим белгиларини билиш керак. Масалан, “материализм” нималигини билмаган киши, гарчи у таърифлашнинг ҳамма қоидаларини яхши ўрганиб олган бўлса ҳам, “материализм” тушунчасини таърифлаб бера олмайди. Бирок, материализм нималигини билиб, таърифлаш усууларини билмаганда, таърифда хато қилиши жуда осон.

Таърифлашнинг тўрт қоидаси бор:

1. *Таъриф мутаносиб бўлмоги керак*. Бунинг маъноси – аниқланувчи тушунча билан аниқловчи тушунча ҳажм жиҳатидан тенг бўлиши керак, демакдир.

Мисол учун “психология” тушунчаси таърифини олайлик: “психология – инсон психикасини ўрганувчи фандир”. Бу таъриф мутаносибdir, чунки аниқланувчи тушунча (“психология”) билан аниқловчи тушунча (“инсон психикасини ўрганувчи фан”) айнан тенг тушунчалардир, яъни улар ҳажм жиҳатидан бир-бирига тенгдир.

Аммо биз “психология” тушунчасини таърифлаганда, ёлғиз жинс тушунчанинг ўзинигина (“психология – фан” деб) кўрсатиш

билин каноатланиб қолганимизда эди, у ҳолда бундай таъриф ҳажм жиҳатидан жуда кенгайиб кетар эди; психологиядан бўлак бошқа фанлар ҳам борлиги сабабли, “психология” тушунчаси билан “фан” тушунчаси айнан тенг бўлаолмайди.

Тур белгиси сифатида кўрсатилган белгилар сони етарли бўлмаган тақдирда ҳам таъриф жуда кенг бўлиб кетади. Масалан: “конденсатор – электр энергиясини жамғариш учун хизмат қилаодиган асбобдир” деган таърифни олайлик. Бу таърифда гарчи жинс ҳам, тур белгиси ҳам кўрсатилган бўлса-да, лекин бундай таъриф билан биз конденсаторни аккумулятордан фарқ қилаолмаймиз. Бундан ташқари, факат конденсаторнинг ўзига хос бўлган белгиларни ҳам тур белгиси сифатида кўрсатмоқ керак.

Шундай қилиб, жуда кенг суратда берилган таъриф ноаник ва нотўғридир.

Жуда тор маънода берилган таъриф ҳам ноаник ва нотўғри таърифдир. Масалан: “линза – икки томони қавартириб қўйилган оптик шишадир” деган таърифда жинс ҳам, тур белгиси ҳам кўрсатилган, лекин бу таъриф барча хилдаги линзага доир бўлмай, балки линзанинг бир туригина бўлган лупага доирдир. Бинобарин, аникловчи тушунчанинг ҳажми аникланувчи тушунчанинг ҳажмидан тордир. Мутаносиблик коидаси бузилганлиги сабабли линзанинг таърифи нотўғри бўлиб чиккан.

“Астрономия юлдузлар ҳакидаги фандир” деган таъриф ҳам жуда тор. Бу таърифда тур белгиси астрономия илми баҳс қилаодиган соҳани тўлик кўрсатиб бермайди, чунки астрономия юлдузлар билан бирга самовий жисмларнинг ҳаммасидан баҳс килувчи фандир.

2. *Таърифда айланма бўлмаслиги керак*. Бу қоиданинг бузилиши шундан иборатки, аникловчи сифатида олинган тушунчанинг ўзини фақат аникланувчи восигаси билангина тушуниш мумкин бўлади. Масалан: “Муҳокамадаги зидлик нима? Муҳокамадаги зидлик – мантиқка хилоф фикр юргизиш демакдир”. Бу, таърифдаги айланма мисолидир, чунки “муҳокамадаги зидликни” кўрсатмасдан туриб, “мантиқка хилоф фикр юргизиш” нималигини тушуниб бўлмайди.

“Таърифдаги айланма” хатоси баъзан бир фикрни қайтакайта чайнаш тусига киради, яъни тавтологияга айланади. Мана бундай бир мисолни олайлик: “Нарсанинг муҳим белгилари шундай белгиларки, улар нарса учун муҳим белгилардир”. Ёки: “кулги кистайдиган нарса – кулгили нарсадир”.

3. *Таърифда инкор бўлмаслиги керак*. Таъриф нарсанинг нимадан иборат эмаслигини кўрсатмасдан, балки нимадан иборат эканлигини кўрсатиши керак. Масалан: “Ёруғлик – қоронғиликнинг йўқлигидир” каби таъриф ёруғликнинг моҳияти нималигини тушунтириб бераолмайди.

Бироқ, баъзи ҳолларда таърифда инкор ҳам бўлиши мумкин. Масалан: инерт газлар (аргон, неон ва бошқалар) таърифида уларнинг кимёвий жиҳатидан камҳаракатлиги кўрсатилади. Аникланувчи манфий тушунча бўлган ҳолларда ҳам таърифлашда инкор ишлатилади. Масалан: “иррационал сон – на бирлик қиёси билан, на унинг қисмлари билан ўлчовга солиб бўлмайдиган сондир”.

4. *Таъриф равшан ва аниқ бўлмоғи лозини, дудмал ёки мажозий ифодалардан ҳоли бўлиши керак*. “Архитектура – қотиб қолган мусиқадир”, “шер – йиртқичлар шохидир” деган ифодалар мажозий ифодалар жумласига киради.

Баъзан таъриф етарлик равшан ва аниқ бўлмай қолади, бунинг сабаби шуки, унга ортиқча сўзлар қўшилади. гарчи бу билан юкорида айтилган мутаносиблик қоидаси бузилмаса ҳам, ҳар ҳолда бундай таъриф қўполлашиб, чалкашлашиб қолади. Масалан: “магнит индукцияси – магнит майдонига киритилган темир ёки пўлат парчаларида магнетизмни уйғотишдан иборат бўлиб, уларда магнетизм ҳодисаларини пайдо қиласди, яъни уларни магнитлаштиради” деган таърифда жумланинг охирги қисми (“бўлиб, у” сўзлардан бошлаб) бутунлай ортиқча. Ортиқча сўзлар киргизилганлигидан таъриф қўпол ва чалкаш бўлиб чиқкан.

Магнит индукцияси – “магнит майдонига киргизилган темир ёки пўлат парчаларида магнетизмни уйғотишдан иборат” деб таърифлаб кўяқолинса, тамоман етарли бўлар эди. Албатта, бу таъриф магнит индукцияси тушунчасининг мазмунини тугал ифодалаб бермайди. Аммо шу томони борки, биринчидан,

хар кандай таъриф ҳамиша тушунчанинг барча белгиларини ўз ичига олсин, деб талаб килинмайди, иккинчидан, ортиқча сўзлар (нотўғри таърифдаги ортиқча сўзлар) бизнинг билимимизни кенгайтирмайди. Таъриф аник ва равшан ҳамда мумкин қадар қиска бўлмоғи керак, аммо таърифнинг қиска бўлиши унинг зарур даражада мукаммал бўлишига ҳалакит етказмаслиги керак.

3. Генетик таъриф

“Генезис” сўзи – келиб чикиш демақдир. Генетик таъриф – аникланувчи буюмнинг келиб чикишини кўрсатадиган таърифдир. Масалан: “Чехославакия республикаси – Совет Иттифокининг фашистлар Германиясига қарши олиб борган озодлик уруши ҳамда мамлакат ичидаги бўлган ҳалк ҳаракати натижасида юзага келган ҳалк республикасидир”.

Бу таърифни генетикмас таъриф билан солиштириб кўрайлик: “Чехославакия республикаси – ҳалк демократия мамлакати бўлиб, Европанинг марказий киесмида жойлашган, ер майдони 128минг км.кв., аҳолиси 14 миллион киши, булардан аксарияти чехлар билан словаклардир”.

Бошқа мисоллар: “Айлана – туташган эгри чизик бўлиб, марказдан тенг йироклиқда бўлувчи нуқтанинг текислиқдаги ҳаракатидан ҳосил бўлади”. Ёки, айлана – туташган ва ҳамма нуқталари марказдан тенг йироклиқда бўлган эгри чизиқдир”. Бу таърифлардан биринчиси генетик таъриф бўлиб, иккинчиси генетикмас таърифдир.

Шундай килиб, генетик таърифда ҳам энг яқин жинс ва тур белгиси кўрсатилади. Бу таъриф ҳам одатдаги таърифнинг ҳамма қоидаларига бўйсинади ва ундан фақат ўз мазмунининг характеристи билан фарқ килади. Генетик таъриф биронта нарсанинг келиб чикишини кўрсатиш зарур бўлган ҳоллардагина кўлланилади.

4. Номинал таъриф

Номинал таъриф – маълум бир тушунчани ифода килган сўзнинг, номнинг маъносини очиб беришдир. Масалан: “Генезис – пайдо бўлиш, келиб чикиш демаклир”.

Номинал таъриф тушунчани таърифламайди, бинобарин, тушунчаларни акс эттирувчи нарсаларни ҳам таърифлаб бермайди. Номинал таъриф баъзизда фақат шаклангина тушунча таърифига ўхшаб қолиши мумкин. Номинал таъриф тушунчанинг мазмунини очиб бермасдан, фақат сўзнинг маъносини тушунтириб беради, шу сабабли тушунча таърифини номинал таърифдан фарқ қилмоқ керак ва уларни бир-бирига аралаштирмаслик зарур.

Икки хил таърифни таққослаб қўрайлик:

- 1) Номинал таъриф: “атом – бўлинмас демакдир”.
- 2) Тушунча таърифи: “атом – модданинг ядро ва электронлардан таркиб топган энг майда заррасидир”.

Биринчи таърифда фақат сўзнинг маъноси тушунтириб берилган. Бу маъно атомларнинг ҳозирги маъносига тўғри келмайди, у ҳозир эскириб қолган; иккинчи таърифда атомнинг муҳим белгилари очиб берилган.

Номинал таърифлар маълум пайтлардагина, хусусан бошқа тиллардан кирган сўзларни тушунтирган вактлардагина зарур бўлиб қолади, лекин улар тушунчалар таърифининг ўрнини боса олмайди.

5. Таърифларнинг аҳамияти

Тушунчани таърифлаш – унинг мазмунини очиб бериш, яъни нарсаларнинг туб хусусиятларини акс эттирувчи муҳим белгиларни кўрсатиб бериш демакдир. Бироқ, таърифда муҳим белгиларнинг ҳаммаси деярли ҳеч қачон тўлиқ кўрсатилмайди, чунки бу, кўпинча, мумкин бўлмайди. Тушунча таърифдан кўра сермазмунроқдир. Таъриф тушунчани торайтиради, “таъриф” сўзининг ўзи ҳам шуни кўрсатади. Таърифлаш – тушунчани чеклаш, чегарасини кўрсатиш, мазмунини торайтириш демакдир.

Демак, бирон нарсаҳакидатушунчаҳосилқилишучунмазкур тушунчанинг таърифини билишнинг ўзи кифоя қилмайди, шу сабабли дарс тайёрлаган вактда фақат таърифларни ёдлаб олиш билангина қаноатланиш ярамайди. Бундай вактларда таъриф ўқиладиган материалларни тушуниб ва яхшироқ эслаб қолишига ёрдамлаллади.

Илмий текшириш ишларида күп холларда “таксиний таърифлар” қўлланилади. Бундай таърифлар текшириш ишлари эндиғина бошланган ва текшириладиган нарса ҳали ўрганилмаган ва унинг ҳакидаги тушунча ҳали маълум бир шаклга кирмаган чоғларда берилади. Таксиний таърифдан мақсад – текшириладиган мавзуни аниглаш ва ҳали унинг нималиги етарли равишда маълум бўлмаган вактда, тасиний чегараларини белгилаштириш.

Лекин таърифининг асосий вазифаси – текшириш натижаларини якунлаш, олинган билимларнинг қиска ифодасини бериб, мустаҳкамлаштириш. Таърифда тушунчанинг энг асосий белгилари мустаҳкамланади.

Тушунчанинг таърифига ҳамиша бир зайлда турадиган ва сира ўзгармайдиган бир нарса, деб қарашиб ярамайди. Вокелиқдаги нарса ва ҳодисалар ҳакида билим чуқурлаша ва кенгая борган сари, тушунчаларнинг таърифи ҳам ўзгара боради, улар яна тұлароқ бўла бошлайди ва нарса моҳиятини яна аникрок акс эттиради.

6. Таърифга олмош бўладиган усууллар

Тушунчани таърифлаганда биз унинг энг яқин жинсини ва тур белгисини кўрсатамиз. Бирок, ҳар қандай тушунчанинг ҳам жинси бўлавермайди ва биз ҳар қандай тушунча учун ҳам тур белгиси кўрсатиб бераолмаймиз. Шу сабабли ҳар қандай тушунчани юкорида кўрсатилган усул билан таърифлаш мумкин бўлавермайди. Масалан, категорияларни (“моҳият”, “борлик” ва б.) таърифлаб бўлмайди, чунки категориялар ниҳоятда кенг тушунчалардир, яъни улар учун бундан ҳам кенгрок (жинс) тушунчалар йўқдир. Шунингдек нарсаларнинг энг содда хоссаларини акс эттирадиган баъзи тушунчаларни ҳам таърифлаш мумкин эмас. Бундай тушунчалар учун тур белгисини кўрсатиш кийин. Масалан: “тўппа-тўғри”, “куруқлик”, “сариклиқ” ва ҳ.к. Лекин биз тушунчани таърифлаган холларда ёлғиз таърифлаш билангина қаноатланиб колмаймиз. Таърифни тўлдирадиган ёки унга олмош бўладиган мантикий усууллар бор. Бу усууллардан куйидаги беш усуулни: кўрсатиш, тасвирлаш, тавсифлаш, ўхшатиш, тафовутлаш усуулларини

күрсатиб ўтамиз. Бу усулларнинг ўзига хос алоҳида вазифалари ҳам бор. Нарсани тасаввур қилдирмокчи бўлганда, нарсанинг айрим хусусиятларини таъкидлаб кўрсатмоқчи бўлганда, нарсанинг бирон белгисига қараб ажратмоқчи бўлганда ва шу каби ҳолларда кўпинча шу усуллардан фойдаланилади.

1. *Кўрсатиш*. Кўрсатиш – биз бевосита идрок қиласидан нарса билан танишувнинг энг содда усулидир. Масалан, бирон кишини маълум бир ранг, шакл, овоз ва бошқалар билан таништирумокчи бўлганимизда, биз ўша рангнинг ўзини кўрсатамиз ёки ўз товушимиз билан ўша овозга тақлид қиласиз. Маълумки, кўрсатиш нарса ҳакида тушунча бермайди. У фақат якка тасаввур ҳосил қилдиради. Кўрсатиш – нарсаларнинг хусусиятларини тушунтиришда биринчи босқичдир.

2. *Тасвиrlаш*. Тасвиrlаш айрим бир нарсанинг бир қанча белгиларини (масалан, Бородино жанг майдонининг Л.Толстой томонидан ва Сормовонинг М.Гор'кий томонидан қилинган тасвири) ва бирон жонивор ёки ўсимликнинг кўринишини бирма-бир санаб чиқишидан иборат. Масалан, С.Т.Аксаков оқкушни бундай тасвиrlаган: “Ўзи кордай оппоқ, кичкина кўзлари ялтираб туради, тумшуғи ва тирноклари қопқора, бўйни узунрок, викорли ва кўркам; кўк қамишлар орасида, кўкиш товланган ва тепаси силлиқ бўлиб турган қорамтири сув устида вазмин сузуб юрганда. у ниҳоятда гўзал бўлиб кўринади”. Бирон жараённи, масалан, ижтимоий воқеани, жисмоний ҳодисани, кимёвий реакцияни ва бошқаларни ҳам тасвиrlаш мумкин. Тасвиrlашдан мақсад: нарсанинг белгиларини жуда аниқ ва мукаммал кўрсатиб беришдир.

3. *Тавсифлаш*. Тавсифда нарсанинг баъзи алоҳида белгилари кўрсатилади. Фикр қилинадиган айрим бир нарсани (масалан, бирон ўкувчини) ҳам тавсифлаш мумкин ва умумий ҳодисани ҳам тавсифлаш мумкин. (Масалан: “Одамнинг тўсиқларни енгиши – унинг иродаси зўрлигини кўрсатувчи аломатдир”).

Тавсифлашдан мақсад: нарсанинг фалон-фалон хусусиятлари борлиги ёки йўқлигини таъкидлаб кўрсатишдир.

4. *Ўхшатиш*. Ўхшатиш ташки шакли жиҳатидан кўпинча таърифга ўхшаб кўринади, аммо ўхшатиш алоҳида

бир мантикий усулдир, шунинг учун уни таъриф билан аралаштирмаслик керак. Ўхшатиш, фикр килинадиган икки нарса борлигини, булардан бири иккинчисининг ёрдами билан изоҳланишини кўзлайди. Масалан: “болалар ҳаёт гулларидир”. Маълумки, бу ўхшатишда “гуллар” тушунчаси “болалар” тушунчасига нисбатан жинс бўлади, деб ўйлаш сира мумкин эмас. Гуллар ўзига умуман болаларга хос белги эмасдир. Лекин болаларни тасвирий суратда гулларга ўхшатиш болаларнинг алоҳида хусусиятлари (гўзалик, нозиклик ва ҳ.к.) борлигини тушунишга имкон беради.

5. *Тафовутлаш*. Тафовутлаш – чоғиштиришнинг бир туридир. Тафовутлаштирилганда ҳам биз икки нарсани фикран солиштириб қўрамиз ва уларнинг бир-бирига ўхшамаслигини, яъни бир-биридан тафовутини қўрсатамиз. Масалан: “водороднинг кислороддан фарки шуки, унинг ўзи ёнади-ю, аммо ёнишга кувват бермайди”.

7. Тушунчани бўлишнинг моҳияти

Тушунчаларни бўлиш – шундай бир мантикий усулдирки, бу усул ёрдами билан тушунчанинг ҳажми аниқлаб борилади.

Тушунчанинг ҳажмини аниқлаш – бўлинадиган тушунчага бўйсинувчи тушунчаларни қўрсатиб бериш демакдир. Масалан: “Бизнинг гуруҳимиздаги ўқувчилар” деган тушунчани миллат белгиси жиҳатидан бўлиш талаб килинади. Гуруҳимиздаги ўқувчиларнинг қандай миллатларга мансублиги масаласини аниқлаб олганимиздан кейин, биз уларнинг ҳаммасини рус, украин, грузинга бўламиз.

Шундай қилиб, тушунчани бўлганда, биз бўлинувчи тушунчада акс этган бир туркум нарсаларни маълум белгига қараб, фикран ажратиб оламиз.

Бўлинувчи тушунча – жинс тушунчадир. Бўлиш натижасида тур тушунчалар ҳосил бўлади, тур тушунчалар бўлинмалар деб аталади. Бўлишга асос қилиб олинган белги, бўлиш асоси деб аталади. Юқорида келтирилган мисолдаги “бизнинг гуруҳимиздаги ўқувчилар” тушунчаси – бўлинувчи тушунча бўлиб, бўлиш асоси – миллат белгисидир, бўлинмалар эса

бўлиш тушунчаси натижасида ҳосил бўлган тур тушунчалардир. Бўлиш учун асос килиб бошқа белгини (масалан, ёш белгисини) олиш ҳам мумкин эди, у вақтда биз, албатта, бошқа бўлинмалар ҳосил қиласан бўлар эдик. Шундай қилиб, айни бир тушунчанинг ўзини шу тушунча мазмунига кирадиган белгиларнинг ҳар қандайига бўлиш мумкин.

Бўлиш натижасида ҳосил бўлган тушунчаларни (бўлинмаларни) бирон белгига асосланиб бўлиш мумкин бўлгани каби, бундан ҳосил бўлган тушунчаларни ҳам яна бўлиш мумкин. Шу тариқа, гушунчаларнинг мураккаб бир системаси ҳосил бўлади, чунончи: зоологияда умурткалиларнинг ҳаммаси турларга бўлинади, сўнгра, масалан, қушлар турларига бўлинади ва ҳ.к.

Бўлинининг тўғри бўлиши учун бўлиш қоидаларига риоя қилмоқ зарур.

8. Бўлиш қоидалари

Тушунчани бўлиш олдидан бўлинувчи тушунчага қайси хилдаги тушунчалар киришини билиш зарур. Агар бўлинувчи тушунчанинг ҳажми ҳақидаги билимимиз тўлиқсиз ёки нотўғри бўлса, у вақтда тушунчани бўлиш ҳам шунга мувофиқ тўлиқсиз ёки нотўғри бўлади, бундай ҳолларда бўлиш қоидалари ҳам бизга ёрдам бера олмай қолади. Лекин бўлинувчи тушунча ҳажмига қандай турлар киришини равшан билганимизда, қоидаларни билиш ва уларни татбиқ қила билиш жуда зарурдир. Бўлиш қоидаларини билишимиз шундай ҳолларда бизни хатодан саклайди.

Бўлишнинг ҳаммаси бўлиб тўрт қоидаси бор:

1. *Бўлиш мутаносиб бўлиши керак.* Бунинг маъноси – бўлинмалар йигиндиси бўлинувчи тушунча ҳажмига тенг бўлмоғи керак, демакдир. Тушунча тўғри бўлинганда. бўлинмалар йигиндиси бўлинувчи тушунча ҳажмидан кўп ёки кам бўлиши мутлақо мумкин эмас.

Бу қоида бузилган такдирда икки хатодан бири содир бўлмоғи эхтимол, яъни бўлиш ё жуда кенг ёки жуда тор бўлиб қолиши мумкин. Масалан, агар биз “ўкувчилар” тушунчасини

олиб, унинг мазмунига бошлангич ва ўрта мактаб ўқувчилари, талабалар ва бошқа ўқувчилардан ташкари, яъни мактаб ёшигача бўлган болаларни кўшсак, у вактда бу тушунчанинг бўлиниши жуда кенг бўлиб кетган бўлар эди ва шу сабабли хато бўлиб чикар эди. Агарда биз “ўқувчилар” тушунчаси мазмунига ўқувчилардан бирон хилини (масалан, курсларда ўқувчиларни) киргизмай колдирганимизда, у холда бу тушунчанинг бўлиниши жуда тор бўлган бўлар эди.

2. *Бўлишнинг бир ва муҳим асоси бўлиши керак.* Тушунчани бўлиш учун бўлинувчи тушунча мазмунига кирадиган белгилардан ҳар қандайини асос қилиб олиш мумкин. Лекин тушунчани бўлиб чикиш учун бошда қандай белгини олган бўлсак, то бўлиш тамом бўлгунча шу белгини ўзгартираслигимиз керак. Бирок бўлинувчи тушунча мазмунидан факат энг муҳим белгини олиш лозимлиги аёндири.

Агар биз “шаҳар ахолиси” тушунчасини: эркаклар, хотинлар ва кариларга бўлиб чикканимизда юкорида кўрсатилган қоидани бузган бўлар эдик. Чунки бунда икки белги: жинс белгиси билан ёш белгиси аралаштириб юборилган. Бўлишга асос қилиб бирон тасодифий белгини олиш (масалан, одамларни кайгули ва қувнокларга бўлиш) ҳам хато бўлади.

Бўлиш асоси ҳакидаги қоида бўлишнинг энг муҳим қоидасидир. Бўлишдаги хатоларнинг кўпи шу қоидани бузишдан келиб чиқади.

3. *Бўлинмалар бир-бирини истисно қилмоғи керак.* Бу қоида юкоридаги қоидадан келиб чиқади, яъни агар бўлиш учун олинган асос тўғри бўлса, бўлинмалар ҳам бир-бирини истисно қилади, агар нотўғри бўлса. у вактда бўлинмалар бир-бири билан чатишиб кетади ва шу сабабли бўлиш ҳам нотўғри бўлиб чиқади. “Тишларни курак тиш, қозик тиш, озиқ тиш ва сут тишларга бўлиш” тушунчанинг нотўғри бўлинишига мисолдир. Бунда турли белгилар асос қилиб олингани сабабли, бўлинмалар бир-бирини истисно қилмайди.

4. *Бўлишида сакраш бўлмаслиги керак.* Бунинг маъноси – тушунчани бўлганда йироқ турларни эмас, балки яқин турларни олмоқ зарур демакдир. Табиатни ҳайвонотга, ўсимликка ва минералларга бўлиш нотўғридир. “Табиат” тушунчасини энг

аввал “органик табиат” ва “ноорганик табиат”га бўлиб, сўнгра бўлишни давом эттириш керак, аке ҳолда бўлишда сакраб ўтиш содир бўлади.

9. Дихотомик бўлиш

Дихотомик, яъни иккига бўлиниш шундан иборатки, бўлинувчи тушунча бир-бирига тамоман зид икки тушунчага бўлинади. Масалан: “Китобларни дарслек ва дарслекмасларга бўлиш мумкин”. Бундай бўлиниш бўлимнинг барча қоидаларига мувофиқдир: у мутаносиб бўлиниш бўлиб, унинг асоси битта, бўлинмалари бир-бирини истисно қиласди, бўлиниша сакраб ўтиш йўқ. Бу усул билан: “дарслекмасларнинг ҳаммаси беллетристика ва беллетристикамасларга бўлинади”, “беллетристикамасларнинг ҳаммаси техника китобларига ва техника китобларимасларига бўлинади” ва х.к. деб яна давом эттириш мумкин.

Дихотомик бўлишнинг хусусияти шундаки, биз бўлинувчи тушунчанинг ҳамма турларини билмаслигимиз мумкин. Шундай ҳоллар бўладики, биз ўзимизга маълум бўлган баъзи турларнигина ажратиб олмоқчи бўламиз, бу ишни биз бўлиш қоидасини бузмасдан бемалол қилишимиз мумкин. Лекин дихотомик бўлишнинг бундай яхши томони билан бирга нуқсонли томони ҳам бор: у ҳам бўлса шуки, бўлинмаларнинг биттаси то биз бўлишни оҳирги якка бўлинмага еткузгунимизча ҳамиша мазмун ва ҳажм жиҳатдан ноаник бўлиб, қолаверади. Дихотомик бўлиш ё иккинчи тушунчанинг ҳажмига эътибор берилмаган чоғда, ё иккинчи тушунчанинг ҳажми ҳали яхши аникланмаган чоғда, ёки, ниҳоят, бир ҳодисанинг фақат икки табиий кўриниши бўлган ҳолларда (“чунончи: урушларнинг адолатлиси ҳам ва адолатсизи ҳам бўлади”) татбиқ қилинади.

Дихотомик бўлиш, назарий ишларда ҳам, амалий ишларда ҳам тез-тез қўлланиб турилади. Масалан, кимё олимни металларнинг ҳоссаларини текширганда, барча элементларни металларга ва металлмасларга бўлади. Металлмаслар туркумининг таркиби айни ҳолда унинг эътиборидан четда туриши мумкин. Ҳалқ маорифи соҳасида ишловчи ҳодим бил

туманинг катта ёшдаги ахолисини мактаб ёшидаги боласи борларга ва шундай боласи йўқларга фикран бўлиб чикиши мумкин. Ундан кейинги бўлиш факат мактаб ёшидаги боласи борлар туркумига таалукли бўлади, чунки айни ҳолда у факат шу туркумгагина эътибор беради.

10. Бўлишга ўхшаган усуllар

Фикрлаш чогида биз тушунчаларни бўлиш билан бирга сиртдан караганда бўлишга ўхшаб кўринадиган, лекин аслини суриштирганда ундан тамоман фарқ қиласидиган бъзи мантикий усуllардан ҳам фойдаланамиз.

1. *Бутунни бўлакларга бўлиши*. Масалан: “январь ойи тўрт хафта-ю, уч кундан иборат”, “поезд паравоздан, вагонлардан ва платформалардан иборат”. Бу мисолларда сўз турлар билан жинс устида эмас, балки бўлаклар билан бутун устида боради. Албатта, ой – ҳафта ва кунларга нисбатан жинс тушунча бўлмагани сингари, поезд ҳам вагонларга нисбатан жинс тушунча эмасдир. Бошқа мисоллар: дараҳт шоҳ, тана, барг, илдизларга; уй хоналарга; бино том, девор, деразаларга бўлинади.

2. *Фикрларни муайян режсага солиб чиқиши*. Чора ва тадбирларнинг режаси, асарнинг режаси, китоб мундарижалари – буларнинг бигтаси ҳам тушунчанинг бўлинишига мисол бўла олмайди, чунки турлар билан жинс ўртасида бўлган муносабат бундай ҳолларнинг хеч бирида йўқдир.

11. Туркумлаш

Тушунчаларни бўлганимизда, биз шу билан, бўлинувчи тушунчаларда ифодаланадиган нарсаларни ҳам фикран гурухларга бўламиз. Нарсаларни гурухларга фикран бўлиш турларидан бири туркумлашдир.

Туркум ичидаги нарсаларнинг бир-бирига ўхшашлигига ва бошқа туркумларга кирадиган нарсалардан фарқ қилишларига караб, нарсаларни туркумларга бўлиш, туркумлаш деб аталади.

Улуг рус олими Д.И. Менделеев (1834-1907) тузган

“Элементларнинг даврий системаси” туркумлашга намуна бўладиган мисолдир. Менделеев элементларни атом оғирликларининг ўсиб бориши тартиби билан жой-жойига қўйиб чиқсан ва даврий конунни кашф этган. Элементларнинг туркумланиши ва кашф этилган бу конун Менделеевга бир қанча номаълум элементлар борлигини олдиндан айтишга имкон берди.

“Даврий система”даги ҳар бир элементнинг ўзига хос алоҳида белгилари бўлиб, шу белгилари билан у бошқа элементлардан фарқ қиласди. Менделеев туркумлашга асос қилиб элементларнинг энг муҳим белгиси бўлган атом оғирлигини олди. Туркумлаш учун асос танлашда Менделеев ўз доҳийлигини қўрсатди, чунки унинг танлаб олган асосий белгиси “Даврий системани” тузишда ҳал қилувчи роль йўнади. Бу ҳол туркумлаш учун асос бўладиган тўғри белгини топиш нечоғлик муҳим эканлигини таъкидлайди.

Туркумлашга асос қилиб нарсаларнинг энг муҳим белгиси олинар экан. у вақтда бу ҳил туркумлаш илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин, чунки бу ҳил туркумлаш нарса ва ҳодисаларнинг конуниятларини очишга имкон беради, буни биз юкорида Менделеев томонидан қилинган туркумлаш мисолида кўрдик.

Нарсаларнинг табиатини ифодаловчи туб белги асосида қилинган туркумлашни табиий туркумлаш деб аташ расм бўлган. Табиий туркумлашга (“Даврий система”дан ташқари) ҳозирги замон зоологиясида ҳайвонларнинг туркумланиши мисол бўла олади.

Агар туркумлашга асос қилиб олинган белги нарсаларнинг асли табиатини ифодаламаса, бундай туркумлаш сунъий туркумлаш деб аталади. Маълум бир синфдаги ўқувчиларнинг алифбе тартиби билан гузилган рўйхати сунъий туркумлашга мисолдир. Фамилиядаги бирон бош ҳарфнинг ўқувчининг туб хусусиятларига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги ўз-ўзидан маълум. Аммо, шундай бўлеа ҳам, бу каби тасодифий белгилардан фойдаланиш амалий ишларда қулийлик тудиради. Ўқувчилар рўйхатининг алифбе тартибида тузилиши ҳам ана шундан келиб чиқади.

Туркумлаш (хоҳ табиий, хоҳ сунъий) тушунчани бўлишга тегишли ҳамма коидаларга бўйсинади: унинг асоси битта бўлиши керак, бўлаклари бир-бирини истисно қилиши керак, барча бўлакларнинг жами бир бўлиб, шу туркумни бутунлигicha ўз ичига олиши керак, туркумлаш жараёнида сабабсиз сакраб ўтишлар бўлмаслиги керак.

Туркумлаш бизга текшириладиган ҳодисалардаги муайян тартибни, уларнинг ўзаро боғланиш системасини топишга ёрдам беради. ўрганиладиган ҳодиса ва нарсаларни яхлит ҳолда олиб текширишимизга кўмаклашади. Ўрганиладиган нарса ва ҳодисаларни эсда тутиш учун туркумлашнинг мухим ижобий аҳамияти бор.

IV БОВ

ХУКМ

1. Хукмнинг моҳияти

Тушунча сингари, хукм ҳам объектив воқеликнинг онгимизда акс этиш шаклидир. Бинобарин, ҳукмда бизнинг воқелик ҳақидаги билимимиз ифодаланади. Ҳар қандай билим ё чин, ё хато бўлгани каби, ҳукм ҳам ё чин, ё хато бўлади. Сўз билан ифодаланган ҳукмнинг на чинликни на хатоликни билдирадиган бошқа гаплардан, масалан, илтимос, буйруқдан, энг биринчи фарқи шудир.

Хато ҳукмлар эмас, балки, чин ҳукмлар бизнинг эътиборимизни ўзига жалб килиши ўз-ўзидан аёndir. Ҳукмнинг чинлиги, яъни унинг воқеликни тўғри акс эттириши ҳукмнинг энг муҳим сифатидир. Шу сифат бўлмаса, воқеликни билиш шакли бўлган ҳукмнинг ҳеч қандай қадр-қиммати колмайди.

Ҳукм билиш жараёнида юзага келади. Теварак атрофимиздаги воқеликни била бориб, биз нарсаларнинг хусусиятларини, сифатларини, умуман уларнинг белгиларини ажратиб борамиз. Масалан, таниш бўлган бир нарса ҳақида биз: “бу қаттиқ, ялтироқ, фалон нарсага уҳшаш бир нарса” ва х.к. деймиз, яъни нарса ҳақида фикр юритамиз ва у ҳақида ўз ҳукмимизни айтамиз, бу ҳукмимиз нарса ва унинг белгиси (ёки белгилари) ҳақида тугал бир фикрдан иборат бўлади. Нарсанинг бирон белгиси ё бўлиши, ё бўлмаслиги мумкин. Нарсада ана шундай бирон белгининг борлиги ёки йўқлиги ҳукмда тасдиқ ёки инкор шаклида ифодаланади. Ҳукм ҳамиша бирон нарсани ё тасдиқлайди. ё инкор қиласи.

Нарсалар ва улар белгилари ҳақида бирон нарсани тасдиқлаб ёки инкор қилиб айтилган фикр ҳукм деб аталади.

Моддий дунёда ҳақиқатдан бир-бири билан боғлиқ бўлган нарсани биз ҳам ҳукмда боғлаб кўрсатсак, моддий дунёда айри бўлган нарсани биз ҳам ҳукмда айри қилиб кўрсатсак, у ҳолда бизнинг ҳукмимиз тўғри, чин ҳукм бўлади.

Лекин моддий дунёда ҳакикатда боғлик бўлмаган нарсани биз ҳукмда боғлик килиб кўрсатсан ёки моддий дунёда боғлик бўлган нарсани биз ҳукмда айри килиб кўрсатсан, у ҳолда бизнинг ҳукмимиз сохта ва ҳакиқатга хилоф бўлади, чунки у биз ҳукмда акс эттирадиган нарсага мос бўлиб тушмайди.

Чунончи: “металлар – электр қувватини ўтказувчи восита эмас” деган ҳукм нотўгридир. Биз бунда ҳакикатда, бир-бири билан боғлик бўлган нарсани фикран айриб кўйдик. Электр қувватини ўтказиш металларга хос хусусиятдир, биз эса ҳукмда металларга хос бу хусусиятни инкор киламиш.

2. Ҳукмнинг таркиби

Ҳар бир ҳукмда уч бўлак: эга, кесим ва боғловчи бор.

Мисол учун қўйидаги ҳукмни олайлик:

“Стахановчи ишлаб чиқаришга янгилик киргизувчидир”.

Бу ҳукмни таҳлил килсан, уч бўлакдан иборат эканлигини кўрамиз:

- 1) “Стахановчи” – ҳукмнинг мантикий эгаси ёки субъектидир.
- 2) “ишлаб чиқаришга янгилик киргизувчи” – ҳукмнинг мантикий кесими ёки предикатидир.
- 3) “дир” – мантикий боғловчи.

Ҳукмнинг эгаси бизнинг фикримиз каратилган нарсани билдиради. Ҳукмнинг кесими эса нарсадаги белгини ифодалайди, бу белгини биз мантикий боғловчилар ёрдами билан тасдиклаб (ёки инкор килиб) кўрсатамиз.

Ҳукмнинг эга ва кесими ҳукм терминлари деб аталади.

Мантиқда ҳукм эгасини S ҳарфи (лотинча *subjectum* сўзининг биринчи ҳарфи) билан, ҳукмнинг кесимини эса P ҳарфи (лотинча *praedicatum* сўзининг биринчи ҳарфи) билан шартли равишда белгилаш қадимдан расм бўлиб келган. Шунга кўра, ҳукмни қўйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

S – P дир ёки S – P.

Инкор қилувчи ҳукмнинг формуласи қўйидагicha:

S - P эмас.

Лекин ҳукмда баъзи ҳолларда “дир” тушиб колади ва у фикрдан англашилади. “Отам қуюв цехининг илгор

ишчиси(дир)”. “Меҳнат Қаҳрамонлари ўзбек халқининг энг яхши ўғил ва қизлари(дир)”, деган ҳукмларда биз бу ҳолни яққол кўрамиз.

3. Ҳукм ва гап

Ҳукмнинг сўз билан ифода қилинган сиртки шакли грамматик гапидир. Ҳукм – гапчинг мазмуни бўлиб, гап эса ҳукмнинг ифодаланици шаклидир. Ҳар бир ҳукм ҳамма вақт грамматик гап шаклида ифодаланади. Аммо грамматик гапларнинг ҳаммаси ҳам мазмунан ҳукм бўлавермайди. Шундай гаплар борки, уларда тасдиқлаш ҳам, инкор қилиш ҳам бўлмайди (масалан, сўрок гаплар), ва, бинобарин, улар ҳукмни ифодаламайди.

Ҳар бир ҳукмда ҳамма вақт эга, кесим ва боғловчи бўлади. Лекин ҳукм бўлаклари билан гап бўлаклари орасида тўла мослик бўлмайди. Баъзан гап бир сўздан иборат бўлади (масалан, шахси номаълум гап), лекин унда тўла бир ҳукм ифода қилинади. Кўпинча гапда иккинчи даражали бўлаклар бўлади, лекин ҳукмда ҳеч қандай иккинчи даражали бўлаклар бўлмайди.

“Каспий денгизи ер юзида энг катта кўлдир” деган мисолни олиб қарайлик. Бу мисолдаги мантиқий эга (“Каспий денгизи”) грамматик эга билан ифодаланган, мантиқий кесим эса (“ер юзида энг катта кўлдир”) иккинчи даражали гап бўлаклари билан бириккан грамматик кесим билан ифодаланган.

Ҳукмда мантиқий эгани аниқламоқ учун бу ҳукм нима түғрисида гапиради? деган саволга жавоб бермок керак. Биз юқорида келтирган мисолда гап “Каспий денгизи” ҳақида борди, бинобарин, ўша “Каспий денгизи”нинг ўзи мазкур ҳукмнинг мантиқий эгаси бўлади. Ҳукмнинг колган қисми, яъни ҳукмимизга мавзу бўлган нарса ҳақида тасдиқлаб айтилган сўзларнинг ҳаммаси мантиқий кесим бўлади (боғловчи – қўшимчадан бўлак).

4. Ҳукмларнинг турлари

Якка тасдиқ ва якка инкор ҳукмлар.

Якка бир нарса хақида айтилган ҳукм-ҳукмнинг эга содда шаклидир. Масалан:

Горький шаҳри Волга бўйида

Бу уй кўшни уйдан кичик эмас.

Агар ҳукмда фикр килинадиган нарсанинг бирон белгиси борлиги тасдиқлаб айтилса, у вактда бундай ҳукм тасдиқ ҳукм деб аталади, агар инкор килиб айтилса, у вактда бундай ҳукм инкор ҳукм деб аталади.

Барча ҳукмлар тасдиқ ҳукмларга ва инкор ҳукмларга бўлинади.

Ҳукмнинг бу белгиси (нарсанинг бирон хусусияти борлигини тасдиқлаш ёки инкор килиш) ҳукм сифати деб аталади. Демак, ҳукмлар сифатиги караб, тасдиқ ҳукмларга ва инкор ҳукмларга бўлинади.

Юқорида кўрсатилган ҳукмларда бизнинг фикримиз муайян бир нарсага қаратилгани сабабли бундай ҳукмлар якка ҳукмлар деб аталади. Уларнинг формуласи:

S – Р дир; S – Р эмасдир.

Якка ҳукмлар тафаккуримизда катта роль ўйнайди. Нарсанинг айрим хусусиятларини ўрганмасдан туриб, нарсанинг нималигини билиш мумкин эмас. Ҳар бир якка ҳукм, агар у нарсани тўғри акс эттирса, бизни нарсанинг моҳиятини билишга яқинлаштиради.

Жузъий ва умумий тасдиқ ҳамди жузъий ва умумий инкор ҳукмлар.

Якка ҳукмда бир нарсанинг бирон белгиси бор-йўқлиги ё тасдиқлаб, ё инкор килиб айтилишини юқорида кўрдик. Мазкур белги муайян бир туркумдаги барча нарсалар учун умумийдир, деб айтиш учун бу ҳали мутлако етарли эмасдир. Бирон белгининг нарсаларнинг бир гурухига ёки нарсаларнинг бутун туркумига оидлиги ҳукмнинг мураккаброқ шаклида акс эттирилади.

Мана бу икки ҳукмни олиб қарайлик:

“Мактабимизнинг баъзи ўкувчилари радио хаваскорларидир”.

“Ўзбекистонда барча фуқароларнинг илм олиш ҳукуки бор”.

Биринчи ҳукмда биз мактабимизнинг бир ўкувчиси эмас, балки бир нечта ўкувчиси радио ҳаваскори эканини тасдиқлаб айтдик. Бундай ҳукм жузъий ҳукм деб аталади.

Жузъий ҳукм мана бундай формула билан ифодаланади:

баъзи S – Р дир;

баъзи S – Р эмасdir.

Жузъий ҳукмда нарса билан белгининг алоқаси кенгроқ қилиб кўрсатилади. Бу ҳукмда биз аниқланган бир белгини бир нечта нарсага оидлигини тасдиқлаймиз.

Лекин жузъий ҳукмда бир қадар ноаниқлик бор, чунки маълум бир белги бир туркумдаги нарсаларнинг канчасида борлиги номаълум. Дарҳақиқат, юкорида келтирилган ҳукмда қанча ўкувчи радио ҳаваскори эканлигини аниқлаб бўлмайди.

Иккинчи ҳукмда биз Ўзбекистондаги баъзи фуқароларнинг эмас, балки барча фуқароларнинг илм олиш ҳукуки борлигини тасдиқлаб айтдик. Бундай ҳукм умумий ҳукм деб аталади.

Умумий ҳукмнинг формуласи мана бундай:

барча S – Р дир.

Лекин умумий ҳукмда маълум бир туркумга кирадиган барча нарсаларда бирон белги борлигини инкор қилиб айтиш мумкин. Куйидаги ҳукм шундай ҳукмга мисол бўлаолади:

“Гарб мамлакатлардаги конститутциялардан ҳеч бири меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминламайди”.

Умумий ҳукмда бирон белги инкор қилиб айтилса, у ҳолда ҳукм формуласи бундай шаклга киради:

ҳеч бир S – Р эмас.

Умумий ҳукмдан биз маълум бир ҳол ёки белги бир туркумга кирадиган барча нарсаларга нисбатан хақиқат эканлигини биламиз. Умумий ҳукмларнинг катта аҳамияти ҳам ана шунда.

Ҳукмларнинг якка, жузъий ва умумий ҳукмларга бўлинниши ҳукмларнинг миқдорга қараб бўлинниши деб аталади.

Моддий дунёдаги нарсаларнинг ҳаммасида айни бир вақтда ҳам миқдор, ҳам сифат ҳамиша бирга бўлади. Бирон нарсада фақат ё миқдор. ёки сифат борлигини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Шу сабабли, бизнинг нарса ҳакидаги ҳукмларимиз айни бир вактда ҳам миқдор, ҳам сифатни ифодалаши табиийдир. Сифат ва миқдор жиҳатидан бўлинган ҳукмларни бирлантириш натижасида ҳукмларнинг қуидагича тўрт асосий тури ҳосил бўлади:

1) “Мичуринчилар илгор биологлардир”. Бу ҳукмда илгор биолог сифати барча мичуринчиларга ҳос эканлигини тасдиқлаб айтилди. Айни бир вактда ҳам умумий, ҳам тасдиқлаб айтилувчи ҳукм умумий тасдиқ ҳукм деб аталади. Бу ҳукм қуидаги формула билан ифодаланади:

барча S – P дир.

2) “Баъзи стахановчилар Давлат мукофотининг лауреатлари-дир”. Бу ҳукмда стахановчиларнинг бир кисмига Давлат мукофоти берилганини тасдиқлаб айтилади. Айни бир вактда ҳам жузъий, ҳам тасдиқлаб айтилувчи ҳукм жузъий тасдиқ ҳукм деб аталади. Бу ҳукм қуидаги формула билан ифодаланади:

баъзи S -P дир.

3) “Ҳеч бир ҳодиса сабабсиз пайдо бўлмайди”. Бу ҳукмда дунёдаги ҳеч бир ҳодисанинг сабабсиз пайдо булиш мумкинлиги инкор килиб айтилади. Айни бир вактда ҳам умумий ҳам инкор килиб айтилувчи ҳукм умумий инкор ҳукм деб аталади. Бу ҳукм қуидаги формула билан ифодаланади:

ҳеч бир S –P эмас.

4) “Баъзи ўқувчилар шахмат ўйнашни билмайди”. Бу ҳукмда ўқувчиларнинг бир кисмida шахмат ўйнашни билиш хусусияти инкор килиб айтилади. Айни бир вактда ҳам жузъий, ҳам инкор килиб айтилувчи ҳукм жузъий инкор ҳукм деб аталади. Бу ҳукм қуидаги формула билан ифодаланади:

баъзи S –P эмас.

Ҳукмларнинг бу тўрт туридан ҳар бири қисқача килиб бу равишда бир ҳарф билан белгиланади:

А – умумий тасдиқ ҳукм (лотинча Affirmo – “тасдиқлайман” сўзининг биринчи унли ҳарфи).

I – жузъий тасдиқ ҳукм (Affirmo сўзининг иккинчи унли ҳарфи).

E – умумий инкор ҳукм (лотинча “Nego” – “инкор қиласман” сўзининг биринчи унли ҳарфи).

O – жузъий инкор ҳукм (Nego сўзининг иккинчи унли ҳарфи).

Шартли, айи्रувчи ва катъни хукмлар

Ҳар бир нарса бошқа нарсалар билан боғлиқ эканлигини биз турмушдан биламиз. Дараҳтнинг ўсишига сабаб шуки, у ердан ва ҳаводан олган моддалари билан озикланади; ерда ҳаёт бизнинг сайёрамизга Қўёш юбориб турадиган энергия туфайли ривожланади; тазикдан озод бўлган Ўзбекистон кишиларининг ҳамжиҳат бўлиб ишлаши ва ўзаро ёрдами натижасида республика-миздаги аҳолининг моддий ва маданий даражаси юксалиб бормоқда.

Бизнинг фикрларимиз нарса ва ҳодисалар ўртасидаги реаль алокаларни акс эттиради. Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг бундай алоқадорлигини ва бир-бирига боғлиқлигини инсон шартли ҳукм шаклида ифодалайди. Шартли ҳукм мисоллари:

“Агар печка ёқилса, уй исиди”.

“Агар қуёш нури призмадан ўтказилса, экранда спектр ҳосил бўлади” ва ҳ.к.

Бундай ҳукмларда айтилган фикрларнинг ҳақиқатлиги шу ҳукмнинг ўзида айтилган бирон шартга боғлиқ қилиб кўйилади.

Шартли ҳукмнинг умумий формуласи мана бундай:

агар S – P бўлса, S1 – P1 дир.

Шартли ҳукмнинг икки ҳукмдан таркиб топиши очик кўриниб турибди. Биринчи ҳукмда шарт айтилади. шу шарт бажарилса, иккинчи ҳукм ҳақиқат бўлади. Бу ҳукмлардан ҳар қайсисининг ўз номи бор. Шарти кўрсатилган ҳукм негиз деб аталади. Ҳақиқатлиги биринчи ҳукмда кўрсатилган шартга боғлик ҳукм эса натижа деб аталади.

Бирон нарсани шартсиз эмас, балки бирон шартга боғлаган ҳолда тасдиқлаб ёки инкор қилиб сўзламоқчи бўлганимизда, биз ўз фикрларимизни ҳамиша шартли ҳукм шаклида ифодалаймиз.

Шартли ҳукмнинг турли шакллари бўлиши мумкин.

1. Агар S – P бўлса, S1 – P1 дир: “агар қуёш нури призмадан ўтказилса, экранда спектр ҳосил бўлади”.

2. Агар S – P бўлмаса, S1 – P1 эмас: “агар ўкувчи диққат қилмаса, дарсни ўзлаштираолмайди”.

3. Агар S –P бўлса, S1 – P1 эмас: “агар симдан электр токи юборилса, симнинг кимёвий таркиби ўзгармайди”.

4. Агар S – P бўлмаса, S1 – P1 дир: “агар гўза чопик килинмаса, ҳосили кам бўлади”.

Шартли ҳукмларда бир ҳодисанинг бошқа ҳодисага боғлик эканлиги (ёки боғлик эмаслиги) ифодаланади. Биз бу хил боғлик бўлишнинг турли ҳолларини билиб борар эканмиз, ҳар бир нарса турли шарт-шароитда турли белгиларга. кўпинча қарама-қарши белгиларга эга бўлиши мумкинлигини кўрамиз. Масалан: агар сув иситилса, буғга айланади, агар совутилса, музга айланади.

Нарсаларнинг ўз белгилари билан эҳтимол тутилган boglaniши haqidagi bilmimiz aiiruvchi hukmlar shakliida ifodalanadi.

Куйидаги ҳукм aiiruvchi ҳукмga мисол bўliishi mumkin: “Жисм ё қаттиқ, ё суюқ, ё газсимон бўлади”.

Бу ҳукмда бир эга ва уч кесим бор. Кесимлардан ҳар бири жисмларнинг эҳтимол тутилган физик ҳолатидан бирини ифодалайди. Эҳтимол тутилган бу ҳоллар бир-бирини истисно килуви сабабли, уларни ифодаловчи тушунчалар (яъни кесимлар) ҳам сигишмайдиган тушунчалар бўлади. Кесимлари сигишмайдиган тушунчалардан иборат бўлган aiiruvchi ҳукмлар мустасно-aiiruvchi ҳукм деб аталади. Кесимларнинг бир-бирини истисно килуви мустасно-aiiruvchi ҳукмнинг тўғрилиги билан белгиланади. Бу хилдаги aiiruvchi ҳукмларнинг иккинчи тўғрилик шарги шуки: кесимлардаги ҳажмларнинг жами эганинг ҳажмига баравар бўлмоғи керак (тушунчани бўлишнинг биринчи қоидаси билан солиштириб кўрилсин).

Чунончи, агар биз юкорида келтирган мисолимизда факат икки хилдаги жисмларни, яъни каттиқ ва суюқ жисмларни кўрсатганимизда, у вақтда “жисмлар” haqidagi ҳукмимиз нотўғри бўлар эди. Агар биз уч физик ҳолатдан ташкари, яна бошқа белгини (масалан, “совуклик” ҳолатини) кўрсатганимизда ҳам ҳукмимиз нотўғри бўлар эди.

Aiiruvchi ҳукмнинг икки, уч ва ундан ошиқ кесимлари bўliishi mumkin.

Айиравчى ҳукмнинг умумий формуласи:

S = P₁, S = P₂, S = P₃ дир.

Лекин баъзан бир нечта нарсага нисбатан айтилган айиравчи ҳукмда бир ҳусусият тасдиқлаб айтилади ва бу ҳусусият фақат бир нарсага таалуқли бўлиши лозим. Масалан: “ё бу бўлма, ё қўшни бўлма имтиҳон ўтказиладиган жой бўлади”.

Бу хил айиравчى ҳукмнинг умумий формуласи:

S = S₁, S = S₂, S = S₃ – Р дир.

Айиравчى ҳукмлар, кесим таркибига кирадиган тушунчалар бир-бирини истисно қилиши ёки қилмаслигига қараб, турлича маънони олиши мумкин. Масалан: “Арифметика амали ё қўшув, ё айирав. ё қўпайтирув, ё бўлувдир” деган ҳукмда “қўшув” тушунчаси “айирав” тушунчасини истисно қилади ва ҳ.к.

Айиравчى ҳукмларнинг бундай мантиқий тафовутларини ифода қилмок учун тилда етарли воситалар йўқлигидан (“ё”, “ёки” боғловчилар мустасно-айиравчى ҳукмларда ва қўшмар-айиравчى ҳукмларда ишлатилади), айиравчى ҳукмларнинг маъносига эътибор бермоқ зарур. (Ҳукмда кесимлар бир-бирини истисно қилмай, кесимларда айтилган омилларнинг ҳаммаси биргалашиб амал қилиши мумкин. Бу хил ҳукм қўшмар-айиравчى ҳукм деб аталади).

Биз юқорида кўрдикки, шартли ҳукм воқеликдаги ҳодисаларнинг юзага чиқиши мазкур ҳукмда қўрсатилган шартга боғлиқ эканлигини акс эттиради. Айиравчى ҳукмда ҳам нарса билан белгилардан бири ўртасидаги алоқа белгиларнинг мавжуд бўлишига ёки мавжуд бўлмаслигига боғлаб кўйилган.

Учинчи хилдаги ҳукмлар ҳам бўлиб, бу ҳукмларда нарса билан белги ўртасидаги алоқа ҳеч бир шартга боғланмасдан, қатъий суратда ифодаланади. Бу хил ҳукмлар қатъий ҳукмлар деб аталади. Бу ҳукмларда нарса билан белги ўртасида алоқа борлиги ёки йўқлиги акс эттирилади-ю, аммо бу алоқа ҳеч бир шарт-писандага боғлаб кўйилмайди. Масалан: “Нефть захираси бўйича Россия дунёдаги бошқа давлатлар орасида биринчи ўринда туради”.

Бошқа хилдаги ҳукмлар сингари, қатъий ҳукмлар ҳам тасдиқ ҳукм ёки инкор ҳукм (“ёниш кимёвий жараёнидир”, “ёғ

сув билан аралашмайды”). якка хукм, жузъий хукм ёки умумий хукм бўлади.

Қатъий хукм формуласи:

S – P дир,

S – P эмас.

Қатъий хукмлар энг кўп ишлатиладиган хукмлардир. Қатъий хукмларда биз ўзимизга маълум бўлган бирон белгининг маълум бир нарсага тааллуки борлиги ҳакидаги билимимизни ифода этамиз.

Эҳтимоллик, воқелик ва зарурлик хукмлари

Хукмда нарса ва унинг хусусиятининг объектив боғланиши, ташки оламдаги нарсалар. ҳодисалар ўртасидаги муносабат ва алокалар акс эттирилади. Лекин бирон нарса билан унинг хусусиятлари ўртасидаги муносабатларни инсон ҳамиша дархол англаб олавермайди. Инсон объектив воқеликнинг қонуний алокалари ва муносабатлари тўғрисида аввал ўйлаб тахмин ва фаразлар киласди. сўнгра уларни аниқлаб ола бошлайди.

Нарса ва унинг хусусиятлари ўртасида алоқа бўлиш эҳтимоли факат фараз килинса, у ҳолда инсон ўз фикрини мана бундай шаклда ифодалайди:

“Эҳтимол. Марседа органик хаёт бордир”.

“Туманлар ўртасидаги енгил атлетика мусобақаси июль ойида бўлса керак”.

“Балки, эргага ҳаво яхши бўлар”.

Бундай хукмлар, эҳтимоллик хукмлари (проблематик хукмлар) деб аталади. Бу хукмларда биз нарса билан хусусият ўртасида алоқа бўлиши эҳтимол ёки мумкинligинигина тасдиклаб айтамиз, холос. Бу алоканинг ҳакикатда борлигини хали биз билмаймиз, у ҳам бир фараздир. “Бизнинг синфимиздаги ўқувчилар эргага. эҳтимол, тарихий музейга борар” деганимизда, синфдаги ўқувчиларнинг эргага музейга бормаслиги жуда эҳтимол.

Эҳтимоллик хукмининг ҳақиқатлиги хукмда айтилган воқеанинг юз бериш эҳтимоли қандай даражада бўлиши билан белгиланади. Воқеаларнинг эҳтимоллиги шу воқеалар юз берадиган шарт-шароитларга боғлик.

Нарса билан хусусиятларнинг алоқасини биз таҳминан эмас, балки ҳақиқатдан аниқласак, у ҳолда биз ўз фикримизни мана бу хил ҳукмлар шаклида ифодалаймиз:

“Ўзбек шахматчилари ҳалқаро турнирда ажойиб ғалаба қозондилар”.

“Эстонияда юқори сифатли сланец конлари бор”.

“Бизнинг клубимизда кеча туман мактабларининг бадиий ҳаваскорлари концерт қўйиб берди”.

Бу хил ҳукмлар воқелик ҳукмлари (ассерторик ҳукмлар) деб аталади. Бу ҳукмларда биз нарса билан хусусиятларнинг алоқаси ҳақиқатда бўлганлигини, бўлган воқеани, ҳақиқат ҳолни ифодалаймиз. Масалан: “Санкт-Петербург Нева бўйида жойлашган” деган ҳукмда Санкт-Петербургнинг ҳақиқатдан жойлашган ери ифодаланган. Гарчи Санкт-Петербургнинг ҳозирги ерида жойлашганлигининг сабаблари борлигини билсак ҳам, лекин ҳукм қилганда биз бу ҳодисанинг қонунийлиги тўғрисида ўйлаймиз, унинг тарихий шарт-шароитга боғликлигини назарда тутмайсиз, биз факат мавжуд воқеани таъкидлаймиз, холос.

Ҳукмнинг шундай бир юқори шакли борки, унда фақат бўлган воқеа, ҳақиқат ҳол қайд қилинмасдан, балки нарса билан хусусиятларнинг алоқаси қонуний эканлиги аниқлаб берилади.

“Икки нуқта орасидаги энг қисқа масофа тўғри чизикдир”.

Бу хил ҳукмлар зарурлик ҳукмлари (аподиктик ҳукмлар) деб аталади. Бу ҳукмларда биз нарса ва унинг хусусияти ўртасида маҳкам боғланиш борлигини ва боғланишга зид келадиган бошқа бир ҳолнинг асло бўлиши мумкин эмаслигини ифодалаймиз.

Ҳар бир фан табиат ва жамият қонунларини акс эттирувчи ўз асосий қоидаларини ана шундай зарурлик ҳукмлари шаклида баён қиласди. Масалан: “ҳар бир жисм атомлардан иборат”, “куёш ерни ўз жозибасига тортиб туради”, “иссиқлик даражаси 100°C бўлганда, сув қайнайди” ва шу каби ҳукмларда нарса билан умумий хусусият ўртасидаги боғланиш зарурий боғланиш сифатида фикр қилинади. Бунинг маъноси, ҳар бир жисм атомлардан иборат бўлмаслиги ҳам мумкин, сув эса оддий атмосфера шароитида юз даражадаги иссиқликда қайнамаслиги ҳам мумкин, деб айтиб бўлмайди, демакдир.

Зарурлик ҳукми шундай ҳукмдирки, унда ифодаланган фикримиз моддий дунёдаги бирон конун түгрисида аник билим даражасига етган бўлади. Масалан: “хавосиз фазодаги барча жисемлар бирдек тезлик билан тушади”, “ижтимоий турмуш одамларнинг онгини белгилайди”. Бу хил ҳукмларнинг ҳаммасида фақат мавжуд бўладиган нарса фикр килинади. Ҳавосиз фазодаги жисемларнинг ҳаммаси ҳамма вакт бирдек тезлик билан тушмокда ва туша беради, чунки табиат қонуни шундай.

Маълумки, воқелик ҳукмлари сингари, зарурлик ҳукмлари ҳам, воқелиқдан аниқланган фактларга каратилган бўлади, лекин зарурлик ҳукмларининг ўзига хос алоҳида ҳусусияти шундан иборатки, улар ҳодисаларнинг умумий қонуниятини, маълум ҳодисаларнинг зарурлигини акс эттиради.

Агар эҳтимоллик ҳукмида бўлиши эҳтимол бўлган нарса, воқелик ҳукмида амалда мавжуд бўлган нарса ифодаланса, зарурлик ҳукмида зарурлан бўладиган нарса ифодаланади.

Шундай килиб, биз тасдиқ ва инкор ҳукмларини, умумий ва жузъий ҳукмларни, шартли, қатъий ҳукмларни ва бошқа хил ҳукмларни караб чиқдик.

Бирон киши томонидан айтиладиган ҳар бир тўғри ҳукм воқеликнинг турли томонларини ифодалайди ва шунинг учун у гурли нисбатларда олиб каралиши мумкин. Масалан: “Россияда Иван Фёдоров биринчи бўлиб китоб босишини чиқарган киши эди” деган ҳукм воқелик ҳукми, тасдиқ ҳукм, якка ҳукм, қатъий ҳукмдир. Унинг формуласи: S – P дир.

“Агар жисм суюқликка ботирилса, унинг оғирлиги ўзи сикиб чиқариб ўрнини олган суюқликнинг оғирлигича йўқолади” деган ҳукм зарурлик ҳукми. тасдиқ ҳукм, умумий ҳукм, шартли ҳукмдир. Унинг формуласи: агар S – P бўлса, S1 – P1 дир.

5. Ҳукмда эга билан кесимнинг ҳажми

Турли ҳукмларда бирон ҳусусият ё бир нарсага нисбатан, ё бир нечта нарсага нисбатан. ё бир туркумга кирадиган барча нарсаларга нисбатан тасдиқлаб (ёки инкор килиб) айтилишини биз кўриб ўтдик. Бошқача қилиб айтганда. ҳукмнинг эгасида

биз маълум бир туркумга кирадиган ё бир нарсани, ё бир нечта нарсани, ёки барча нарсаларни акс эттирамиз.

Эга маълум бир туркумга кирадиган нарсаларнинг ҳаммасини эмас, балки факат бирон қисминигина акс эттираса, у ҳолда, эга тўлиқ ҳажмда олинмабди ёки бўлинмайди дейилади. Масалан: “баъзи самолётларнинг реактив двигатели бор” деган ҳукмда эга бўлинмаган, чунки бу ҳукмда барча самолётлар ҳақида эмас, балки фақат баъзи самолётлар ҳақида сўзланади. Эга бир туркумга кирадиган барча нарсаларни акс этгирса, у ҳолда эга тўлиқ ҳажмда олинибди ёки бўлинибди. дейилади. Масалан: “барча самолётлар ҳаводан оғирроқдир” деган ҳукмда эга бўлинган, чунки бу ҳукмда барча самолётлар ҳақида сўзланади.

Умумий тасдиқ, жузъий тасдиқ, умумий инкор, жузъий инкор ҳукмларда эга билан кесимнинг ҳажмларини караб чиқайлик.

1. Умумий тасдиқ ҳукмларда эга бўлинган. Бу ҳол ҳукмнинг “барча S – Р дир” деган формуласидан ҳам равшан кўриниб турибди, чунки бу формулада бирон туркумга кирадиган нарсаларнинг ҳаммаси тўғрисида сўзланади. Масалан: “барча автомобилларнинг двигатели бор” деган ҳукмда эга тўлиқ ҳажмда олинган ёки бўлинган: “барча автомобилларда двигатель бор”.

Умумий тасдиқ ҳукмларда кесим бўлинмаган бўлиши ҳам, бўлинган бўлиши ҳам мумкин:

а) Кесимнинг ҳажми эганинг ҳажмидан кенгроқ бўлган умумий тасдиқ ҳукмларда кесим бўлинмаган. Бундай ҳукмда эга тур бўлиб, кесим – жинсдир. Ҳукмнинг згаси билан кесими ўртасидаги бундай нисбатни 7-расмда кўрсатилгандек икки доира шаклида ифодалаш мумкин.



7-расм


б) Кесимнинг ҳажми эганинг ҳажмига тенг бўлган умумий тасдик хукмларда кесим бўлинган.

“Барча снайперлар отиш, никобланиш ва кузатиш санъатини жуда яхши биладиган, жуда яхши ва бехато отувчилардир” деган хукмда кесим тўлиқ ҳажмда олинган, чунки отиш, никобланиш ва кузатиш санъатини жуда яхши биладиган, бехато отувчиларнинг ҳаммаси снайпердер ва шунинг учун ҳам хукмда жуда яхши ва бехато отадиган барча отувчилар тўгрисида сўзланади.

Хукмнинг эгаси билан кесими ўртасидаги бундай нисбатни бир-бирига тенг келадиган икки доира шаклида ифодалаш мумкин (8-расмга к.).

2. Жузъий тасдик хукмларда эга бўлинмаган. Бу хукмнинг: “баъзи S – P дир” деган формуласининг ўзидан ҳам бундай хукмда эганинг бўлинмаганилиги жуда равшан кўриниб турибди. Хукмда сўз барча нарсалар тўгрисида эмас, балки баъзи нарсалар тўгрисида боради, яъни унда сўз маълум бир туркумга кирадиган нарсаларнинг бутун ҳажми устида бормайди. Масалан: “баъзи хикоялар кизик эди” деган хукмда ҳамма хикоялар эмас, балки улардан факат бир қисмигина кизик бўлганлиги билиниб турибди... Демак, бунда эга тўлиқ ҳажмда олинмаган, яъни бўлинмаган.

Жузъий тасдик хукмда кесим бўлинмаган бўлиши ҳам, бўлинган бўлиши ҳам мумкин.



а) Кесимнинг ҳажми эганинг ҳажмидан кенгрок бўлган жузъий тасдик хукмларда кесим бўлинмаган. Масалан: “баъзи хикоялар кизик эди” деган хукмда факат эга эмас, балки кесим ҳам бўлинмаган. Дарҳақиқат, хикоялардан бошқа нарсалар ҳам

қизиқ бүлиши мүмкін. Китоблар, театр томошалар, лекциялар ва бошқалар ҳам қизиқ бүлиши мүмкін. Демак, биз кесимдан қизиқ нарсаларнинг бутун туркумини эмас, балки қизиқ нарсаларнинг фактат бир қисмини биламиз, холос. Бунда кесим тұлық ҳажмда олинган ёки бүлинмаган (9-расмга к.).

б) Кесим әганинг ҳажміга кирған жузъий тасдик ҳукмларда кесим бүлинган. Масалан: “баъзи ёзувчилар драматургдір” деган ҳукмда кесим бүлинган, чунки бунда гап ҳамма драматурглар устида боради (10-расмга к.).

3. Умумий инкор ҳукмларда эга ҳам, кесим ҳам бүлинган. Мисол: “хеч бир металл органик жисм әмас” деган ҳукмни олайлик. Бу ҳукмда эга бүлинган, чунки биз унда ҳамма металлар ҳақида сұзлаб, улар органик жисм әмас, дедик. Бу, умумий инкор ҳукмнинг: “хеч бир S – P әмас” деган формуласидан ҳам күриниб турибди, чунки “хеч бири” дейиш “барчаси” дейиш билан баробардір.



10-расм



11-расм




Бу ҳукмда кесим ҳам бүлинган. Бу ҳол, агар ҳеч бир металл органик жисм әмас экан, демек, ҳеч бир органик жисм ҳам металл әмаслиги күриниб турибди. Бу ҳукмда барча металлар ҳақида сұзланади ва металлар доирадан чиқарылған ҳолда, барча органик жисмлар күзде тутилади. Умумий инкор ҳукмидаги эга билан кесим нисбатини бир-бирига муттақо ёндашмайдыған иккі доира шақлида чизиб күрсатиш мүмкін (11-расмга к.).

4. Жузъий инкор ҳукмларда эга бүлинмаган. Бу ҳол мазкур ҳукмнинг: “баъзи S – P әмас” деган формуласидан ҳам равшан күриниб турибди. Бу ҳукмда маълум бир туркумга кирған нарсаларнинг бир кисми ҳақида сұзланади. Масалан, “баъзи спортчилар футболчи әмас” деган ҳукмда эга тұлық ҳажмда

олинмаган, чунки биз барча спортчилар ҳакида эмас, балки уларнинг баъзилари ҳакида сўзлаяпмиз.

Лекин бу хукмда кесим бўлинган, чунки унда биз эгани кесимнинг бутун ҳажмидан чиқарамиз. Гарчи спортчиларнинг бир қисми футболчилар каторига кирса ҳам, аммо спортчиларнинг қолган қисми кесимдан чиқарилади ва чиқарилганда ҳам кесимнинг ҳамма қисмидан чиқарилади. Жузъий инкор хукмдаги эга билан кесим ўртасидаги нисбатни куйидаги шаклда тасвирлаб кўрсатиш мумкин (12-расмга қ.).



12-расм

Умумий тасдик, жузъий тасдик, умумий инкор ва жузъий инкор хукмларда эга билан кесимнинг ҳажми масаласи ана шутарика ҳал килинади.

6. Хукмлар ўртасидаги муносабатлар

Моддий дунё боғланган бир бутун бўлиб, унда нарса ва ходисалар бир-бiri билан узвий боғланган бўлиб, бир-бiriiga қарам бўлиб ва бир-бiriini тақоза килиб туради.

Моддий дунёнинг инъикоси бўлган бизнинг хукмларимиз ўртасида ҳам боғланиш ва муносабатлар бўлиши табиийдир. Модамики биз борлиқдаги нарсаларни ва боғланишларни тўғри акс эттирад эканмиз, бизнинг хукмларимиз ўргасидаги боғланиш ва муносабатлар муайян қонуниятларга зарурان бўйсингмоғи лозим. Бу қонуниятларни билмок муҳимдир.

“Бизнинг бригадамиздаги ишчиларнинг ҳаммаси – стахановчи”.

“Бизнинг бригадамизда ҳеч бир ишчи ишлаб чиқариш топширигини стахановчилик нормасидан кам бажармайди”.

Бу ҳукмлар турли шаклда – тасдиқ ва ичкор шаклида – айни бир фикрнинг ўзини ифода қиласи. Бундай ҳукмлар айният ҳукмлари деб аталади. Улар ўргасида айният муносабати бор. Айният ҳукмларида айни бир нарсанинг ўзи, мазкур нарсанинг айни бир хусусияти акс эттирилади.

Бошқа хилдаги яна икки ҳукмни олиб қарайлик:

“Ҳеч бир ўсимлик ҳавосиз яшай олмайди”.

“Гуллик ўсимликлар ҳавосиз яшай олмайди”.

Бу икки хил ҳукмнинг характерли томони нимада? Уларнинг характерли томони шундаки, биринчи ҳукмда ифодаланган нарса (хамма ўсимлик) иккинчи ҳукмда ифодаланган нарса (гуллик ўсимликлар)га ниебатан бўйсндирувчиидир. Бундай ҳукмлар бўйсунув муносабатида бўлади.

Энди мана бундай икки ҳукмни олиб қарайлик:

“бу қоғоз оқ” ва “бу қоғоз оқ эмас”.

Бу ҳукмларнинг характерли томони нимада? Уларнинг характерли томони шундаки, иккинчи ҳукм биринчи ҳукмни тамомила инкор қиласи. Улар ўргасида учинчи бир нарса бўлиши мумкин эмас: қоғоз ё оқ, ё оқ эмас. Ҳақиқатан биз бошқа бирон учинчи хил рангни (куқ, қизил, мовий ва бошқа хилларни) айтсан ҳам у барибир “оқ эмас” деган тушунча доирасига киради.

Айни бир вактда бири тасдиқлаб айтган нарсанинг худди ўзини иккинчиси инкор қилган ҳукмлар зид ҳукмлар деб аталади.

Улар бир-бирига мос келмайдиган муносабатда бўлган ҳукмларнинг биринчи гуруҳини ташкил этади.

Лекин бир-бирига мос келмайдиган ҳукмлар бошқа шаклда ҳам кўриниши мумкин. Кўйидаги икки ҳукмдан буни пайқаш осон:

“бу қоғоз оқ” ва “бу қоғоз қора”.

Бу хил ҳукмлар қарама-қарши ҳукмлар деб аталади. Айни ҳолда иккинчи ҳукм биринчи ҳукмни инкор қиласи. лекин иккинчи ҳукмнинг зид ҳукмлардан фарқи шуки, у биринчи ҳукмни инкор қилиш билан чекланиб қолмай, шу билан бирга бошқа бир нарсани тасдиқлаб ҳам кўрсатади. Биз бу қоғознинг ҳақиқатдан оқ эмаслигини билдиқ, лекин шу ондаёқ бизга бу

қоғознинг кора эканлиги маълум бўлди. Бундан бошқа фарқ ҳам бор. Зид ҳукмлар орасида ўртача бир нарсанинг бўлиши мумкин эмас. аммо қарама-қарши ҳукмлар орасида яна бир канча ҳукмларнинг бўлиши мумкин; чунончи: оқ билан кора орасида кулранг, корамтири, корарок, кора ва ҳ.к. ранглар бўлиши мумкин.

Ҳукмлар орасидаги муносабатларнинг асосий шаклларини билиш айтилган фикрларнинг ҳақиқатлигини гезрок аниклаб олишимизга ёрдам беради.

Мана бундай бир мисолни олайлик.

“Синфимиздаги ўқувчиларнинг ҳаммаси алгебрадан уйга берилган масалаларни ечди”.

“Синфимиздаги баъзи ўқувчилар алгебрадан уйга берилган масалаларни ечаолмади”.

Бу ҳукмларнинг иккаласи бирданига чин бўлиши мумкин эмаслиги очиқ кўриниб турибди. Дарҳакиқат, модомики ўқувчиларнинг ҳаммаси берилган масалаларни ечган экан, демак, масалаларни ечмаган ўқувчи қолмаган. Ёки, аксинча, ўқувчилардан лоақал биронтаси масалани ечмай келган бўлса, у вактда ўқувчиларнинг ҳаммаси масалаларни ечди. деб бўлмайди. Бинобарин, агар биринчи ҳукм чин бўлса, унда иккинчи ҳукм хато бўлади; агар иккитчи ҳукм чин бўлса, унда биринчи ҳукм хато бўлади; бу икки ҳукмнинг айни бир вактда чин бўлиши мумкин эмас.

Лекин бу икки ҳукмнинг айни бир вактда хато бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳакиқатан, агар “ўқувчиларнинг ҳаммаси берилган масалаларни ечди” деган ҳукм хато бўлса, у вактда бунинг маъноси: ўқувчилар орасида масалаларни ечмаганлар ҳам бор эди демақдир, ва, бинобарин, “баъзи ўқувчилар берилган масалаларни ечмади деган ҳукм заруран чин ҳукмдир. ёки аксинча, агар баъзи ўқувчилар берилган масалаларни ечмади” деган ҳукм хато бўлса, у вактда бундан: “ўқувчиларнинг ҳаммаси берилган масалаларни ечди” деган ҳукм чин экан деган маъно келиб чиқади. Демак, бу икки ҳукмнинг айни бир вактда хато бўлиши мумкин эмас. Бу икки ҳукмдан бири заруран чин бўлиши лозим.

Ҳозиргина текшириб ўтилган ҳукмлар зид ҳукмлар гуруҳига киради. Юкорида қараб чиқилган мисолига асосланиб, зид

хукмларни солишириб кўриш қоидасини бундай деб ифодалаш мумкин: зид бўлган икки хукм баббаравар чин бўлиши ҳам, баббаравар хато бўлиши ҳам мумкин эмас: агар улардан бири чин бўлса, иккинчиси хатодир.

Бу қоида қарама-қарши хукмларга татбиқ қилинмайди:

Юқоридаги қарама-қарши хукмларни олиб қарайлик:
“бу қофоз оқ” ва “бу қофоз қора”.

Бу хукмларнинг иккаласи баббаравар чин бўлиши мумкин эмас. Қофоз ё оқдир, ё корадир. Агар қофознинг оқлиги чин бўлса, у вактда “қофоз қора” деган хукм зарурان хато бўлиб чиқади. Лекин қарама-қарши хукмларнинг зид хукмлардан фарки шуки, қарама-қарши хукмларнинг иккаласи ҳам хато бўлиб чиқиши мумкин. Куйидаги оддий мисол билан буни тушунтириб ўтайлик.

Фараз қиласиз, бундай мунозара вақтида биз ҳам ҳозир бўлиб турган бўлайлик: мунозара қилувчилардан бири, Ўрта Осиёдаги қадимги қалъанинг девори оқ деб дъяво қиласи; мунозара қилувчиларнинг иккинчиси бу дъявони рад қилиб, у қалъанинг девори оқ эмас эди, деб ўзиникини маъқулламоқчи бўлади. Бу – зид хукмдир. Мунозара давомида биринчи кишининг (“девор оқ эди”) дъявоси хато бўлиб чиқади. Иккинчисининг хукмини (“девор оқ эмас эди”) чин деб билмоқ учун ана шунинг ўзи тамоман етарлидир.

Умуман, агар қарама-қарши хукмлардан бири хато бўлса, бундан иккинчиси чин деган маъно келиб чиқмайди. Уларнинг иккаласи ҳам бир вақтнинг ўзида хато бўлиши мумкин.

Қарама-қарши хукмларнинг бу хил солишириб кўриш қоидасини бундай ифодаласа бўлади: икки қарама-қарши хукм баббаравар чин бўлиши мумкин эмас, лекин улар баббаравар хато бўлиши мумкин, уларнинг бири хато бўлса. бундан иккинчиси чин деб асло хулоса чиқариб бўлмайди.

Биз энди бўйсунувчи хукмлар ўртасидаги муносабатлар билан танишиб чиқишимиз керак.

Масалан, мана бу икки хукмни олиб қарайлик:
“суюқликларнинг ҳаммаси эластик бўлади”

ва
“байззи суюқликлар эластик бўлади”.

“Суюқликларнинг хаммаси эластик бўлади” деган хукмни чин деб фараз килайлик. Демак, тамоман равшанки, “баъзи суюқликлар эластик бўлади” деган бўйсинувчи хукм ҳам чиндир. Шуни назарда тутиш керакки, бунда “баъзи” деган сўз “хеч бўлмаганда баъзи” маъносида тушунилади. Инкор хукмлар солиштириб кўрилганда ҳам бўйсинувчи хукм чин бўлиб чиқади. Агар “Сибиръдаги хеч бир дарё жанубга караб оқмайди” деган хукм чин бўлса, у вактда “Сибиръдаги баъзи дарёлар (“хеч бўлмаганда баъзилари”) жанубга караб оқмайди” деган хукмнинг чинлигига ҳам шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Бўйсинаш муносабатида бўлган хукмлар билан иш кўрганда риоя қилиш зарур бўлган коидалар бор:

1) Умумий хукмнинг чинлигидан унга бўйсинувчи жузъий хукмнинг чинлиги келиб чиқади.

Масалан: “даражатларнинг хаммаси карбонат ангирид ютади” деган хукм чин бўлса, у вактда “баъзи дараҳтлар карбонат ангирид ютади” деган хукм ҳам чиндир.

2) Жузъий хукмнинг хатолигидан тегишли умумий хукм ҳам хато бўлиб чиқади.

Масалан: “баъзи дараҳтлар азотга мухтоҷ эмас” деган хукм хато бўлса, у вактда “даражатларнинг ҳеч бири азотга мухтоҷ эмас” деган хукм ҳам хатодир.

3) Жузъий хукмнинг чинлигидан тегишли умумий хукмнинг чинлиги заруран келиб чиқмайди.

Масалан: “мактабимизнинг баъзи ўқувчилиари стенографияни билади” деган хукмнинг чинлигидан: “мактабимизнинг барча ўқувчилиари стенографияни билади” деган тегишли умумий хукмнинг чинлиги асло келиб чиқмайди.

4) Умумий хукмнинг хатолигидан унга бўйсинувчи жузъий хукмнинг албатта хато бўлиши ёки чин бўлиши зарурий эмас.

Дарҳакиқат, “идорамизнинг барча ходимлари шаҳар четида туради” деган хукмни олиб карайлик. Бу хукмни, масалан, хато деб фараз килайлик. Хўш. унда жузъий хукмнинг ҳоли нима бўлади? Биз “идорамизнинг баъзи ходимлари шаҳар четида туради” деган хукм чин ёки хато деб айтмолмаймиз.

Хукмлар ўргасидаги муносабатларнинг асосий турлари ва ҳар хил хукмларнинг гап-сўзларимизда кўпроқ ишлатиб

туриладиган баъзи солиштириш қоидалари ана шулардан иборат. Солиштириб кўриладиган ҳукмлардан тегишли холосани тез ва хатосиз топа билиш учун бу қоидаларни билиш керак.

“Мантикий квадрат”

Эга билан кесими бир хил бўлган, лекин сифатлари ёки миқдорлари турлича бўлган ҳукмлар орасидаги муносабатларни эсда тутишни енгиллаштириш учун баъзан “мантикий квадрат” деб аталувчи воситадан фойдаланадилар. Бу квадратнинг схемаси бундай: сўл томонидаги юкори бурчакка А ҳарфи (умумий тасдиқ ҳукм), ўнг томонидаги юқори бурчакка Е ҳарфи (умумий инкор ҳукм) аломати қўйилади; сўл томонидаги пастки бурчакка J ҳарфи (жузъий тасдиқ ҳукм) ва ўнг томондаги пастки бурчакка О ҳарфи (жузъий инкор ҳукм) аломати қўйилади (13-расмга к.).



13-расм

Бу квадратдаги ҳар бир чизик ҳукмларнинг икки тури орасидаги муайян муносабатни кўрсатади.

Чунончи, А билан J ҳукмлари, шунингдек Е билан О ҳукмлари бўйиниши муносабатида бўлади. Бу расмдан кўриниб турибди: А ҳукми юқоридан пастга караб кетган чизик орқали J ҳукми билан бирлашади. А билан Е ҳукмлари қарама-қарши ёки тескарима-тескари ҳукмлардир. Ва ниҳоят, А билан О ҳукмлари, Е билан J ҳукмлари зид ҳукмлардир. Буни бурчакдан-бурчакка тортилган чизиклар кўрсатади.

Мантикий квадрат – факат ҳукмларни таққослаш йўлини эсда яхшироқ тутиш учун ишлатиладиган воситадир. Мантикий квадратнинг бундан бошқа ҳеч қандай аҳамияти йўқдир.

V БОБ

ҲУКМЛАРНИНГ БОШҚА ШАКЛЛАРГА КИРИШИ

1. Ҳукмларнинг мантикий маъносини аниқлаш

Ҳукмнинг сиртки шакли грамматик гапдир. Ҳукмнинг сўз билан ифодаланадиган бу сиртки шакли тилимизда жуда хилмайхилдир. Шу туфайли мазмуни турлича бўлган ҳукмлар жуда турли сиртки шаклларга кирибгина колмай, балки ҳатто айни бир ҳукмнинг ўзи хам турли гап шакларида ифодаланиши мумкин.

Шахси маълум ва шахси номаълум гаплар кўпинчада айни бир ҳукмни билдиради. Масалан: “ой этак билан ёпилмас” ва “ойни этак билан ёпиб бўлмас”. Шундай ҳоллар хам бўладики, айни бир ҳукмнинг ўзи бир неча гап шаклида ифода килинади-ю, аммо бу гаплардаги сўзларнинг таркиби бир-биридан озгина фарқ қиласиди. Масалан: “тиз чўкиб яшаётдан кўра. тик туриб ўлган яхши” ва “шарманда бўлиб юришдан кўра. шараф билан ўлиш яхши”.

Лекин бошқа хилда учрайдиган ҳоллар хам оз эмас. Бундай ҳолларда гапларнинг шаклида ёки таркибида катта фарқ бўлмаса ҳам, лекин ҳукмларнинг маъносида катта фарқ бўлади. Масалан: “Сўраганлари мен эмас” ва “мени сўраганлари йўқ”, “ўзи бир мисқолу, аммо қадри баланд”, “ўзи бир мисқолу, аммо нархи баланд” деган ҳукмлар турли маънодаги ҳукмлардир.

Гап шакли баъзан шундай мураккаб бўладики, бу хил гап билан ифода этилган ҳукмнинг мантикий маъносини дархол пайқаб бўлмайди, яъни эгани кесимдан дарров ажратиб олиш ва ҳукмнинг умумий ҳукмми, ёки жузъий ҳукмми, қатъий ҳукмми ёки шартли ҳукмми, ёки бошқа хилдаги ҳукмларданми эканлигини шу онда аниклаб олиш кийин бўлади. Бунинг устига, сиртки шаклнинг мураккаблиги ёки алоҳида бир тарзда тузилганлиги ҳукмнинг мантикий маъноси тўғрисида, демакки, унинг мазмуни тўғрисида ҳам бизни янгилиш йўлга солиб кўйиши мумкин. Шу сабабли ҳукмларнинг мантикий маъносини аниқлаш усувларидан фойдалана билиш мухимдир.

Бу хил аниқлаш кўп вактларда ҳукмни мантиқий шаклга солиш заруратига тақалиб колади, яъни ҳукмнинг (мазмунига халал етказмасдан) шаклини ўзgartириб, ундаги эга, кесим ва боғловчини яққол аниқлашга ва ҳукм бўлакларини тартиби тўғрисида мантиқда қабул қилинган қоидаларга риоя қилиб иш кўришга тўғри келади.

Алоҳида хилда учрайдиган ҳолларни олиб қарайлик.

A. Қатъий ҳукмлар

Ҳукмнинг содда шакли. Ҳукмда уч бўлак (эга, кесим ва боғловчи) борлигини биламиз, лекин гап уч сўздан ошиқ ҳам, кам ҳам бўлиши мумкин. Масалан: “ёришайти”, “шивир-шивир” деган шахси номаълум гаплар бир сўздан иборат бўлса ҳам, ҳар қайсиси бутун бир ҳукмни ифодалайди. бинобарин, бир сўздан иборат бўлган бундай гапда ҳукмнинг уч бўлаги ҳам алоҳида бир тарзда ифодаланади.

Боғловчини “иборат” деган сўз билан ҳам ифодалаш мумкин, баъзан эса боғловчини тушириб қолдириш ҳам мумкин. Масалан: “ўринли сўз – ўқдан ўткир” деган ҳукмда бошдаги икки сўз ҳукмнинг эгаси, охирдаги икки сўз ҳукмнинг кесимини ифодалайди. Боғловчи эса тушириб қолдирилган.

Ҳукмнинг эгаси кўпинча бошқа келишик шаклига киради. Масалан: “2008 йилда Москва Бадиий Академик Театрига 110 йил тўлди”. Бу ҳукмда Москва Бадиий Академик театри, гарчи жўналиш кесимида турган бўлса ҳам, ҳукм эгасидир.

Ҳукмнинг икки (ёки ундан кўп) эгаси бўлиши мумкин. Масалан: “Ўзбекистон ва Россия икки томонга ҳам фойдали бўлган савдо битими тузиши”.

Ҳукмнинг икки (ёки ундан кўп) кесими бўлиши мумкин. Масалан: “Рус инженери А.Ф. Можайский дунёда биринчи бўлиб самолёт ихтиро қилди ва бу самолётга тушиб дунёда биринчи бўлиб ҳавога учди”.

Баъзан ҳукм тасдиқлаши маъносини билдирадиган алоҳида хилдаги савол шаклига киради. Масалан:

“Европа таълашлари бизга янги битганми?

Унитдими ёки рус, галаба қилолмасми?”

Бу икки гап оддий саволлар қаторига қўшилмайди. А.С. Пушкин бу ҳукмларнинг хар бирида миллий ифтихор туйғуси түғён уриб турган муайян фикрни ифодалайди. Аввал “бизга” (эга) “Европа билан талашиш янгилик эмас”лиги (кесим) эслатилиб, сўнгра “рус” (эга)нинг “ғалаба килишини унутмаганлиги” (кесим) таъкидланади.

Ҳукмнинг мураккаб шакли. Ҳукм мураккаб – қўшма гап шаклида ифодаланиши мумкин. Масалан: “К.А. Тимирязев хлорофилнинг кўк туси карбонат ангидридни бузиш учун қуёшдан зарур энергияни олишга маҳсус мослаштирилганлигини биринчи бўлиб исботлади”. Ҳукмнинг мантикий таркибини равшанрок қилиш учун М.В.Ломоносов айтганидек, “яширин боғловчини очиқ боғловчига айлантиришкерак”: “хлорофилнинг кўк туси карбонат ангидридни бузиш учун қуёшдан зарур энергияни олишга маҳсус мослаштирилганини биринчи бўлиб исбот қилиб берган киши К.А. Тимирязевдир”. Бу ҳукмнинг эгаси “К.А. Тимирязев” бўлиб, ҳукмнинг қолган ҳамма кисми кесимдир.

Бошка бир мисол: “Окибати яхши бўлганнинг ҳаммаси яхши”. Бу мураккаб ҳукмда “окибати яхши бўлганнинг ҳаммаси” ҳукмнинг мантикий эгаси бўлиб, “яхши” эса кесимдир.

Бир нечта ҳукм ифода қилинган мураккаб қўшма гаплар ҳам ишлатилади. Жумладан, боғланган қўшма гаплар шундай гаплар қаторига киради.

Тасдиқ ва инкор ҳукмлар. Инкор ҳукмларда инкорни билдирувчи “эмас” сўзи феъл қўшимчасига боғланниб келади: “йўл қулай эмас эди”. Лекин инкор аломати кесимга боғланниб келса ва феъл қўшимчаси олдида инкор аломати бўлмаса, у ҳолда бу тасдиқ ҳукм бўлади: “йўл нокулай эди”. Шакл жиҳатидан бундай икки хилликнинг холосаларда мухим аҳамияти бор. Бу икки ҳукмнинг мазмуни тўғрисида фарқ жуда оз, уларнинг асосий маъноси битта.

Умумий ва жузъий ҳукмлар. Умумий ва жузъий ҳукмларнинг грамматик шакли баъзан тўғри келиб қолади. Масалан: “қўзиқорин ўрмонда ўсади” деган ҳукм жузъий ҳукмдир, чунки қўзиқорин фақат ўрмондагина ўсмайди. Бинобарин, қўзиқориннинг ҳаммаси эмас, балки “баъзи қисми ўрмонда

үсади”. Лекин сиртқи шакли худди шундай бўлган ҳукм (“ҳаммаси” сўзидан бўлак) умумий ҳукм ҳам бўлиши мумкин. Масалан: “загчалар уя солади”. Бу ҳукм умумий ҳукмдир, чунки у ҳамма загчаларга тааллуклидир. Бундай ҳолларда умумий ҳукм билан жузъий ҳукмни факат маъносига қараб ва “ҳамма” сўзини татбиқ қилиб бир-биридан ажратиши мумкин. Агар “ҳамма” сўзини шундай ҳукмга татбиқ қилиш мумкин бўлса, (“загчаларнинг ҳаммаси уя солади”), у вактда бу ҳукм умумий ҳукмдир, агар татбиқ қилиб бўлмаса, у вактда у жузъий ҳукмдир.

Бошида “ҳамма” сўзи бўлиб, охирида “эмас” инкор кўшимчаси келган ҳукмлар ҳам жузъий ҳукмлар каторига киради. Масалан: “ҳамма ёзувчи классик ёзувчи эмас”. Бу “баъзи ёзувчилар классик ёзувчи эмас” деган ҳукм билан бир маънолидир. Бу хилдаги ҳукмларнинг ҳаммаси жузъий инкор ҳукмлардан иборат. Агар шундай ҳукмларга “ҳам” сўзи кўшилиб келса, (“ҳамма кунлар ҳам совуқ бўлган эмас”), унда бундай ҳукмлар жузъий тасдиқ ҳукм бўлади (“баъзи кунлар иссиқ бўлган эди” деган маънони билдиради).

Якка ва умумий ҳукмлар. Якка ҳукмлар ҳамма вақт бирлик шаклида, умумий шакллар ҳамма вақт кўплик шаклида ифодалана бермайди. Агар ҳукм якка бир фактга ёки якка бир нарсага оид бўлса, якка ҳукм бўлади. Масалан: “уч ўртоғим бугун чангиди учди”, “мактабимиз кутубхонасидағи китобларнинг ҳаммаси икки тонна келади”. Лекин ҳукмда маълум шахслар, маълум (якка) фактлар кўзда тутилмаса, унда бундай ҳукм умумий ҳукм бўлади. Масалан: “уч полк бир дивизия бўлади”. Бу ҳукм умумий ҳукмдир, чунки у бир дивизияни ташкил қиласидиган уч полкнинг ҳаммасига оидdir.

“Аъло ва яхши баҳо билан ўқийдиган – ўзининг асосий вазифасига виждан билан қарайдиган ўқувчидир”, “нормасини ошириб бажарувчи ишчи замонамизнинг илгор кишиси” деган ҳукмлар умумий ҳукмлардир. Бу ҳукмларда ҳар бир аъло ўқувчи, нормасини ошириб бажарувчи ҳар бир ишчи кўзда тутилади.

Ажратиб кўрсатувчи ҳукмлар. Фикр юргизганимизда, ҳукмларнинг алоҳида хили ҳам кўп учрайди. Бундай алоҳида хилдаги ҳукмларнинг айирувчи белгиси “фақат” (ёки “тина”)

деган сўздан иборат бўлади. Бу сўз хукмга кўшимча маъно беради. Мана бундай бир мисолни олиб қарайлик: “илғор назарияга амал қилган партиягина илғор курашчи ролини бажараолади”. Бу хукмда, оддий хукмларда бўлганидек, бир фикр эмас, балки икки фикр ифодаланган:

1) илғор назарияга амал қилган партия илғор курашчи бўла олади;

2) бошка ҳеч қандай партия (ёки ташкилот) илғор курашчи ролида чиқаолмайди. Шундай қилиб, “тина” сўзи ёрдами билан хукм иккинчи, кўшимча маънони ҳам олдики, бу маънонинг аҳамияти ҳам биринчисидан қолишмайди.

Бу мисолимизда (шунга ўхшашиб болиқа мисолларда ҳам) “тина” сўзи эганинг охирига қўшилиб, гапнинг ўртасида келди. Бундай хукмларда “факат” сўзини ишлатганда, у гапнинг бошида ҳам келиши мумкин.

Масалан: “факат металларгина иссиқликни жуда яхши ўтказали”. Хукмнинг маъносини ўзгартирасдан, сўзларнинг тартибини ўзгартирайлик. “Иссиқликни энг яхши ўтказувчи фактат металлардир”. Энди бу хукмни мантиқий шаклга солайлик: “иссиқликни энг яхши ўтказадиган барча нарсалар – металлардан иборат”. Шундай қилиб, ажратиб кўрсатувчи тасдик хукмлар маъно жихатдан умумий тасдик хукмига генгдир.

Б. Шартли хукмлар

Шартли хукмлар “агар ... у вактда” каби кўмакчи-боғловчилар билан ифодаланади. Лекин шартли хукмларда шундай белгилар бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан: “озикили от ҳоримас”, “жахл келса, акл кочар”. Бошка шартли хукмларда бўлгани сингари, бу хукмларда ҳам негиз ва натижа бор; бу хукмни “агар” боғловчисини кўшиб ифодалаш мумкин (“агар жахл келса, акл қочади”).

“Агар” боғловчиси ўрнида “да” кўшимчасини ишлатиш ҳам мумкин: “дарё боғланганда, хамма ер сувга сероб бўлар эди”.

Шартли хукмлар баъзан натижадан бошланиб, негиз охирга тушиб қолади: “кўчатлар куриб қолади, агар уларга караб турилмаса”.

Баъзи хукмларда “агар” боғловчиси бўлса ҳам, лекин уларда негиз билан натижа йўклиги сабабли шартли хукмлар бўлмайди. Масалан: “агар жаҳон уруши бошида АҚШ армияси капиталист мамлакатларнинг армиялари орасида 17-ўринда турган бўлса, ҳозир у мазкур армиялар орасида биринчи ўринда туради”. Бу хукмда икки факт солиштириб кўрилган, аммо бу фактлардан биринчиси Америка армиясининг ниҳоятда ўсиб кетганлигига шарт бўлаолмайди.

В. Айирувчи хукмлар

“Ё – ёки” ҳамма вакт айирув боғловчиси бўлавермайди. Масалан: “согликни чангидা учеб ё конки отиб мустаҳкамлаш мумкин”. Бунда кесимлар бир-бирини истисно қилмайди, балки у йўл билан ҳам, бу йўл билан ҳам согликни мустаҳкамлаш мумкинлигини билдиради. Бинобарин, бу хил хукм кўшмар айирувчи хукмдир.

Айирувчи хукмларда “ё - ёки” боғловчисидан бўлак “гоҳ-гоҳ”, “дам-дам”, “ҳам-ҳам” ва бошқа боғловчилар ҳам ишлатилади. Масалан. “сигнал берадиган фонар дам кўк тусда, дам қизил тусда кўринар эди”, “дараҳтлар игна баргли ҳам, яполок баргли ҳам бўлади”.

2. Айлантириш

Хукмларни айлантириш шундай бир мантиқий усулдирики, бу усул воситаси билан тасдик ҳукм инкор ҳукмга ёки инкор ҳукм тасдик ҳукмга айлантирилади, аммо ҳукмнинг маъноси ўзгармайди. Айлантириш натижасида ҳукмнинг факат сифати ўзгаради. Масалан:

“Юлдузлар харакатсиз эмас” – “юлдузлар ҳаракатда”.

“Ўкувчилардан баъзилари нотаниш эди” – “ўкувчилардан баъзилари таниш эмас эди”.

Айлантириш усули шундан иборатки, биз ҳукмга иккита инкор киритамиз. Масалан: “яҳши ишланган ғўза серҳосил бўлади” – “яҳши ишланган ғўза серҳосил бўлмай қолмайди”. Умумий тасдик ҳукми умумий инкор ҳукмига айлантирилади

ва бунинг аксича: жузъий ҳукм жузъий инкор ҳукмига айлантирилади ва бунинг аксича.

Айлантиришнинг аҳамияти шундан иборатки, у бизнинг фикримизни аниклади. Нотуғри айлантирилса, ҳукмларнинг нималиги аник бўлмай қолади ёки уларнинг маъноси тўғридан-тўғри бузилади.

3. Алмаштириш

Алмаштириш шундай бир мантиқий усулдирки, бу усул воситаси билан ҳукмнинг эгаси кесим ўрнига, ҳукмнинг кесими эга ўрнига алмаштириб қўйилади.

Алмаштириш натижасида ҳукмнинг сифати ўзгармайди. Масалан: “барча юлдузлар қуёшdir” деган ҳукм “барча қуёшлар юлдуздир” деган ҳукм билан алмаштирилади. Биринчи ҳукмда бизнинг фикримиз “юлдузлар”га қаратилган эди, иккинчи ҳукмда “қуёшлар”га қаратилади. Фикр қилинадиган нарса ўзгарганлигидан ҳукмнинг маъноси ҳам ўзгаради, яъни бизнинг ҳукмимиз бошқача бўлади.

Кўрсатган мисолимизда ҳукм ўз миқдорини ўзгартирмади – бундай алмаштириш содда ёки соф алмаштириш деб аталади. Содда алмаштириш ҳукмдаги иккала термин ҳам бўлинган ёки бўлинмаган ҳоллардагина татбиқ этилади, шунинг натижасида алмаштирганда терминларнинг ҳажмлари ўртасидаги нисбат ўзгармайди.

Умумий тасдиқ ҳукмларда иккала термин ҳам бўлинган бўлади. Масалан: “ҳамма шоирлар кенг хаёл эгасидир” деган ҳукмни “кенг ҳаёл эгаси бўлган ҳамма одамлар шоирдир” деган ҳукмга алмаштириш мумкин эмас. Бундай алмаштириш хато. Кесими бўлинмаган умумий тасдиқ ҳукмлар ҳамма вақт чегаралап йўли билан алмаштирилади.

Жузъий тасдиқ ҳукмларда иккала терминнинг ҳам ҳажми тўлиқ олинмаган бўлса, содда алмаштириш мумкин, чунки бундай йўл билан алмаштирганда терминларнинг ҳажмлари ўртасидаги нисбат ўзгармайди. Масалан: “баъзи болалар орденлидир” деган ҳукмни содда алмаштириб, “баъзи орденлилар болалардир” дейиш мумкин.

Лекин агар жузъий тасдиқ хукмнинг кесими бўлинган бўлса, у вактда алмаштириш натижасида биз умумий тасдиқ хукми ҳосил қиласиз. Чунончи: “баъзи бинолар одам турадиган уйлардир” деган хукм кесими бўлинган жузъий тасдиқ хукм булиб у “одам турадиган уйларнинг ҳаммаси бинодир” деган умумий тасдиқ хукмга алмаштирилади.

Умумий инкор хукмлар содда алмаштирилади, чунки бу ҳоллардаги терминларнинг иккаласи ҳам ҳамма вакт бўлинган бўлади, “хеч бир курак оёқ – балик эмас” – “хеч бир балик – курак оёқ эмас”. Кўраяпсизки, алмаштирганда эга билан кесим ҳажмларнинг нисбати ўзгармади.

Жузъий инкор хукмлар алмаштирилмайди, бунинг сабаби шуки, алмаштирган вактда биз хукмларнинг сифатини ўзгартирмаслигимиз лозим, демак, инкор хукмини алмаштирганда биз инкор хукм ҳосил қилишимиз керак. Лекин жузъий инкор хукмларда эганинг ҳажми ҳамма вакт бўлинмаган бўлади. Агар биз бундай хукмни алмаштиромкчи бўлганимизда бўлинмаган эга бўлинган кесимга айланниб қолган бўлар эди, ҳолбуки мантиқий тафаккурда бундай нарсанинг бўлиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, умумий инкор хукмларнинг ҳаммаси, шунингдек иккала термини ҳам ё бўлинган, ёки бўлинмаган тасдиқ хукмлар содда алмаштирилади.

Хукмларнинг бошқа шаклларга кириши, яъни айлантирилиши ва алмаштирилиши – тафаккуримиз жараёнида муҳим аҳамиятга эгадир. Хукмларнинг бирон шаклга киришини таҳлил қилганда хукмнинг бир шаклидан иккинчи шаклига ўтишни ўзбошимчалик билан қилиш мумкин эмаслиги кўриниб турибди. Бу равишда ўтишларнинг ўз чегараси, ўз конунлари бор, улар маълум коидаларга асосланган.

VI БОБ

МАНТИҚИЙ ТАФАККУРНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ

1. Мантиқий қонун ҳақида тушунча

Моддий дунё онгимиздан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини, бизнинг тафаккуримиз эса, моддий дунёдаги нарса ҳодисаларнинг киши миясидаги инъикосидан иборат эканлигини биз билиб олдик.

Объектив олам боғлиқ бир бутундан иборат бўлиб, ундаги нарса ва ҳодисалар бир-бирига боғлиқ бўлиб ва бир-бирини тақозо қилиб, ҳаракат қилиб ва тараққий этиб туради. Ташки оламдаги ҳаракат ва тараққиёт воқеликнинг ўзида бўлган муайян қонунларга мувофиқ юзага келади. Агар бизнинг тафаккуримиз бу қонунларни тўғри акс эттиrsa, биз уларни билиб борамиз.

Бироқ тафаккур воқеликни тўғри ҳам, нотўғри ҳам акс эттириши мумкин. Шу сабабли, тафаккур тўғри бўлганда қандай хусусиятларга эга бўлишини ва қандай қонунларни билиб олгач улардан онгли равишда фойдаланиш ва шу билан теварак – атрофимиздаги оламни тўғри тушунишга кўмаклашиш мумкин.

Табиат қонунларини ҳеч ким ўйлаб чиқармагани сингари тафаккур қонунларини ҳам ҳеч ким ўйлаб чиқармаган. Улар моддий нарсаларнинг ўзаро зарурый боғланишларининг, воқелик қонуниятларининг киши миясидаги инъикосидир.

Элементар мантиқ илми ўрганадиган асосий тафаккур қонунларининг алоҳида хусусияти шуки, улар нарсаларнинг оддий хоссаларини акс эттиради. Масалан, биз кундалик турмушда фойдаланиб турадиган ҳар бир нарсада бир мунча доимийлик, муайян ўлчов-андоза бўлиб, унинг айни бир вактда турли жойда бўлиши мумкин эмас ва ҳ.к. Нарсаларнинг бу оддий хусусиятлари кишиларнинг кўп асрлардан бери қилиб келаётган амалий фаолияти жараёнида инсон онгида миллиард-миллиард марта ўз аксини қолдирган. Шунинг натижасида инсон тафаккури муайян, барқарор хусусиятлар касб этди ва бу хусусиятлар тўғри тафаккурнинг туб хусусиятлари бўлиб қолди.

Тұғри тафаккур қонунлари ёки мантикий қонунлар нарсаларининг оддий муносабатларинигина акс эттиради-ю, аммо тафаккур қонунларининг хаммасини тұла-тұкис ифодалаб бераолмайды. Табиат, жамият ва тафаккурнинг харакати ва тараккиётнинг бундан чукуррок ва бундан мураккаброк қонунлари бор, у ҳам бұлса: диалектика қонунларидир. Лекин уларни үрганиши элементар мантиқ доирасидан четга чиқади. Диалектика қонунларини текшириш бошқа фаннинг мавзусига киради ва бу фан диалектик материализм деб аталади.

Элементар мантиқ тұғри мантикий тафаккурнинг түрт қонунини: айният қонуни, зиддият қонуни, үчинчиси мустасно қонуни ва етарли асос қонунини текшириб чиқади. Бу қонунлар мантикий тафаккурнинг асосий қонунлари деб аталади, чунки бу қонунлар мантикий тафаккурнинг туб хусусиятларини, янын фикрларимизнинг муайян, бир-бирига зид әмас, изчил ва асослы бұлишини ифодалайды.

Тафаккур тұғри бұлиши учун фикрларимиз аниқ ва муайян, бир-бирига жуда изчил суратда пайдар-пай боғланған бұлиши лозим, фикр юргизилаётган мавзудан четга чиқмаслиги зарур, мазмұнида мантикий зиддиятлар ва пойма-пой, дудмал гаплар бұлмаслиги керак. Ҳукмларимиз ва холосаларимиз асослы бұлиши лозим, йўқса, улар ишонтиарлы бўлмай қолади.

Мантикий қонунлар тұғри тафаккурнинг мажбурий шартидир.

2. Айният қонуни

Теварак-атрофимиздаги оламда, табиат ва жамиятда бор нарсаларнинг хаммаси абадий равища ва тұхтосиз харакат килиб, үзгариб туради. Ҳаракат – материянинг энг асосий ва ажралмас хусусиятидир. Материя сингари ҳаракат ҳам абадийдир, уни яратиб бўлмайди, бузиб ҳам бўлмайди. Олам – ҳаракат қилувчи материядир.

Лекин ҳаракат жараёнида бирон моддий жисм қандайдир бир ҳолатда вактинча мувозанат саклаб, нисбий осойишталиқда бўлиши мумкин.

Хар бир таниш кишимиз ҳар йили үзгариб туради, лекин шундай бўлса ҳам биз уни үзимизга таниш ва нотаниш

бўлган бошқа кишилардан ажратиб оламиз, чунки у ўзининг асосий белгиларини сақлаб қолади, бу асосий белгилар таниш кишимизнинг бутун умри бўйи худди илгаригидай айнан намоён бўлиб юради.

Дараҳт, гарчи муттасил ўсиб турса ҳам, дараҳтлик ҳолатидан чиқмайди; айниқса у бошқа бир нарсага (ўт ёки тошга) айланмайди.

Воқеликдаги нарсаларнинг ана шундай нисбий барқарорлиги, муайянлиги бизнинг онгимизда айният конуну шаклида акс этади ва бу қонун маълум нарсалар устида фикр юргизган чоғларда фикрларимизнинг муайянлигини ва доимийлигини ифодалайди. Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар бир-бири билан аралашиб кетмасдан ўзига хос конкрет ва муайян хусусиятларини сақлаб қолгани каби бизнинг нарсалар ва ҳодисалар ҳакидаги фикримиз ҳам бир-бири билан аралашиб кетмасдан, муайян ҳодисалар ва нарсаларни акс эттиромоги лозим. Биз воқеликдаги бирон ҳодиса ҳакида тўғри муҳокама юргизганимизда, фикримизда ўрганилаётган нарсани бошқа нарса билан ўзгартирмаймиз, турли тушунчаларни бир-бири билан аралаштирмаймиз, дудмаликка йўл кўймаймиз. Тафаккурнинг аниқ ва муайян бўлиши тўғри тафаккур конунидир.

Бу қонун қуидагича ифодаланади:

Маълум муҳокама, баҳс, мунозарада ҳар бир тушунча айнан бир маънода ишлатилмоги лозим.

Бу энг бошланғич шарт бўлиб, бу шартни ҳар бир ёзувчи, ҳар бир маърузачи музокараларда, сухбатларда, мунозара, тортишув ва шу кабиларда сўзловчи ҳар бир киши бажармоги лозим.

Агар маънолари жуда ҳар хил бўлган сўзлар гилимизда бир эмас, бир нечта эканлиги назарда тутилар экан, бу зарурий шартга риоя қилишнинг аҳамияти яна яққолроқ тушунилади. Мисол учун мана бу муҳокамани олайлик: “Модамики ҳамма вулқонлар – тоғдан иборат экан, ҳамма гейзерлар эса – вулқондан иборат экан, демак, ҳамма гейзерлар – тоғдан иборат”.

Бу муҳокамани қуидагича шаклга солайлик:

Ҳамма вулқон – тоғдир.

Ҳамма гейзер – вулқондир.

Демак, хамма гейзер – тоғдир.

Бу мұхокамадаги холоса (“хамма гейзер - тоғдир”) нотұғри, чунки гейзерларнинг төр әмаслиги маълум. Нотұғри холоса келиб чиқканлигининг сабаби шуки, мұхокамада айният қонуни бузилган, яъни “түшүнчани ўзгартыриб қўйиш” деб аталувчи хатога йўл қўйилган.

Гап шундаки, “вулқон” сўзи мұхокамада икки хил маънода ишлатилган. Биринчи ҳукмда “вулқон” сўзидан маълум бир жойнинг қатма-қат бўлиб кетганлиги түшүнилади, иккинчи ҳукмда эса “вулқон” сўзидан отилиб чиқиши жараёни түшүнилади. Түшунчалар ўзгартыриб қўйилганлиги, яъни сўзнинг маъноси ўзгартыриб қўйилганлиги орқасида “вулқон” сўзини ишлатиш икки маъноли – дудмал бўлиб чиқкан. Шу сабабли холоса зот жиҳатидан ҳам, шакл жиҳатидан ҳам тўғри бўлиб чиқмаган.

Айният қонуни баъзан била-қўра туриб қасдан бузилади. Бу ишни ҳақикат ҳолни бузиб кўрсатмоқчи бўлган кишилар қиласди. Масалан, қадимги юон соғистлари ўз ҳамсұхбатларини янглиштиrmок учун қасдан нотұғри фикр юргизишга уста әдилар. “Соғизм” сўзи ҳам ана шундан келиб чиқкан бўлиб, маъноси: жўргтага мантикий хато қилиш демакдир. Соғистлар фикр юргизганларидан маъноси турлича бўлган түшунчаларни ишлатишлари гўё бир қоида эди. Мисол учун “шоҳдир” деган соғизмни олиб текширайлик:

Бир нарсангни йўқотмаган бўлсанг, ўзингда бўлади.

Сен шоҳингни йўқотмагансан.

Демак, сенинг шоҳинг бор.

Чизик остига ёзилган холоса бутунлай хато. Айни ҳолда соғистларнинг фирромлиги шунга асосланганки, улар “йўқотмаган” сўзини икки маънода ишлатадилар. Биринчи сатрдаги “йўқотмаган” сўзи биз бор бўлган ва биз йўқотмаган нарсаларга оид бўлиб, иккинчи сатрдаги “йўқотмаган” сўзи эса бизда хеч қачон бўлмаган нарсаларга оиддир. Равшанки, бундан тўғри холоса бўлиши мумкин эмас.

Түшунчаларнинг аник ва муайян бўлиши ҳар бир фан ва ҳар бир мұхокама учун керакдир. Шу сабабли, айният қонунига риоя қилиш албатта зарур нарса.

Лекин айният қонунини бизнинг тушунчаларимиз, фикрларимиз мазмун жиҳатдан ўзгармасдан ҳамма вақт бир зайлда туриши керак деган маънода англаш ярамайди. Маълум бир тушунчада, маълум бир маънода акс эттириладиган нарса ўзгариши билан тушунчаларимиз, фикрларимизнинг мазмуни ҳам ўзгаради. Тушунчалар мазмуни ўзгаришининг сабаби шуки, инсон меҳнат фаолиятида воқеликни тобора кенг ва чукурроқ билиб боради. Бироқ маълум бир тушунча нима муносабат билан фикр қилинишини аниқлаб олгандан кейин шу масала устида фикр юргизишнинг бутун жараёнида ва шу масала устидаги баёнотимиз системасининг бошдан-охиригача мазкур тушунчани бир маънода олиш керак, йўқса, юргизган фикрларимизда ҳеч қандай аниқлик, алоқадорлик, изчиллик бўлмайди. Модомики биз бирон тушунчани маълум бир маънода ишлатган эканмиз, фикр юргизган чоғимизда ҳам биз мазкур тушунчага худди шу маънони бериб боришимиз керак. Тушунчаларни аралаштириб юбориш, уларни турли маъноларда ишлатиш чалкашликка, мужмал, бетайнин хукмларга, хато хулосаларга олиб келади.

Айният қонунига риоя қилинса, фикрларимиз аниқ ва равшан бўлади. Бу қонунинг аҳамияти ҳам ана шунда.

3. Зиддият қонуни

Мантикий айният қонунида моддий дунёдаги нарсаларнинг нисбий барқарорлиги, муайянлиги каби оддий хусусияти акс этган. Лекин одамлар кўп асрлардан буён қилиб келаётган амалий ишлари жараёнида нарсаларнинг бошқача оддий хусусиятларини ҳам миллиард-миллиард марта кузатиб келганлар. Чунончи: ок тусда бўлган бир буюм айни бир вақтда ва айни бир шароитда кора тусда ҳам бўлиши мумкин эмаслигини инсон аллақачонлар пайқаб олган: бир күшнинг айни бир вақтда ҳам учиб юрган, ҳам шохга кўниб ўтирган бўлиши мумкин эмас.

Нарсаларнинг бу оддий хусусияти инсон онгидаги тўғри тафаккурнинг барқарор белгилари шаклида ўрнашиб қолган. Айни бир нарсанинг ўзи айни бир шароитда ва айни бир вақтнинг

ўзида маълум бир хусусиятга бирданига ҳам эга бўлиши, ҳам эга бўлмаслиги мумкин эмас экан, бас тўғри тафаккурда ҳам худди бир маънода олинган масала юзасидан бир-бирига қарама-карши бўлган икки ҳукмни айтиш, яъни зиддиятга йўл кўйиш мумкин эмас.

Тўғри тафаккурниг бу конунини мантиқ илмида зиддият конуни деб аташ расм бўлган.

Унинг ифодаланиши кўйидагича:

Айни бир нарса ҳакида айтилган икки қарама-карши фикр айни бир вактнинг ўзида ва айни бир нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмас.

Масалан: “Бойқол – чукур кўл” деб тасдиқлаб туриб, шу ондаёқ “Бойқол – саёз кўл” деб тасдиқлаш мумкин эмас. Бу конун билим ва амалиётнинг қайси бир соҳасида бўлмасин, тўғри юргизадиган фикрларимизнинг ҳаммасида амал қилади.

Тўғри тафаккур айни бир вактнинг ўзида ва айни бир масала юзасидан бири иккincinnisinи рад қиладиган ва биринчиси иккincinnisiga зид келадиган ковушиксиз қоидаларга асосланадолмайди. Ҳўш айни бир масала юзасидан бошқа-бошқа вактда ва бошқа-бошқа нисбатда икки қарама-карши фикрни айтиш мумкинми? Ҳа, мумкин, бунда мантикий зиддият бўлмайди.

Кўйидаги мисолни олайлик. 15 май куни ярим ой мобайнida буғдой экилган далаларга биринчи марта ёмғир ёғди. Ҳўш, буғдойларнинг ўсиб чиқиши учун бу ёмғирнинг фойдаси борми ёки зарари борми? Шубҳасиз, фойдаси бор. Аммо борди-ю бу ёмғир июль ойида, буғдой пишиб ўрим-йигим бошланган вактда ёғса, у холда бу ёмғир зарарли бўлади. Демак, маълум бир экинзор учун турли вактда ёмғирнинг фойдаси тўғрисида гапирилганда “ҳа” дейиш ҳам мумкин “йўқ” дейиш ҳам мумкин. Гарчи бу икки фикр худди бир буғдой даласи устида борса ҳам, улар ўртасида зидлик йўқдир.

Лекин июльда ёғиб буғдойга зиён килувчи худди шу ёмғирнинг полизда етилаётган помидор, қарам ва бодрингларга фойдаси тегади. Бинобарин, ҳатто айни бир вактда ёмғирнинг турли экинларга фойдаси ҳакида гапирганда “ҳа”деса ҳам бўлади. “йўқ”деса ҳам бўлади. Демак, тасдиқ билан инкор айни

бир вақтда бир нарсага тааллуқли бўлган тақдирда ҳам, зидлик бўлмайди, лекин шу шарт борки. тасдиқлаб айтганда, нарса бир нисбатда олиб қаралса, инкор қилиб айтганда нарса бошқа бир нисбатда олиб қаралади.

Зиддият қонуни ийни бир вақтда, айни бир нисбатда айтилган икки қарама-қарши фикрнинг чин бўлиши мумкин эмас, дейди. Бироқ бундан бу фикрларнинг иккаласи ҳам хато бўлиши мумкин эмас, деган хулоса чиқмайди. Масалан: “гуруҳимиздаги ўкувчиларнинг ҳаммаси - аълочи” ва “гуруҳимизда ҳеч бир ўкувчи – аълочи эмас” деган ҳукмларнинг иккаласи ҳам хато бўлиши мумкин. Бундай ҳолда: “туруҳимиздаги баъзи ўкувчилар аълочилардир” дейилса, чин ҳукм бўлади. Шу тариқа зиддият қонуни икки қарама-қарши ҳукмнинг бир ерга сифишинаслигини кўрсатади, холос. Лекин у бу ҳукмлардан биттасини ёки иккаласини ҳам хато эканлигини айтмайди.

Зиддият қонунини тўғри тушуниб татбиқ қилмоқ учун тўғри тафаккурда ножоиз мантиқий зиддиятларни, бизнинг тафаккуримиздан қатъий назар, воқеликнинг ўзида мавжуд бўлган жонли ҳаёт зиддиятларидан фарқ қилиш керак.

Бу зиддиятларнинг туб фарқи шундан иборатки, жонли ҳаёт зиддияти объектив воқеликнинг ўзида мавжуд бўлиб, нарса ва ҳодисалар тараққиётининг ички манбанини ташкил этади; хотўғри фикр юритишдаги зиддият эса “тап-сўзда” бўладиган ва “ўйлаб чиқарилган” зиддиятдир.

Мухолифнинг муҳокамасидаги зиддият, фикрнинг оддий тузилиши нуқтаи назаридан қараганда, энг қалтис ўринидир. Муҳокамалардаги зиддиятни очиб ташлаш – бу фикрларнинг асоссиз ва пучлигини кўрсатиб беришdir.

4. Учинчиси мустасно қонуни

Бошқа мантиқий қонунлар сингари, учинчиси мустасно қонуни ҳам моддий воқелик томонларидан бирининг онгимиздаги ињикосидир. Хўш, қайси томоннинг? Буни куйидаги мисол билан тушунирамиз: уйимиз ёнида ўсаётган дараҳт ё қарагай, ё қарагай эмас; биз ёзаётган сиёҳ ё кора рангда, ё бошқа рангда,

яни қора бўлмаган рангдадир. Бу оддий фактлар ва бунга ўхшаш кўпгина бошқа фактлар инсоннинг амалий тажрибаси жараёнида миллиард-миллиард марта тақрорланиб учинчиси мустасно қонуни шаклида онгимизда ўрнашиб қолган.

Бу қонунинг ифодаланиши куйидагича:

Бир-бирига зид бўлган икки ҳукмдан бири ҳамма вакт чин бўлиб, иккинчиси хатодир, учинчисининг бўлиши мумкин эмас.

Бу қонун тўғри тафаккурнинг зарурий хусусиятидир. Шу қонунга биноан биз икки хил зид ҳукм ҳакида, улардан бири албатта чин, иккинчиси мутлақо хато бўлади ва бундан, учинчи, ўртacha ҳукмнинг бўлиши мумкин эмас, деб тўла ишонч билан айтиоламиз. Бизнинг бу ишончимиз вокеликдаги фактларга асосланадики, учинчиси мустасно қонуни ана шу фактларнинг инъикосидир.

Учинчиси мустасно қонуни зид ҳукмларга татбиқ килинади. Бири қандайдир бир нарсани тасдиқлаб айтадиган, иккинчиси эса худди шу нарсани инкор қиласидиган якка ҳукмлар зид ҳукмлар бўлиши мумкин. Масалан: “Ока – Волга жилгаси” “Ока – Волга жилгаси эмас”. Бу ҳукмлардан бири чин бўлиб, иккинчиси хатодир ва бунда ҳеч қандай учинчи, ўртacha нарсанинг бўлиши мумкин эмас. Агар бирон киши Ока Волганинг жилгаси эмас, бошқа дарёнинг жилгаси, деб тасдиқлаганда ҳам бундай ҳукм ҳеч қандай учинчи, ўртacha нарса бўлмас эди. чунки бу ҳукм ҳам “Ока – Волганинг жилгаси эмас” деган ҳукмга тўғри келган бўлар эди.

Бири умумий ҳукм, иккинчиси жузъий ҳукм бўлиб, бири маълум нарса ҳакида ниманидир тасдиқлаб айтадиган, иккинчиси эса буни инкор қиласидиган икки ҳукм ҳам зид ҳукмлар қаторига киради. Масалан: “Венгрияning бутун аҳолиси – мадъярлар” ва “Венгрияning баъзи аҳолиси – мадъяр эмас”. Бундай ҳукмларда бири албатта хато, иккинчиси чин бўлади, учинчи ҳолнинг бўлиши мумкин эмас.

Шуни эслатиш керакки, бундай ҳолларда “баъзи” сўзи “ҳеч бўлмаганда баъзи” деган маънода тушунилади; бинобарин, инкор килиб айтиладиган икки ҳукм – умумий ва жузъий ҳукмлар ўртасида зиддият бўлиши мумкин эмас.

Зид ҳукмлар ҳамма вакт қандайдир альтернативадан,

яъни бири иккинчисини инкор қылувчи факат икки имконият борлигидан иборат бўлади. Агар ҳукмлар альтернативави ифодаламаса, зид ҳукмлар бўлмайди, – бундай ҳукмларга учичиси мустасно қонуни татбиқ қилинмайди.

Мана бундай мисолни қараб чиқайлик. Ҳаракат қилаётган жисм ҳакида: “ҳаракат қилаётган жисм вақтнинг айни лаҳзасида шу нуктада” – “ҳаракат қилаётган жисм вақтнинг айни лаҳзасида шу нуктада эмас” деган икки ҳукм айтилиши мумкин. Бу икки ҳукм – альтернативадан иборат эмас ва, бинобарин, улар зид ҳукмлар бўла олмайди, чунки: “ҳаракат қилаётган жисм айни бир вақтнинг ўзида ҳам шу нуктада, ҳам шу нуктада эмас” деган учинчи, бирдан-бир тўғри имконият бор. Бошқача килиб айтганда, ҳаракат қилаётган жисмнинг айни бир вактнинг ўзида бир нуктада бўлиш ва бўлмаслик ҳусусияти бор.

Агар бирон киши ҳаракат қилаётган жисмда бундай ҳусусият йўқ деб даъво қилиб чиқсанда, у вақтда икки альтернатив, яъни зид ҳукм пайдо бўлар эди. Бу ҳукмлардан бири чин, иккинчisi хато бўлар эди ва бунда ҳеч қандай ўртacha нарсанинг бўлиши мумкин бўлмас эди.

Учинчиси мустасно қонуни бизнинг юритадиган фикрларимизга муҳим талаб кўйиб: бирон қоидани тасдиқлаб ва инкор қилиб айтиш орасида ўртacha нарса бўлмаган чоғларда ҳар сафар ноаниқликни бартараф килиш ва бу даъволардан кай бири чин, қай бири хато эканлигини аниқланаш лозим, дейди. Шу вақтда, агар бир ҳукмнинг чинлиги аниқланса, у ҳолда унга зид бўлган иккинчи ҳукмнинг хатолиги қонуний равишда ўз-ўзидан маълум бўлади; ёки бунинг аксича: агар бир ҳукмнинг хатолиги аниқланса, у ҳолда унга зид бўлган иккинчи ҳукмнинг чинлиги қонуний равишда ўз-ўзидан маълум бўлади.

Қандай ҳукмнинг чинлиги ва қандай ҳукмнинг хатолиги масаласини ҳал қилмоқ учун учинчиси мустасно қонунини билишнинг ўзи мутлақо етарли эмас. албатта. Бу масалани устида ҳукм юритилган нарсалар ёки ходисаларни ўрганиш асосидагина ҳал қилиш мумкин. Лекин бордию бизда икки зид ҳукм бўлиб, уларнинг чин ва хатолигини билмаган вақтимизда ҳам биз ҳар ҳолда улардан бири албатта чин, иккинчisi хато бўлишини дадил айта оламиз.

Учинчиси мустасно қонуни принципсизликка, келишувчилик ва муросасозликка, худди бир масала юзасидан айтиладиган ва бир-бири билан сигишмайдиган нұктай назарларни аралаштириб юборишга қарши қаратылған. Тұғри мантиқий тафаккур принципли бүлмоғи лозим.

5. Етарли асос қонуни

Моддий дунёдаги ҳар қандай ҳодисанинг ўз сабаби, ўз реаль асоси бор. Сабабдан вужудға келған нарса амал деб аталади. Сабабсиз амал бүлмайды, ҳар қандай сабабнинг амали бүлади. Теварак-атрофдаги ҳавонинг температураси пасайиши туфайли дарё музлайды; мұхитдаги ҳаводан енгил бүлгани сабабли тутун юкорига күтарилади ва ҳ.к. Оламда сабабсиз ҳодиса йўқ. Агар илгари ўтган бошқа ҳодисаларнинг тараққиети бирон ҳодисани тайёрлаб бермаган бўлса, бундай ҳодисанинг табиат ва жамиятда юзага келиши мумкин эмас.

Нарсалар, ҳодисаларнинг объектив суратда мавжуд бүладиган бу ўзаро алоқадорлиги инсон тафаккурида етарли асос қонуни шаклида акс этган.

Етарли асос қонунининг ифодаланиши қуйидагича:

Ҳар қандай чин фикр асосланған бўлиши лозим.

Бу қонун тұғри тафаккур учун зарур шарттар. Модомики табиатда ҳамма нарсанынг реаль асоси бор экан, бу вактда вокеликни акс эттирувчи бизнинг фикримиз ҳам асосланған бўлиши лозим.

Етарли асос қонуни ҳеч бир асос бўлмаган пуч гапларга ишонувчи мантиқсиз тафаккурга, ҳар хил бидъат ва хурофатларга қарши қаратылған. Шу қонунга биноан бизнинг фикрларимиз ишончли ва исботланған фикрлар бўлиши учун етарли асосга суюниши лозим.

Агар математик квадратнинг диагоналлари бир-бирига тең деб даъво қиласа, у мұхокама йўли билан ўз даъвесининг چинлигини исботлаб беради. Агар унинг кўрсатған далиллари бизга ишонарли бўлса, у вактда биз исбот қилинувчи фикрга кўшилишга мажбурмиз.

Хукмларнинг асоссизлиги тафаккурнинг мантиқсизлигини кўрсатади. Тўғри тузилган ёзма маъруза, нутқ, мақола, ёзма иш ва шу кабиларда айтилган фикрларнинг исботи учун ҳамма вакт амалда синалган бошқа ҳақиқат ҳоллардан, конун-қоидалардан фактлар, далиллар келтиради ва шулар билан асослаб берилади.

Масалан: “бу уйда тўрт дераза бор”; “шипда люстра осиғлик турибди”; “стол устида китоб турибди” ва шу каби хукмлар далил исботга унчалик муҳтож эмас. Бу хил ҳукмларнинг чинлигини далиллар билан исботлашга эҳтиёж қолмайди.

Масалан: “бутун ўз бўлагидан каттароқ”, “ҳар бири айрим равишда учинчи миқдорга тенг бўлган икки миқдор бир-бирига тенгдир” ва шу каби хукмлар исботга муҳтож эмасдир. Бундай хукмлар аксиомалар деб аталади. Аксиомалар – далил исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатлардир, чунки инсон амалий тажрибада миллион-миллион марта синаб кўрган.

Биз аксиомаларга эмас, балки чинлигини оддий идрок қилиш билан исботлаш мумкин бўлмайдиган хукмларга дуч келганимизда бундай хукмларни асослаб беришга, яъни бошқа хукмлар воситаси билан аниқлашга тўғри келади.

Бирон фикрнинг энг тўғри ва энг ишончли исботи, албатта, вокеликдаги фактларга бевосита асосланган исботдир.

Бироқ фактларга бевосита мурожаат қилиш ҳамма вакт мумкин бўлавермайди. Чунончи, органик ҳаётнинг бундан бир ярим-икки миллиард йил илгари пайдо бўлганлиги тўғрисидаги фикрнинг чинлигини тасдиқламоқ учун ҳаётнинг юзага келишидаги энг биринчи фактни кўрсатиш мумкин эмас.

Бундан ташқари фикрнинг чинлигини тасдиқламоқ учун ҳар сафар бевосита фактни кўрсата беришга ҳеч қандай зарурият ҳам йўқ. Инсоннинг табиат конунларини билишдан мақсади тажрибада учраган ҳар бир айрим воқеага кўр-кўронга осилиб олишдан иборат эмасдир. Инсон айрим нарсаларни янада кўпроқ билиш ва бу якка-якка нарсалар ҳақидаги фикрларни мантиқий жиҳатдан асослаш учун умумийлашган ифодани ишлатади.

Бунга шундай бир мисол кўрсатамиз: миснинг электр кувватини ўтказиш қобилияти борлигини икки йўл билан исботлаш мумкин: тажриба йўли билан (токни мис симдан юбориш йўли билан) ёки соф мантиқий муҳокама йўли билан

(мис металлдир; ҳамма металлар электрни яхши ўтказади; демак. мис электрни яхши ўтказувчидир).

Бошқа ҳукмларнинг тўғрилигини асослаш учун келтирилувчи ҳукмлар мантикий асос деб аталади. Мантикий асосни реал асос билан аралашгирмаслик керак. Масалан, биз уй иссик деб даъво килганда далил учун термометрни кўрсатишимиш мумкин. Бундай далил даъвомизнинг мантикий асоси бўлади. Лекин уйнинг иссик бўлишининг сабаби, албатта. термометрнинг 20 даражани кўрсатганлиги эмас. Бошқа бир мисол: ўкувчи жонивор ёки ўсимлик организми эришган хусусиятлар наслдан-наслга ўтиб бориши мумкин деб тўғри фикрни айтди. У ўз фикрининг тўғрилигини асослаш учун И.В. Мичурин таълимогидан далиллар келтирди. И.В. Мичурин таълимотидан келтирилган далиллар мантикий асос бўлади. Наслдан-наслга ўтиш фактининг реаль асоси эса табиатнинг, жониворларнинг ва ўсимликларнинг ўз ичидадир.

Мантикий асос воқеликдаги фактларнинг ифодаси бўлган тақдирдагина асос бўла олади. Бошқача килиб айтганда ҳар қандай мантикий асос ҳамиша реаль асос билан боғликдир. Бизнинг мисолимизда Мичурин таълимоти мукаммал суратда мантикий асос бўла олади. чунки бу таълимот воқеликдаги фактларга асосланган.

Етарли асос конунининг тафакур учун зўр ахамияти бор. Айтган фикрларимизнинг тўғрилигига бирон кишини ишонтириш лозим бўлган чоғларда ҳар сафар бу фикрларнинг тўғрилигини исбот килиш керак бўлади. Бирон фикрнинг тўғрилигини исбот килиш – уни асослаб бериш демакдир, яъни бу фикрнинг етарли асоси килиб амалий тажрибада чин ҳакикат сифатида исботланган бошқа бир фикрни келтириш демакдир.

Етарли асос конунини бузган киши ўз муҳокамаларида хеч қачон тўғри хulosага келаолмайди. Француз ўнг социалисти Леон Блюминг куйидаги муҳокамаси бунга мисол бўлаолади. “Франция ишчилар синфи ўз иш ҳакини оширишни талаб қиласлиги керак. чунки иш ҳаки оширилганда, ҳамма вакт шунга қараб товарларнинг нархи ҳам ошиб кетади, лекин товарлар нархини оширилиши ишчилар синфинингни эмас. балки умуман франция меҳнаткашларининг ҳам манфаатига зиддир”.

6. Мантиқий қонунларнинг аҳамияти

Тафаккуримиз муайян, зидсиз, изчил ва асосли бўлиши учун биз юқорида кўриб чиққан тўрт қонун (айният қонуни. зиддият қонуни, учинчиси мустасно қонуни, етарли асос қонуни) мутлақо зарур талабларни ифодалайди.

Тўгри тафаккур қонунлари айтилган фикрларнинг қайсилари айни ҳолда чин ва қайсилари хато эканлигини бизга кўрсатиб бераолмайди. Чин ҳақиқат ҳамиша конкретdir, яъни чинлик масаласи ҳамиша муайян, конкрет шароитда, масаланинг моҳиятини билиш асосида ҳал қилинади. Лекин мантиқий қонунларга риоя қилмасдан туриб, чин билимга эришиш мумкин эмас. Мантиқий қонунлар тўгри тафаккурнинг ажралмас хусусиятларидир. Тўгри фикр қилган чоғларимизда биз ҳамма вақт, ҳатто ўзимиз пайқамасдан, бу қонунлардан фойдаланамиз. Бироқ мантиқий қонунлардан онгсиз равишда фойдаланиш, бу қонунлардан онгли равишда фойдаланишга караганда тафаккур маданиятининг пастроқ босқичига хосдир.

Дунёда энг маданий киши ҳамиша тўгри фикр қилиш ва бизнинг ҳалқимизга душман бўлганларнинг асоссиз даъволари, ёлғон гаплари ва тухматларини фош қилиш учун мантиқий қонунлардан онгли суратда фойдалана билиши лозим.

VII БОБ

ДЕДУКТИВ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИШ

1. Хулоса чиқариш ҳақида түшүнчә

Теварак – атрофимиздаги вокелик ҳақидағи билимни биз шукм ва түшүнчалар шаклида, шунингдек хулоса чиқариш шаклида ҳосил қиласыз. Хулоса чиқариш үз мөхияти жиҳатидан хукм ва гүшүнчалардан ھеч фарқ килмайды: у ҳам моддий вокеликнинг бизнинг онгимиздаги инъикосидир. Худди шунинг учун ҳам хулоса чиқариш вокеликни билиш воситаси бўлиб хизмат килаолади. Лекин хулоса чиқариш үз тузилиши жиҳатидан хукм ва түшүнчалардан фарқ қиласы.

Күйидаги мисолни олиб карайлик.

Компос яқинида турган темирнинг магнит стрелкасини буриши аллакачонлардан бери маълум: шунингдек компас Курск шахар доирасида бўлганда компаснинг магнит стрелкаси меридиандан анча четга бурилиши ҳам маълум. Мутаҳасислар шуларнинг ҳаммасини олиб, Курск шахри доирасида темир руда конлари бор, деган тўғри хулоса чиқардилар. Кўрилган амалий тадбирлар бу хуросанинг тўғри эканлигини тасдиқлади.

Шундай килиб, одамлар темирнинг магнит стрелкасига қандай таъсир килиши ва Курск шахри яқинида магнит стрелкасининг четга бурилиши ҳақида билим олиб, тўғри хулоса чиқарганлар, яъни билим олганлар.

Худди ана шунинг үзи хулоса чиқаришдир.

Бошқа бир мисол: менинг кўлимда қандайdir мужассам нарсанинг бир бўлғи бўлиб, унинг зоти нималиги ҳозирча менга маълум эмас; мен бу мужассам нарсани текшириб чикаманда, унинг бир канча белгиларига караб, сланецнинг маълум бир хили эканлигига ишонаман. Мен бундан илгари сланецнинг ёниш хусусияти бор эканлиги ҳақида билим олган эдим. Шунга асосланиб мен: кўлимдаги мужассам нарсанинг ёниш хусусияти бор деб хулоса чикараман. Худди ана шунинг үзи хулоса бўлади.

Кундалик амалий фаолиятимизда биз янги билим олиш учун доимо хулоса чиқаришдан фойдаланамиз. Агар асос қилиб

олинган билимимиз түгри бўлса, ва агар биз хулосани мантикий қонунлар талабига мувофиқ түгри тузган бўлсак, чиқарадиган хулосамиз ҳамма вақт түгри бўлади.

Бизнинг билимларимиз тушунчалар, ҳукмлар (тушунчалар эса ҳукмлар таркибига киради) шаклида мавжуд бўлганлигидан хулоса чиқариши қўйнагича таърифлаш мумкин:

Хулоса чиқариш – шундай бир мантикий амалдирки, бу амал воситаси билан биз икки ёки бир нечта ҳукмдан янги ҳукм ҳосил қиласиз.

Ҳукмлардан хулоса чиқариш учун бу ҳукмларни муайян суратда бир-бирига бойлаш зарур. Ҳукмларнинг тасодифий сирасидан хулоса чиқариб бўлмайди. Масалан: “ҳамма тюленылар ҳайвондир”, “ҳамма капиталистлар эксплуататордир” деган ҳукмлардан түгри хулоса чиқариш мумкин эмас. Бу ҳукмлар ўртасида мантикий боғланиш йўклиги ҳар бир кипига, ҳатто мантиқ илми билан таниш бўлмаган кишига ҳам кўриниб турибди. Лекин тафаккурда анчагина мураккаб ҳолларда учрайди. Хулоса чиқариш қоидаларини билиш бундай ҳолларда саркалавани йўқотмасликка ёрдам беради.

Хулосалар дедуктив, яъни умумийдан жузъий чиқариладиган хулосалар ва индуктив, яъни жузъийдан умумийга чиқариладиган хулосалар бўлади. Жузъийдан жузъийга чиқариладиган хулосалар ҳам бўлиши мумкин.

2. Силлогизмнинг таърифи

Дедуктив хулоса чиқариш силлогизм шаклига киради.

Силлогизм – шундай хулоса чиқаришки, бунда икки ҳукмдан учинчи ҳукм чиқарилади ва бу ҳукмлардан бири албатта умумий бўлади.

Масалан: Ҳар кандай металл элементdir.

Висмут – металл.

Демак, висмут – элемент.

Силлогизмдан биз, асосан, якка ёки жузъий фактни умумий қоидага, қонунга солиб, шу йўл билан бизнинг эътиборимизни жалб қилган фактучун зарур натижачиқармоқчи бўлган ҳолларда фойдаланамиз. Масалан, далада бўлганимизда биз булутларнинг

авзоига караб. ёмғир бўлиш-бўлмаслигини билмоқчи бўламиз. Булутларга караб туриб, “биз бу булутлар – барра булут” деб хукм чикарамиз. Биз бундай булугларнинг умумий хусусиятини, яъни “барра булутлар ёмғир кўймаслигини” биламиз. Бу ҳолни умумий қоидага солиб, тегишли холоса чикарайлик:

Барра булут ёмғир кўймайди.

Бу булут – барра булут.

Демак, бу булут ёмғир кўймайди.

Бизнинг холосамиз бирон бошқа сўз шаклига кириши ҳам жуда мумкин. Биз ўз ҳукмларимизни бошқа бир тартибда айтишимиз ҳам ёки улардан биронтасини ҳатто айтмасдан, гапнинг мазмунидан билишимиз ҳам мумкин. Лекин буларнинг ҳаммаси ўша силлогизмнинг турли хилдаги сўз шакларидан иборат бўлади. холос.

Агар силлогизм (юқорида курсатилган мисоллар сингари) катъий ҳукмлардан иборат бўлса, катъий силлогизм деб аталади.

3. Силлогизмнинг таркиби

Силлогизм таркибига икки асос ва холоса киради.

Асослар ва холоса таркибига кирадиган тушунчалар терминлар деб аталади. Ҳаммаси булиб уч термин бор: кичикрок термин (*S*), каттарок термин (*P*) ва ўрта термин (*M*).

Кичикрок термин холосанинг эгасидир.

Каттарок термин холосанинг кесимиdir.

“Кичикрок” ва “каттарок” деган номларнинг келиб чикишига сабаб шуки, эганинг ҳажмига қараганда кесимнинг ҳажми одатда каттарок бўлади.

Ўрта термин хеч қачон холоса таркибига кирмайди. У асослардаги тушунчани ва шу билан асосларни бир-бирига боғлайди. Ўрта термин асослар ўртасидаги боғловчи (уртада турувчи) воситадир.

Каттарок терминни ўз ичига олган асос, каттароқ асос деб аталади; кичикроқ терминни ўз ичига олган асос, кичикрок асос деб аталади. Масалан:

Каттароқ асос: ҳамма сайёralар шарсимондир *M – P*

Кичикроқ асос: Ер – сайёра *S – M*

Хулоса: Ер – шарсимон

S – P

Бу силлогизмда “Ер” – кичикроқ термин (S), “шарсимон” – каттароқ термин (P), “сайёра” – ўрта термин (M).

Силлогизмдаги терминлар грамматик сон белгисига қараб ажратилмайды. Масалан, “сайёра” (бирлик) ва “сайёralар” (кўплик) бўлса ҳам, улар, барибир, ўрта термин ҳисобланади.

Терминлар фақат бир сўз билан эмас, балки бир тўда сўзлар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан:

Ҳамма қаҳрамонлар шахсий манфаатини умумий манфаатга бўйсиндиришга қобилдир.

Ҳеч бир худбин шахсий манфаатни умумий манфаатга бўйсиндиришга қобил эмас.

Демак, ҳеч бир худбин – қаҳрамон эмас.

Бу силлогизмда кичикроқ термин – “худбинлар” (“худбин”), каттароқ термин – “қаҳрамонлар” (“қаҳрамон”) ва ўрта термин – “шахсий манфаатни умумий манфаатга бўйсиндиришга қобилдирлар” (“қобилдир”). Шундай қилиб, айни холда ўрта термин турли сўздан иборат.

Силлогизмни каттароқ терминдан бошлаш одатда расм бўлган. Лекин силлогизмни ўрганишда қулай бўлган бу тартиб силлогизм тузилишининг бирдан-бир усули эмасдир. Фикрлаган чоғда биз кўпинча кичикроқ терминдан каттароқ термининг ўтамиз. Бундай йўл табиийдир, чунки умумий қоида, қонун тўғрисида ўйлашдан илгари шу қоида ёки қонун ҳакида фикр туғдирадиган фактни билиш керак. Биз аввал фактни кўриб, сўнгра бу фактни умумий қоидага соламиз.


Бундан кейинги баёнотда силлогизмнинг барча мисоллари каттароқ асосдан бошланади, чунки асосларнинг бундай тартиби силлогизмни ўрганишда қулайроқдир.

4. Силлогизм аксиомаси

Силлогизм шаклида қилинган хулоса, гарчи қисқа шаклда бўлса-да, тафаккурнинг бизга одат бўлган табиий шаклидир. Силлогизмнинг бундай табиий бўлишининг сабаби шуки, у нарсаларнинг оддий муносабатини акс эттиради. Масалан, агар қалам қаламдонда бўлса-ю, қаламдон сумкада бўлса, демак

қалам ҳам сумкада бўлади. Лекин қалам қаламданда бўлса-ю, аммо қаламдан сумкада бўлмаса, демак, равшанки, қалам ҳам сумкада бўлмайди.

Бу мисолда қаламдан қалам билан сумка ўргасида восигачи ҳалқа ролини ўйнайди: қаламдан қалам билан сумкани ё бирлаштиради, ё айиради. Силлогизмдаги ўрта термин худди шу рольни бажради: у асослардаги кичикрок термин билан каттароқ терминни ё бирлаштиради, ё айиради (14-15 расмларга к.). Силлогизмнинг бутуни эса нарсалар ўртасидаги оддий муносабатларнинг инъикосидир; агар S M га (кичикрок асос), M эса P га (каттароқ асос) кирса, у ҳолда равшанки. S P га киради (хулоса). Агар кўшни гуруҳдаги ҳамма камолот аъзолари аълочи бўлса, кўшни гуруҳнинг синфбошиси камолот аъзоси бўлса, демак, синфбошиси ҳам аълочидир.



14-15-расм

Объектив оламдаги нарсалар ўртасидаги бу муносабат жуда очик ва равшан бўлганидан, далил-исбот талаб қилмайди. Далил-исбот талаб қилмайдиган ҳакикат аксиома деб аталади.

Аксиомалар амалий тажрибадан пайдо бўлади ва амалий тажрибада тасдиқланади, бинобарин, улар бизга ишонарли бўлади. “Агарда этикдўз бир жуфт этикни бир колипга солиб тикканда, ўлчови бир бўлиб чикишини тажрибадан кўриб маҳкам ишонч ҳоссил қилмаганида, ўз хунаридан воз кечган бўлар эди” (И.М. Сеченов).

Силлогик муҳокама силлогизм аксиомасига асосланади ва бу аксиома қўйидагича ифодаланади: “Нарсаларнинг бутун туркуми тўғрисида нимаики тасдиқлаб (ёки инкор қилиб) айтилса, шу туркумнинг айрим бир бўлаги тўғрисида ҳам

тасдиқлаб (ёки инкор қилиб) айтилади". Агар қўшни гуруҳдаги барча камолот аъзоларининг аълочи эканлиги рост бўлса (туркумнинг бутуни тўғрисида тасдиқлаб айтилган), у вактда қўшни гурухнинг синфбошиси бўлган камолот аъзосининг ҳам аълочи бўлгани ростдир (туркумнинг айрим бир бўлаги, яъни унинг бир намояндаси тўғрисида тасдиқлаб айтилган).

Ҳукмнинг эгаси билан кесими ўртасидаги муносабатни фақат уларни ҳажми жиҳатидангина олиб қарамай, балки уларни мазмун жиҳатдан олиб қарашиб мумкин. Мисол келтирайлик:

Мушуксимонлар оиласига кирувчилар (M) човут тирноқлидир (P).

Силовсин (S) мушуксимонлар оиласига киради (M).

Силовсин (S) човут тирноқлидир (P).

Бу мисолда асосдаги каттароқ термин ўрта термин белгиси бўлиб, ўрта термин эса кичикроқ термин белгисидир. Бунда силлогизм аксиомаси бошқача ифодаги киради, яъни: "белгининг белгиси нарсанинг ўз белгисидир". Агар P M белгиси, M эса S белгиси бўлса, демак, P S белгисидир.

5. Силлогизм қоидалари

Икки шартга риоя қилган тақдирдагина, яъни: 1) агар олган асосларимиз чин асослар бўлса ва 2) агар биз тафаккур қонунларини тўғри татбик қилсак, силлогизм хulosаси чин хулоса бўлади.

Шу шартларга жавоб берадиган силлогизм ҳақиқат ҳолни тўғри акс эттиради, бинобарин, бундай силлогизмда чин хулоса бўлиши қонун ва шартга мувофиқдир. Агарда бирон силлогизмда юқорида кўрсатилган шартлардан лоақал биронтаси бузилар экан, ундан силлогизм ҳақиқат ҳолни акс эттирмайди, бинобарин, бундай силлогизмда чин хулоса қонуний бўлаолмайди.

Тасодифан эмас, балки тўла қонуний равишда чин хулоса чиқармоқ учун чин асосларга суюнмоқ ва тафаккур қонунларининг ифодаси бўлган силлогизм қоидаларига амал қилмоқ керак.

Содда қатъий силлогизмнинг беш қоидаси бор.

1. Силлогизмдаги ұқм ва терминлар учдан ошиқ ҳам, кам ҳам бўлмаслиги лозим.

Бу коидани қараб чикқаңда энг аввал силлогизмнинг тузулишидаги алоҳида хусусиятни қайд қилиб ўтамиш, у ҳам бўлса шуки, юкорида айтилган таърифга мувофик силлогизм уч хукмдан иборат, демакки унда олти термин бўлиши керак, лекин хulosанинг икки термини асослардан олиниб. ўрта термини эса икки марта такрорланганидан, уч ҳукмда факат уч турли термин бўлади – бундан ошиқ ҳам, кам ҳам бўлмайди.

Дарҳақиат, агар силлогизмда факат икки термин – S ва P бор деб фараз қилинса, у вактда бу факат бир ҳукм бўлиб, ундан хулоса чиқариб бўлмас эди. Агар силлогизмда уч термин эмас, балки тўрт термин бор деб фараз қилинганда ҳам, хулоса чиқариш мумкин бўлмас эди. Масалан:

Қалдирғоч (S) – келиб-кетар күш (P).

Наҳанг (S) – йирткич (P).

Бу икки термин ўртасида ҳеч қандай мантиқий боғланиш йўқ, бинобарин, улардан хулоса чиқариб бўлмайди.

Баъзан тўртинчи термин омонимдан ёки маъноси яқинроқ сўздан иборат бўлади. Масалан:

Ўт (S) инсон ҳаёти учун жуда зарур (P).

Чорванинг емиши (S) – ўт (P).

Бу икки ҳукмдан хулоса чиқариб бўлмайди, чунки уларда уч эмас, тўрт термин бор. Шакли бир-бирига ўхшаш икки сўз (“ўт”)нинг икки турли маъноси борлигидан (биринчиси ўт – олов бўлиб, иккинчиси – ўсимлик), икки хил тушунчани ифодалайди. Бу икки хил тушунча аралаштириб юборилса, айният қонуни бузилади.

Силлогизмнинг биринчи коидасини бу хилда бузиш – мантикий хато бўлиб, бу хато “терминларни тўртлов” деб аталади. Масалан, “элемент” сўзи электротехникада маълум бир асбобнинг номи бўлиб, у кимёвий энергиядан электр энергия олиш учун ишлатилади: “элемент” сўзи кимёвий жиҳатдан бўлинмас мoddани англатиш учун ишлатилади. Бошқа-бошқа маънони билдирувчи бу икки сўзни бир маънога солиб, ўрта термин сифатида ишлатиш хулосада албатта хатога олиб боради.

2. Ўрта термин лоакал асослардан бирида бўлинган бўлиши керак.

Ўрта терминнинг вазифаси – S билан P, яъни кичикрок термин билан каттароқ термин ўртасида қандай муносабат борлигини аниклашга имкон беришдир. Лекин агар ўрта термин асослардан ҳеч бирида бўлинмаган бўлса, ўз вазифасини бажараолмайди.

Куйидаги мисолни олайлик:


Иссиқхона ўсимликлари (P) иссиқни яхши кўради (M).

Бу ўсимликлар (S) иссиқликни яхши кўради (M).


Иккала асосда ҳам ўрта термин бўлинмаган. Хўш, улардан “бу ўсимликлар – иссиқхона ўсимликлари” деб хulosса чиқариш мумкинми? Йўқ, бундай хulosса заруран келиб чиқмайди, чунки бу “ўсимликлар” иссиқхона ўсимликлари бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин; ёки улардан баъзилари иссиқхона ўсимлиги бўлиши, баъзилари бўлмаслиги мумкин. Агар ўрта термин асослардан ҳеч бирида бўлинмаган бўлса, улардан ишончли хulosса чиқариб бўлмайди.

16, 17, 18 – расмларда ўрта терминлари бўлинмаган асослардан уч хил хulosса чиқариш мумкинлиги кўрсатилган: S M таркибига кириши билан 1) P таркибиغا ҳам киради (“барча S – P дир”), ёки 2) P таркибига кирмайди (“ҳеч бир S – P эмас”), ёки ниҳоят, P таркибига қисман киради, қисман кирмайди (“баъзи S – P дир”). Бинобарин, ўрта терминлари бўлинмаган асослардан ишончли хulosса чиқариб бўлмайди. Силлогизмнинг иккинчи коидаси бузилса, етарли асос қонуни ҳам бузилади.


3. Терминларнинг ҳажми асосларда нечоғлик бўлса, хulosада ҳам шу ҷоғлиқ бўлиши керак.



16-расм



17-расм



18-расм

Асослардаги терминлар кандай нарсаларни ифодалаган бұлса, холосадаги терминлар ҳам худи шу нарсаларни ифодалайди. Шу сабабли холосадаги терминларнинг ҳажми асослардаги терминларнинг ҳажмидан кіттароқ бүлнеш мүмкін эмас. Агар асосда термин ҳажмининг бир кисми олинса, биз факат ана шу кисм тұғрисидагина холоса килишимиз мүмкін.

Масалан: Барча галогенлар (M) элементтердір (P).

Аргон (S) галоген эмас (M).

Агар биз бу асосларда: “аргон – элемент эмас” деб холоса чиқарсак, бундай хато “кіттароқ терминні ўртасынан көнгайтирув” деб аталади. Асосда кіттароқ термин бүлнімнен (галогенлардан ташқары башқа элементтер ҳам бор). Холосада (инкор хукмда), гарчы бунга ҳеч қандай асос бүлмасада, кіттароқ термин бүлніган, унинг ҳажми көнгайған бўлиб колади. Биз, ҳакикатда элемент бўлган аргон тұғрисида етарли асос конунини бузиш йўли билан нотўғри холоса ҳосил қиласиз.

Бошқа бир мисол: Барча газлар (M) кизицдан көнгаяди (P).

Баъзи физик жисмлар (S) газлар (M).

Агар биз бу асослардан: “барча физик жисмлар қизицдан

кенгаяди” деб хulosы чиқарғанимизда, хато қилған бўлар эдикки, бу хато “кичикроқ терминни ўринсиз кенгайтирув” деб аталади. Биз кўрсатган асослардан факт: баъзи физик жисмлар қизишдан кенгаяди, деган хulosы чиқади, холос. Бу асослардан барча физик жисмлар тўғрисида хulosы чиқариш етарли асос қонунини бузиш демакдир, чунки мазкур асослардан бундай хulosы келиб чиқмайди. Ҳақиқатда ҳам сув сингари физик жисм маълум шароитда қизишдан тораяди.

4. Инкор қилиб айтилган икки асосдан хulosы чиқариб бўлмайди; агар асослардан бири инкор қилиб айтилган бўлса, у вактда хulosы инкор қилиб айтилган бўлади.

Масалан: Ҳеч бир электрон (M) осойишта турмайди (P).

Протон (S) электрон эмас (M).


Бу асослардан: “протон осойишта туради” деган хulosы чиқадими? Йўқ, чиқмайди. Бу асослардан умуман хulosы чиқариш мумкин эмас. Агар иккала асос ҳам инкор қилиб айтилган бўлса, у вактда ўрта терминнинг силлогизмадаги бошқа икки термин билан ҳар кандай алоқаси ҳам инкор қилинади. Лекин агар M на S билан, на P билан боғланмаган бўлса, у вактда S билан P ўртасида қандай муносабат борлигини аниқлаб бўлмайди.

19, 20, 21, 22 –расмларда инкор асослардаги терминларнинг ҳолати кўрсатилган. M термини на S билан, на P билан боғланган, шунинг учун биз S билан P ўртасидаги муносабат ҳақида ҳеч бири муайян нарса айтаолмаймиз.




Лекин агар силлогизмнинг икки асосидан бири инкор қилиб айтилган бўлса, у вактда улардан хulosы чиқариш мумкин ва лекин бу хulosы ҳамма вакт инкор хulosы бўлади.

Мисол: Ҳеч бир фан (M) системасиз тузилмайди (P).

Мантиқ (S) – фан (M).



19-расм



Бу асослардан қонуний равищда чиқадиган бирдан-бир мүмкін бўлган хулоса: “мантиқ системасиз тузилмайди” деган хулосадир.

Асослардан бири инкор асос бўлганда, нега хулоса ҳамма вақт инкор хулоса бўлади? Биз келтирган мисолда каттароқ асос М термини билан Р термини ўргасида алоқа йўклигини кўрсатади. Лекин S M таркибига киради, бинобарин, силлогизм аксиомасига мувофиқ S билан Р ўргасидаги алоқа инкор килинади. Бордию, кичикроқ асос эмас, балки каттароқ асос инкор қилиб айтилганда эди. у вактда S билан M ўргасидаги алоқа ҳам инкор килинилар эди.

Шундай қилиб, асослардан бири инкор асос бўлганда,


хулоса ҳам инкор хулоса бўлади. Тасдиқлаб айтилган асослардан инкор хулоса чиқиши мумкин эмас.

5. Икки жузъий асосдан хулоса чикариб бўлмайди; асослардан бири жузъий бўлса, хулоса ҳам жузъий хулоса бўлади.


Бу қоида предикати бўлинмаган жузъий асосларга оидdir.
Мисол: Баъзи ўқувчилар (M) – шахматчи (P).

Корхонадаги баъзи футболчилар (S) – ўқувчи (M).

Бу асослардан: “корхонадаги баъзи футболчилар - шахматчи” деган хулоса чиқадими? 23 ва 24 – расмлар бундай хулосанинг чиқиши шарт эмаслигини кўрсатади. Иккала асосда ҳам ўрта термин бўлинмаганлиги сабабли, бу сабаблардан бирдан-бир мумкин бўлган хулосани ҳосил қилиб бўлмайди (2-қоидага к.).



23-расм



24-расм

Агар асослардан бири жузъий асос бўлса, хулосада умумий ҳукм ҳосил қилиб бўлмайди. Бу қуйидаги мисолдан кўринниб турибди:

Баъзи қўзиқорин (M) емишлик (P).

Барча қўзиқорин (M) – ўсимлик (P).

Асосдаги қичикроқ термин бўлинмаганлигидан, хулосада

хам у бўлинмаган бўлиши керак (З-коидага к.). Бинобарин, буидан факат “баъзи ўсимлик - емишлик” деган холоса чиқади, холос.

З-коидага мувофик, каттарок асос эмас, балки кичикрок асос жузъий бўлган тақдирда хам, холоса жузъий бўлади.

Масалан: Барча серблар (M) – славянлар (P).

Венгриянинг баъзи аҳолиси (S) – серблар (M).

Венгриянинг баъзи аҳолиси (S) – славянлар (P).

Шундай қилиб, асослардан бири жузъий бўлса, холоса хам жузъий бўлади. Бирок иккала асос хам умумий бўлганда, жузъий холоса чикиши мумкин.

Масалан: Вольфрам (M) юкори температурада эрийди (P).


Вольфрам (M) – металл (S).

Баъзи металлар (S) юкори температурада эрийди (P).

Бу асослардан умумий холоса чиқариш мумкин эмас, чунки бундай қилганда, етарли асос конунини ифодаловчи З-коида бузилган (“кичикрок терминни ўринсиз кенгайтириш”) бўлар эди.

6. Силлогизм шакллари хақида тушунча

Ўрта термин силлогизмда турли мавкеда бўлиши мумкин: у иккала асосда эга ёки кесим бўлиши ёки бир асосда эга ва иккинчи асосда кесим бўлиши ҳам мумкин. Асосларда ўрта терминнинг тутган мавқеига қараб, силлогизмда тўрт хил шакл борлигини кўрсатадилар:



1-шакл

2-шакл

3-шакл

4-шакл

Ҳар бир чизма икки асосни ва асослар ўртасидаги алоқани кўрсатади. Горизонталь чизиклар асослардаги терминларнинг

алоқасини билдиради, ётиқ ва тик чизиклар асослар ўртасидаги алоқаны билдиради. Расмда хуласалар күрсатилмаган, чунки хуласаларнинг чизмаси ҳамма шакллар учун бир хилдир: S – P.

Терминларнинг симметрик ҳолда бўлиши шаклларнинг тафовутини осонлик билан эслашга ёрдам беради. Бу тафовутлар куйидагилардан иборат:

1-шакл. Ўрта термин каттарок асоснинг эгаси ва кичикрок асоснинг кесимиdir.

Масалан: Ҳар кандай.

2-шакл. Ўрта термин иккала асосда ҳам – каттароғида ҳам ва кичикроғида ҳам – кесимdir.

Масалан: Ҳашаротларнинг (P) оёғи уч жуфтдан ошик бўлмайди (M).

Ўргимчакнинг (S) оёғи уч жуфтдан ошик (M).

Ўргимчаклар (S) – ҳашарот эмас (P).

3-шакл. Ўрта термин иккала асосда ҳам – каттароғида ҳам, кичикроғида ҳам – эгадир.

Масалан: Денгиз булутлари (M) ўзича мустакил жилишга қобил эмас (P).

Денгиз булутлари (M) жониворлардир (S).

Баъзи жониворлар – (S) ўзича мустакил жилишга қобил эмас (P).

4-шакл. Тафаккурда камдан-кам учрайди, шу сабабли биз уни бу ерда текшириб ўтирумаймиз.

7. Силлогизмнинг турлари

Силлогизм таркибига миқдор ва сифат жиҳатдан турлича бўлган ҳукмлар: умумий тасдиқ, умумий инкор, жузъий тасдиқ ва жузъий инкор ҳукмлар киради. Ҳукмларнинг бирор тарзда мослашиб қўшилишидан силлогизмнинг турлари ёки модуслар ҳосил бўлади.

Масалан, силлогизм уч умумий тасдиқ ҳукмдан иборат бўлиши мумкин – бу модус А А А бўлади.

Маълумки, уч ҳукмнинг ҳар қандай бирга қўшилиши модус бўлавермайди. Масалан, модус Е А А (инкор асослардан тасдиқ ҳуласа чиқариш), ёки модус I А О (тасдиқлаб айтилган

асослардан инкор хulosы чиқариш), ёки модус Е О О (инкор асослардан хulosы чиқариш) ва шу кабилар мумкин эмас.

Модулар – қатъий силлогизм қоидаларига зид келмайдиган хукмларнинг тұғри боғланишидир.

Мисоллар:

1-шакл. А. Ҳар қандай ҳаракат (M) материя ҳаракатидир (P).

Модус А А А

А. Фикр (S) ҳаракатидир (M).

А. Фикр (S) материя ҳаракатидир (P).

2-шакл. Е. Тинчлик ва демократия тарафдорларининг ҳеч бири (P)

Модус Е А Е агрессорларни қувватламайды (M).

А. Үнд лейбистлар (S) агрессорларни қувватлайды (M).

Е. Үнд лейбистлар (S) тинчлик ва демократия тарафдори эмас (P).

3-шакл. Барча китлар (M) сут әмизүвчидир (P).

Модус А А I

Барча китлар (M) сув ҳайвонидир (S).

Баъзи сув ҳайвонлири (S) сут әмизүвчидир (P).

8. Шаклларнинг тавсифи

Ҳар бир шаклга мос модулар таркиби үша шаклнинг маҳсус қоидаларини белгилаб беради, чунончы:

1-шакл. Каттароқ асос албатта умумий, кичикроқ асос албатта тасдиқловчи бўлиши керак.

Кичикроқ асоси инкор билан келадиган мана бу хulosани олайлик:

А. Кутб доирасининг нариги томонидаги хамма шаҳарларда оқ-ойдин тунлар бўлади.

Е. Ленинград кутб доирасининг нариги томонида эмас.

Е. Ленинградда оқ-ойдин тунлар бўлмайди.

Бироқ Ленинградда оқ-ойдин тунлар бўлиши маълум. Мисолимиздаги хulosы нотўғри бўлиб чиккан, чунки биринчи

шаклнинг қоидаси бузилган (силлогизмнинг учинчи қоидаси билан солиштирилсин).

2-шакл. Каттароқ асос албатта умумий, асослардан бири эса албатта инкор қуловчичи бўлиши керак.

Бу 2-шакл юзасидан чиқариладиган хulosса ҳамма вақт инкор хulosса бўлади демакдир.

Бу қоидага амал қилгандан қуидагича хulosса чиқариш асло мумкин эмас:

Барча металлар электр қуввати ўтказади.

Бу нарса электр қувватини ўтказади.

А. Бу нарса – металл.

Бу хил силлогизм нотўғри, чунки унда иккинчи шакл қоидаси бузилган (иккинчи шакл қоидасига солиштирилсин).

3-шакл. Кичикроқ асос албатта тасдиқловчи, хulosса албатта жузъий бўлиши керак.

Силлогизм шаклларининг қоидалари ана шулардан иборат, шаклларинг бу қоидаларида силлогизмнинг умумий қоидаларига нисбатан, аслида ҳеч қандай янгилик йўқдир, улар силлогизмнинг умумий қоидаларини шаклларга татбиқ қилишдан иборатдир, холос.

9. Силлогизмнинг воқеликни билдириш аҳамияти

Силлогизм шакллари ва модуслари нарсалар ўртасида реаль суратда мавжуд бўлган муносабатларни акс эттиргандагина тўғридир. Тўғри шакллардан ҳар қандай четга чиқиши воқеликни тўғри акс эттиромайди ва шунинг учун ҳам у ногўри бўлиб қолади. Тафаккур шакллари бўлган силлогизмнинг воқеликни билдириш аҳамияти ана шундан келиб чиқади: силлогизмнинг тўғри модуслари реаль суратда мавжуд бўлган муносабатларни акс эттириш билан бирга, бу реаль муносабатларни билиб олишга имкон беради.

Масалан, модус А Е Е ни қарайлик. Бу воқелиқдаги оддий фактни акс эттиради: агар маълум бир туркумдаги нарсаларнинг ҳаммасида қандайдир муайян белги бўлсаю, аммо бизни қизиқтирадиган нарсада шундай белги бўлмаса, демак, бизни қизиқтирувчи нарса бу туркумдаги нарсалар қаторига кирмайди.

Масалан, ҳар бир жонли ҳужайрада оқсил модда бўлсаю, аммо гипс кристалларида оқсил модда бўлмаса, демак, гипс кристаллари ҳужайралар қаторига кирмайди. Нарсаларнинг бу оддий муносабати бизнинг онгимизда А Е Е шаклида ўрнашиб колган. Лекин силлогизмнинг бошқа ҳамма модусларининг ҳам юзага келиши худди ана шундайдир, улар ҳам нарсаларнинг бошқа ҳилдаги муносабатларини акс эттиради.

Худди шу нарса воқеликни силлогизмнинг бирон модуси шаклида билиб олишимизга имкон беради.

Шундай килиб, бизга айрим ёки жузъий ҳодисани умумий қоидага солиб кўриш ёки умумийроқ нарсадан торроқ хulosса чиқариш лозим бўлган холларда биз биринчи шакл модусларидан фойдаланамиз. Масалан, биз қалдироқ газнинг табиати ва хусусияти қандайлигини биламиш ва, агар водородни тажриба килиш вақтида пробиркада портлаш юз берса, у холда биз бу жузъий ҳодисани водород аралашмаси ҳакидаги умумий билишимизга киритамиш ва, қалдироқ газ портлади, деб хulosса чикарамиз.

Маълум бир ҳодисанинг умумий қоидага сигмаслигини исбот кимокчи бўлганларида иккинчи шакл модусларидан фойдаланадилар. Масалан, оқловчи қораловчига қарши эътиroz билдирганида ўз далил исботларини кўпинча иккинчи фигурага асослайди. Врач хато диагнозни рад кимокчи бўлганида, иккинчи фигура юзасидан фикр юргизади. Масалан, безгак билан оғриган касалларнинг ҳаммасида чанқоқлик зўр бўлади; бу касалда чанқоқлик зўр эмас; демак, бу касал безгак билан оғримайди.

Учинчи фигура, асосан, биронумумий қоиданинг хатолигини исбот килиш керак бўлган пайтларда татбик қилинади; бундай холларда исбот рад килинувчи умумий қоидага зид келадиган жузъий ҳодисаларни кўрсагиш йўли билан қилинади.

Масалан: “барча жисмлар қизишдан кенгаяди” деган умумий қоидани учинчи фигура асосида фикр юргизиб: сув жисмдир; сув 0 даражадан 4 даражагача иситилганда тораяди, деб рад қилиш мумкин; демак, 0 даражадан 4 даражагача иситилганда тораядиган жисмлар ҳам бор.

10. Шартли силлогизм

Шартли силлогизм – силлогизмнинг шундай бир хилидирки, унда ҳеч бўлмаганда асослардан бири шартли ҳукм бўлади.

Агар шартли силлогизмда асослардан бири шартли ҳукм бўлиб, иккинчиси қатъий ҳукм бўлса, бундай силлогизм шартли-қатъий силлогизм деб аталади.

Шартли-қатъий силлогизмнинг икки шакли бор:

Агар $S - P$ бўлса, $S_1 - P_1$ дир

$S - P$ дир.

Демак, $S_1 - P_1$ дир.

1-шакл билан хulosса чиқарганда, кичикроқ асос негизни тасдиқлайди. Биз негизни тасдиқлашдан натижани (хulosада) тасдиқлашга ўтамиз. Масалан:

Буғдой қизарган бўлса, уни ўрмок зарур.

Буғдой қизарди.

Демак, уни ўрмок зарур.

Шартли ҳукмларнинг турли хиллари биринчи асос сифатида келиши мумкин. Агар негизда инкор бўлса, кичикроқ асосда ҳам инкор бўлиши лозим; шундай қилингандагина хulosада натижа тасдиқланаб келади.

Масалан: Агар ёқилги қуритилмаса, яхши иссиқлик бермайди.

Бу ёқилги қуритилмаган.

Демак, бу ёқилги яхши иссиқлик бермайди.

Илгари кўрсатилган мисолдаги сингари, бу мисолда ҳам кичикроқ асос негизни тасдиқлайди, хulosада эса натижа тасдиқланади.

2-шакл (инкор қилувчи). Умумий формуласи куйидагича:

Агар $S - P$ бўлса, $S_1 - P_1$ дир.

$S_1 - P_1$ эмас.

Демак, $S - P$ эмас.

2-шакл юзасидан чиқариладиган хulosаларда кичикроқ асос натижани инкор қиласди. Биз натижани инкор қилишдан негизни (хulosани) инкор қилишга ўтамиз.

Масалан: Агар Күёш тиккага келган бўлса, соя жуда кискаради,

Соя жуда ҳам қисқармаган.

Демак, Қүёш тиккага келмаган.

Биринчи шаклда бўлгани сингари, бунда ҳам шартли ҳукмларнинг турли хиллари биринчи асос сифатида келиши мумкин.

Масалан: Агар момакалдироқ йироқда бўлса, гулдираши эшитилмайди.

Гулдираш эшитилаяпти.

Демак, момакалдироқ йироқда эмас.

Бу мисолда (илгари кўрсатилиган мисолдагидек) иккинчи асос натижани инкор қиласди, шунга кўра, холоса негизни заруран инкор қиласди.

Шундай килиб, биз шартли силлогизмларда икки холда ишонарли холоса қиласмиш:

1) ё 1-шаклга биноан, негизни тасдиқлашдан натижани тасдиқлашга ўтиш йўли билан;

2) ё 2-шаклга биноан, натижани инкор қилишдан негизни инкор қилишга ўтиш йўли билан.

Шартли силлогизмларда ишончли холоса олиш қойдаси ана шундан иборат.

Шартли силлогизмнинг бошқа ҳамма шаклларида ишончли холосанинг бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу билан ишончли холоса факат эҳтимол холосага айланади, холос.

Масалан: Агар симдан электр токи ўтса, сим қизиди.

Сим қизияпти.

Эҳтимол, симдан электр токи ўтаётгандир.

Бу мисолда кичикроқ асос натижани тасдиқлайди. Шу сабабли биз хотимада ишончли холоса эмас, балки факат эҳтимол холоса ҳосил қилдик, чунки ток ўтмаганда ҳам симнинг бошқа бир сабаб билан қизиши мумкин эди.

Бошқа бир мисол: Агар темир қизиса, унинг ҳажми кенгаяди.

Бу темир парчаси қизимайди.

Демак, унинг ҳажми кенгаймайди.

Бу холоса ҳакиқатга тўғри келадими? Ҳа, тўғри келади. Лекин бундай холда негизни инкор қилиш йўли билан ишончли холосага келиш мумкин эмас деган қоида нотўғри бўлиб колади, чунки биз кўрсатган мисолда негиз инкор қилинган бўлса ҳам холоса тўғри бўлиб чиқди.

Бирок бунда ҳеч қандай зиддият йўқ. Шартли силлогизмнинг хулоса чиқариш тўғрисидаги қоидасидаги негиз инкор қилинганда тўғри хулоса чиқиши мумкин ва бу мумкинликни қоида инкор қилмайди. Қоидада негиз тасдиқлаб айтилганда ёки натижа инкор қилинганда ҳамма вақт ишончли хулоса ҳосил қилинади дейилган, холос. Бошқа ҳолларда (негиз инкор қилинганда ёки натижа тасдиқлаб айтилганда) ишончли хулосанинг бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин, бир силлогизмда у бўлади, иккинчи силлогизмда бўлмайди, бинобарин, бундай ҳолларга атаб ҳеч қандай умумий қоида ўрнатиб бўлмайди.

Эҳтимолий хулосаларнинг ўз аҳамияти борлигини назарда тутиш керак. Шу сабабли биз фикр қилганда эҳтимолий хулосалар чиқаришдан бош тортмаймиз. Масалан, археология, тарих сингари фанлар эҳтимолий хулосалардан янаги тадқиқот йўлини белгилайдиган мувафаққат фаразлар сифатида тез-тез фойдаланиб туради.

Шартли силлогизмлар кўп жихатдан қатъий силлогизмларга яқинлашиб боради. Ҳусусан, бу ҳол шартли силлогизмнинг кўп қисми осонлик билан қатъий силлогизмга айланишида ва бунинг аксича, қатъий силлогизмнинг кўп қисми осонлик билан шартли силлогизмга айланишида яққол кўринади.

11. Айрувчи силлогизм

Айрувчи силлогизм – силлогизмнинг шундай бир хилидирки, унда асослардан бири ёки иккаласи ҳам айрувчи ҳукмлардан иборат бўлади.

Асосларидан бири айрувчи, иккинчиси қатъий бўлган силлогизм айрувчи-қатъий силлогизм деб аталади.

Айргачча қатъий силлогизмнинг икки шакли бор:

1-шиш (тасдиқловчи)

Унинг умумий формуласи қўйидагича:

S ё P1. ё P2, ё P3 дир.

S – P1 ҳам эмас, P2 ҳам эмас.

Демак, S – P3 дир.

Масалан, маълум бир модда (S) ё хлордан (P_1), ё бромдан (P_2) иборат (ичида ё хлор, ё бром бор). Сўнгра таҳлил бу моддада хлор йўклигини кўрсатди. Демак. унда бром бор.

Биринчи шаклнинг кичикроқ асосида каттароқ асосда кўрсатилган предикатларнинг биттасидан бошка ҳаммаси инкор килинади. Қолган бир предикатнинг субъектга тегишли эканлиги тўғрисидаги хулоса асослардан конуний равишда келиб чиқади.

2-шакл (инкор қилувчи)

Унинг умумий формуласи қўйидагича:

$S \in P_1, S \in P_2, S \in P_3$ дир.

$S = P_1$ дир.

Демак, $S = P_2$ ҳам, P_3 ҳам эмас.

Масалан: Қордаги изларни ё тулки, ё сувсар қолдирган бўлиши мумкин; сўнгра бу ердан тулкининг ўтганлиги аникланади. Демак, бу ердан сувсар ўтмаган.

Иккинчи шаклнинг кичикроқ асосида каттароқ асосда кўрсатилган предикатлардан бири тасдикланади. Хулосада колган предикатларнинг ҳаммаси инкор қилинади.

Айиравчи силлогизмнинг татбиқ килиниш қоидалари қўйидагича:

1) Каттароқ асоснинг предикатлари бир-бирини истисно килиши лозим. Бу нарса каттароқ асосдаги предикатлар сифицмайдиган тушунчалардан иборат бўлган тақдирдагина мумкин бўлади. Бинобарин, “ё – ёки” боғловчиси кўшувчи маънога эмас, балки айиравчи маънога эга бўлиши лозим.

2) Каттароқ асосдаги предикатларнинг ҳаммаси жамланиб, шу асосдаги субъект ҳажмини тўла-тўқис қоплаши лозим.

Бу қоидалар бузилган тақдирда тўғри хулоса тасодифий суратдагина чиқиб қолиши мумкин.

12. Энтилемма

Фикр қилган чоғимизда биз силлогизмни тўла шаклида камдан-кам ишлатамиз. Тўлик силлогизм жуда аниқлик ва равшанликни талаб қиласидиган математик мухокамалар ва исботларда қўлланилади. Кундалик турмушда биз асосан

қисқа шаклдаги. яъни баъзи бўлаклари тушириб қолдирилган шаклдаги силлогизмлардан фойдаланамиз.

Силлогизмнинг бирон бўлаги айтилмаса ҳам маъноси гапдан англашиладиган қисқа шакли энтилема деб аталади. Масалан: “Бу киз камолот аъзоси бўлгани учун интизомни маҳкам тутишга мажбур” деганимизда биз энтилемани татбиқ килган бўламиз. Бу силлогизмда каттароқ асос тушириб қолдирилган. чунки айни ҳолда уни айтиб ўтиришнинг зарурати ҳам йўқ. Бу силлогизм тўлиқ шаклда бўлганда қўйидаги шаклни олади:

Барча камолот аъзолари интизомни маҳкам тутишга мажбур.

Бу қиз – камолот аъзоси.

Демак, у интизомни маҳкам тутишга мажбур.

Аксар кўпчиликка маълум хакиқатни ифодаловчи каттароқ асос тушириб қолдирилади. Лекин кичикроқ асос ҳам. хулоса ҳам тушириб қолдирилиши мумкин.

Энтилеманинг учта асосий хили бор:

1) Каттароқ асоси бўлмаган силлогизм:

“Мактабимизнинг кечаси муваффақиятли ўтди, чунки яхши уюштирилган эди”.

Бу мисолда биринчи хукм хулоса бўлиб, иккинчи хукм кичикроқ асосдир.

Каттароқ асос тушириб қолдирилган.

Бу энтилемани тугаллигича ифодалайлик:

Яхши уюштирилган нарса муваффақиятли бўлади.

Мактабимизнинг кечаси яхши уюштирилган эди.

Мактабимизнинг кечаси муваффақиятли ўтди.

2) Кичикроқ асоси бўлмаган силлогизм:

“Чанғида учиш соғлиқ учун фойдалидир, чунки спортнинг ҳамма хили соғлиқ учун фойдалидир”.

Бу мисолда биринчи хукм хулоса бўлиб, иккинчи хукм каттароқ асосдир. Кичикроқ асос тушириб қолдирилган. Бу энтилемани тугаллигича ифодалайлик:

Спортнинг ҳамма хили соғлиқ учун фойдалидир.

Чанғида учиш спорт хилларидан биридир.

Чанғида учиш соғлиқ учун фойдалидир.

3) Хулоаси бўлмаган силлогизм:

“Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ҳалқ мулкини асраш ва мустаҳкамлашга мажбурдир, биз – Ўзбекистон фуқароларимиз”.

Бу мисолда биринчи ҳукм каттароқ асос бўлиб, иккинчи ҳукм кичикроқ асосдир. Ҳолоса тушириб қолдирилган. Бу энтилемани тугаллигача ифодалайлик:

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ҳалқ мулкини асраш ва мустаҳкамлашга мажбурдир.

Биз – Ўзбекистон фуқароларимиз.

Биз ҳалқ мулкини асраш ва мустаҳкамлашга мажбурмиз.

Биз кўрсатган мисолларнинг ҳаммасида энтилема биринчи шаклга мувофиқ тугаллигича ифодаланган. Биринчи шаклга оид силлогизмларнинг кискартирилган шакли бўлган бу хил энтилемалар жуда кўп ишлатилади. Лекин иккинчи ва учинчи шаклларга мувофиқ тугаллигича ифодаланадиган бошқа энтилемаларнинг бўлиши ҳам мумкин. Масалан: “Бу аралашманинг кислота бўлиши мумкин эмас, чунки унга ботириб олинган лакмус коғози қизил бўлмади”.

Бу энтилемани тугаллигича ифодалаганимизда, иккинчи шаклга мувофиқ, куйидаги силлогизм ҳосил бўлади:

Кислота лакмус коғозига таъсир этиб, уни кизартиради.

Бу аралашма лакмусни кизартирмади.

Бу аралашма кислота эмас.

Энтилемани тугаллигича ифодалаш – муҳим мантикий усуздир, чунки у ҳолосадаги ҳатони топишга имкон беради. Энтилема шаклига кирган ҳолосаларнинг нотўғрилиги ҳамма вакт билинавермайди. Мана бу воқеани олиб қарайлик: 1948 йил апрелда Калумбияда сиёсий арбоб Гайтан ўлдирилди. Америка газеталаридан бири шу воқеа муносабати билан бундай деб ёзди: “Гайтанинг ўлдирилиши килмишига яраша бўлди, чунки у коалицион ҳукумат таркибиға киришдан бош тортган эди”.

Бу энтилемада натижа ва кичикроқ асос бор. Каттароқ асосни ўз ўрнига кўйяйлик: “Коалицион ҳукумат таркибиға киришдан бош тортган кишиларнинг ҳаммаси ўлдирилишга арзийди”.

Каттароқ асос ўрнига кўйиши билан Америка газетаси айтган фикрнинг бемаънилиги ҳар бир кишига тамоман равшан бўлиб қолади.

13. Мураккаб силлогизмлар ҳақида

Фикр қилган чоғимизда биз силлогизмларнинг фақат қисқартирилган шаклларидангина эмас, балки мураккаб шаклларидан ҳам фойдаланамиз. Қуйидаги схема тарзида чизиб берилиши мумкин бўлган шу хил шакллардан бирини олиб қарайлик: Барча А – Б дир.

Барча Б – В дир.

Барча В – Г дир.

Демак, барча А – Г дир.

Масалан: Барча хамелеонлар калтакесакдир.

Барча калтакесаклар судралувчилардир.

Барча судралувчилар умурткалидир.

Демак, барча хамелеонлар умурткалидир.

Бу хил силлогизмлар бир нечта асосдан иборат бўлиб (кўп вакт уларнинг сони учтадан ҳам ошади), улар бир-бири билан шундай тарзда боғланади: илгариги асоснинг предикати ундан кейин келадиган асоснинг субъекти бўлиб бораверади ва бунинг натижасида хулоса чиқаришга имкон туғилади.

Яна бир мисол:

1) Капитализм даврида товар ишлаб чиқаришнинг ортиб кетиши савдо-сотиқ кризисини туғдиради.

2) Савдо-сотиқ кризиси ишлаб чиқаришни тұхтатишга олиб боради.

3) Ишлаб чиқаришни тұхтатиш кенг аҳоли оммаси ўртасида ишсизлик ва очлик пайдо қиласы.

Демак, капитализм даврида товар ишлаб чиқаришнинг ортиб кетиши кенг аҳоли оммаси ўртасида ишсизлик ва очлик пайдо қиласы.

Силлогизмларнинг мураккаб шакли шу билан бирга кўпинча қисқартирилган энтилема шаклига киради. Мисол учун қуйидаги силлогизмни олиб қарайлик:

Аста-секин бўладиган микдор ўзгаришларнинг тезлик билан ва тұсатдан сифат ўзгаришларига үтиши ҳар қандай тараққиёт қонунидан иборат бўлганлигидан, эзилган синфлар томонидан қилинадиган инқилобий ўзгаришларнинг мутлақо табиий ва муқаррар ҳодиса эканлиги равшандир.

Бу силлогизмни тугал шаклида ифодалайлік:

1) Эзилган синфлар томонидан қилинадиган инқилобий үзгаришлар аста-секин бұладыған міндер үзгаришларининг тезлик билан ва тұсатдан сиғат үзгаришларига үтишидан иборат.

2) Аста-секин бұладыған міндер үзгаришларининг тезлик билан ва тұсатдан сиғат үзгаришларига үтиши хар қаңдай тараккиёттің конуни дидер.

3) Тараккиёттің конуни табиий ва мұкаррар ҳодисадир.

Демак, эзилган синфлар томонидан қилинадиган инқилобий үзгаришлар мутлақо табиий ва мұкаррар ҳодисадир.

Кискартирилған шаклда иккі бөгланиш күрсатылмаған:

1) Инқилобий үзгаришлар – міндер үзгаришларининг сиғат үзгаришларига үтишдан иборат эканлығы ва 2) тараккиёттің конуни – табиий ҳодиса эканлығы. Бу бөгланишларининг күрсатылмағанлық себеби шуки, улар равшан ва очик күрініб турған нарсалардир. Лекин, шундай бұлса хам, бу бөгланишлар гапдан англашилиб тұрады (дилда сақланады), бу бөгланишлар бұлмаса, хулоса қилиш мүмкін бұлмас және.

VIII БОБ

ИНДУКТИВ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИШ

1. Индукциянинг моҳияти

Үтган бобда дедуктив хулоса чиқариш шаклини караб чиқдик. Дедуктив хулоса чиқариш шундай хулоса чиқаришкни, биз унинг ёрдамида умумий фикрга, қонун ёки қоидага асосланиб. жузъий ёки айрим якка ҳолларни билиб оламиз. Бошқача тарзда фикр юргазиш, яъни жузъий ҳоллардан умумий қоида чиқаришга қарата фикр юргизиш ҳам мумкин. Жузъийдан умумийгага чиқазилган хулосалар индуктив хулосалар ёки индукция деб аталади.

Индукция – мантикий хулоса чиқаришнинг шундай бир усулидирки, бу усул ёрдамида биз якка ёки жузъий асослардан умумий хулоса ҳосил киламиз.

Буни биз бундан икки юз йил бурун машхур рус олими М.В. Ломоносов томонидан килинган индуктив хулосанни мисолга олиб тушунтирамиз. Бу индуктив хулоса иссиқлик моҳиятини илмий суратда қашф қилишдан иборат эди.

Ломоносов “Иссиқлик ва совуқлиқнинг сабаби тұғрисидаги мұлоҳазалар” деган асарида бундай деб ёзған эди:

“... Бир-бирига ишқаланишдан құллар исийди, дарахт алангаланиб ёнади; чакмоктош бир парча темирга урилса. учкун чиқади; темирни зарб билан тез-тез ёки каттық урганда қизарыб чүфға айланади, уриш тұхтатилса. иссиқлик камаяди ва чиқарылған үт үчади”.

Сүнгра Ломоносов иссиқликнинг пайдо бўлишига оид яна бир қанча ҳолларни кўрсатиб үтади. Бундай ҳоллар иссиқликнинг борлығи ҳаракатнинг борлигига, иссиқликнинг йўқлиги ҳаракатнинг йўқлигига боғлиқ бўлганидан, Ломоносов: “Иссиқлик ҳаракатдан пайдо бўлади” деб хулоса чиқаради. Шу тариқа. Ломоносов жузъий ҳоллардан умумий қоида чиқарган.

Худди ана шунинг ўзи индукциядир.

Лекин индукция дедукция билан маҳкам боғланган. Шунда ҳам Ломоносов ёлғиз индуктив хулоса чиқариш билангина

каноатланиб колмаган. У дедукцияни татбик килган холда бундай хulosага чиқаради:

“... Материясиз харакатни пайдо бўлиши мумкин эмас, демак, иссикликнинг етарли асоси бирон материянинг харакатидан иборат бўлиши лозим”,

Бу муҳокамани силлогистик шаклга солайлик:

Ҳар кандай харакат материянинг харакатидир.

Иссиклик харакат шаклидир.

Демак, иссиклик материянинг харакатидир.

Ломоносов бошка кўпгина илмий кашфиётларида килгани сингари индукцияни дедукция билан бирга кўшиш йўли билан шундай материалистик хulosага келган эди.

2. Тўлиқ индукция

Тўлиқ индукция – индуктив хulosага чиқаришнинг шундай бир туридирки, бунда биз маълум бир ҳодисанинг барча ҳолларини тўла-тўкис равишда ўз ичига оладиган асослардан умумий хulosага ҳосил қиласиз.

Масалан, биз ўтган ҳафта душанба куни ҳаво температураси 200°C дан паст, сешанба куни ҳам 200°C дан паст, чорсанба, пайшанба, жума, шанба, якшанба кунлари ҳам 200°C дан паст бўлганини кўрган эдик. Лекин душанба, сешанба ва х.к. кунлар бир ҳафтанинг бутунини ташкил этади. Биз бундан хulosага чиқариб, ўтган ҳафтанинг бутунисида ҳаво температураси 200°C дан паст бўлди, деймиз. Бу хulosага қўйидагича шаклига киради:

Ўтган душанба, сешанба ва х.к. кунлар ҳаво температураси 200°C дан паст бўлди.

Лекин душанба, сешанба ва х.к. кунлар бир ҳафтанинг бутунисини ташкил этади.

Демак, ўтган ҳафтанинг бутунисида ҳаво температураси 200°C дан паст бўлди.

Тўлиқ индукция текширилаётган ҳодисанинг барча ҳоллари бизга маълум бўлган чоғларда (масалан, геометрияда шаклларнинг хусусиятларини ўргангандা, географияда дунё қитъалари, мамлакатлар ва х.к. текширгандага) қўлланилади. Тўлиқ индукциядан чиқазиладиган хulosага факат маълум

ҳолларгагина татбик килинади, аммо лекин бошқа ҳеч қандай ҳоллар бұлмаслиги керак, йўқса индукция тўлиқ бўлмай қолади.

Гарчи хulosса асосларда бирма-бир санаб кўрсатилган ҳолларга доир бўлса ҳам, хulosса кўрсатилган ҳолларнинг оддий йиғиндисидан иборат экан, деб ўйламаслик керак. Хulosса – айрим нарсалар ҳакидаги билимларимизни қуруқ тақрорлашдан иборат эмас. Хulosада биз маълум бир туркумга кирадиган нарсаларнинг ҳаммасида фалон хил белги борлигини ва бу туркумда шу хил белгиси бўлмаган нарсалар йўклигини билиб оламиз.

3. Тўлиқсиз индукция

Текшириладиган ҳодисанинг барча ҳолларини кузатишимииз мумкин бўлмаган лайтлар кўп бўлади. Масалан, Волгада яшаб юрган, яшаб келган ва келгусида ҳам яшайдига баликларнинг ҳаммасини, албатта, ҳеч ким текшириб чиқолмаган бўлар эди. Шундай пайтларда тўлиқсиз индукция татбик қилинади.

Тўлиқсиз индукция – индуктив хulosса чиқаришнинг шундай бир туридирки, текшириладиган ҳодисанинг барча ҳолларини ўз ичига олмаган асослардан шу тур воситаси билан хulosса чиқарилади.

Тўлиқсиз индукциянинг алоҳида хусусияти ва шу билан бирга энг қимматли томони шундаки, гарчи тўлиқсиз индукциянинг асосларида одатда жуда оз баъзи ҳолларгина кўрсатилган тақдирда ҳам биз текшириладиган ҳодисанинг барча ҳоллари тўғрисида умумий хulosса чиқара оламиз.

Бироқ тўлиқсиз индукцияни татбик қилишшарт-шароитлари ҳисобга олинмаган тақдирда унинг бу алоҳида хусусияти хато хulosага олиб бориши мумкин ва кўп вақт олиб боради ҳам. Масалан, одамлар жуда узоқ вақтгача оққушларнинг ҳаммаси оқ бўлади деб ўйлаб келган эдилар. Бу хulosса тўлиқсиз индукция йўли билан қилинган хulosса эди: одамлар факат оқ тусдаги оққушларни кўриб ва унинг тусланиш сабабларини билмасдан “оққушларнинг ҳаммаси оқ бўлади” деб хulosса чиқарганлар.

Тўлиқсиз индукциянинг бундай тури, зид ҳоллар учрамаган

тақдирда оддий күзатиши воситаси билән қилинганды индукция деб аталади.

Тұлғасыз индукцияның бу тури эң шубҳали тури. Чунки у зид холларнинг умуман йүклигига ишониш учун етарлы асос бермайды. Чунончы: Австралия қирғокларида қора тусли оқкүшларни күрганлардан кейин оқкүшларнинг туси ҳакида чиқарылған холоса хато бўлиб чиқди.

Тұлғасыз индукцияны нотурғы татбик қилишдан келиб чиқадиган мантикий хаго “шошма-шошарлик билан умумий холоса чиқариш” деб аталади.

Бу хато шундан иборатки, озгина фактларга ёки муҳим бўлмаган белгиларга қараб холоса чиқарилади. Масалан, ўртоқлардан биронтаси ишида бир мунча майда-чуйда хатолар килиб қўйса, унинг тўғрисида дарров, бу одам умуман ҳеч кандай ишни бажара олмайди, деб холоса чиқариш – шошма-шошарлик билан умумий холоса чиқаришидир. Масалан: “барча олимларнинг фикри парижон” бўлади, “уқувсиз кишиларнинг ҳаммаси - дангаса” деган даъволар ҳам шошма-шошарлик билан умумий холоса чиқариш жумласига киради.

Шошма-шошарлик билан килинадиган бундай умумий холосаларни халқ орасида кўп асрлардан бери амалий тажрибада синаб кўрилган ҳикматли белгилар билан аралаштирумаслик керак. Халқ орасида тұлғасыз индукцияни табиат ҳодисаларига татбик қилиш натижасида пайдо бўлган ҳикматли белгилар кўп вақт катта қимматга эга бўлади.

Масалан, ёмғир ёғиши олдидан қалдирғочларнинг ер бағирлаб учиши кўп марталаб амалда кўрилган ҳодисадир. Бу ҳодисадан умумий холоса чиқарилган. Щунинг учун қалдирғочлар қачон ер бағирлаб учса, одамлар ёмғир ёғишини кутганлар.

Ҳар бир ҳодисанинг ўз сабаби бор. Қалдирғочларнинг ерга иниши тасодифий эмас, албатта. Ёмғир ёғиши олдидан ҳавода куюқ буг пайдо бўлиб, ҳаво оғирлашади. Щу сабабли пашаю-чивинларнинг ҳаммаси ерга инади. Пашаю-чивинлар билан озиқланиб юрадиган қалдирғочлар ҳам шундай вактларда зарурان ерга инишга мажбур бўлади.

Шундай холларда ёмғирнинг ёғиши албатта шартми? Йўқ, шарт эмас. Ҳавода куюқ буг пайдо бўлиши мумкин-у,

аммо ёмғирнинг мутлақо бўлмаслиги мумкин. Халқ орасидаги ҳикматли белгилар ва умуман оддий кузатиш йўли билан қилинадиган ҳар қандай тўлиқсиз индукциянинг камчилиги шуки, хulosалар ҳодисаларнинг сабабларини билишта асосланниб эмас, балки кўзга чалинадиган нуқул юзаки белгиларга асосланниб чиқарилади. Тўлиқсиз индукция ҳодисаларнинг қонуниятларини, сабабли боғланишларини билишига асосланган тақдирдагина ишончли билим бериши мумкин.

Бундай индукция илмий индукция деб аталади.

4. Илмий индукция

Илмий индукция таҳлил ва синтез билан жуда чамбарчас боғлиқdir. Илмий индукция жараённда кузатилган факт ҳар томонлама текширилади, таҳлил қилинади. Тасодифий нарсаларнинг ҳаммаси чиқариб ташланади. Текшириладиган фактларнинг муҳим белгилари ва пайдо бўлиш сабаби аниқланади.

Илмий индукция – индуктив хulosса чиқаришнинг шундай бир туридирики, бу тур воситасида бирон туркумга кирадиган нарсаларнинг ҳаммаси тўғрисида, шу туркумдаги нарсаларга оид бўлакларнинг муҳим хусусиятларини ва сабабли боғланишларини текшириш асосида умумий хulosса чиқарилади.

Бир жинсдан бўлган ҳодисаларга, нарсаларга хос сабабларни, қонуниятларни билгандагина, бундай хulosани чиқариш мумкин; илмий индукциянинг оддий кузатиш йўли билан қилинадиган тўлиқсиз индукциядан фарқи ана шундан иборат. Масалан, биз ўзимиз учратган кушларнинг ҳаммаси ҳаводан нафас олишини кўрамиз. Бундан хulosса чиқариб, “кушларнинг ҳаммаси ҳаводан нафас олади” деймиз. Бу оддий кузатиш йўли билан қилинадиган индукция бўлади.

Лекин биз бирмунча кушларнинг ёки улардан бирининг ҳаёт жараёнини текшириб, ҳаво ҳаётнинг зарурий шарти эканлигини аниқлаганимиздан кейин ҳавонинг барча кушлар учун зарурлиги тўғрисида умумий хulosса чиқараоламиз. Бу илмий индукция бўлади. Илмий индукция (оддий кузатиш йўли билан қилинадиган индукция сингари) кўринган фактларнинг

сонига караб эмас, балки фактларни синчиклаб, хар томонлама текширишга асосланиб, хulosса чиқаради.

Янги фактлар текшириш учун янги маълумотлар берган ва шу билан маълум қонуниятни чукурроқ тушунишга имконият тугилган пайтлардагина илмий индукция учун фактларнинг сони аҳамият қозонади. Инсоннинг билиш доираси поёнсиз бўлгани сабабли ҳеч қандай индуктив хulosса узил-кесил хulosса бўлаолмайди.

Энг оддий, индуктив йўл билан ҳосил килинган энг оддий хақиқат ҳамма вақт номукаммалдир, чунки тажриба ҳамма вақт тугалланмаган бўлади.

Индуктив хulosса мураккаб хulosадир. У одатда кузатиш ва таққослашдан бошланади. Индуктив хulosса чиқариш чоғида таҳлил ва синтез, абстракциялаш ва умумийлашусуллари татбиқ килинади. Текширилаётган нарсамиз хақида янги билим олар эканмиз, биз ҳамма вақт олган бу янги билимимизни ўзимизда бундан илгари бўлгани билимга кўшамиз, бу ҳол бизга дедуктив хulosалар чиқариш имкониятини беради. Шундай қилиб, индукциянинг дедукция билан жуда чамбарчас боғлиқлиги маълум бўлади.

Индуктив хulosса чиқарган чоғларда ҳодисаларнинг сабабли боғланишини текширишдан иборат маҳсус методлар ҳам кўлланилади. Лекин бу методларни ўрганишга киришишдан олдин ҳодисаларнинг сабабли боғланиши нимадан иборат эканлигини караб чикайлик.

5. Ҳодисаларнинг сабабли боғланиши тўғрисида

Оlamдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаммаси бир-бiri билан алокадор бўлиб, бир-бiriiga боғлиқ бўлиб, бир-бiriини такоза килиб туради. Olамда бир-бiriдан ажралган, яккаланган нарсалар, ҳодисалар йўқдир. Масалан, хайвонлар ёки ўсимликлар теварак атрофидаги мухитдан ташқарида яшай олмайди. Инсон жамият ва табиатдан ташқарида яшай олмайди. Ҳар бир тош парчаси ёки кум зарраси бошқа нарсалар, ҳодисалар билан бирон тарзда алокадор ва уларга боғлиқдир.

Нарса ва ҳодисаларнинг бундай ялписига бир-бiri билан

алоқадорлиги жуда хилма-хил шаклларда ифодаланади. Сабабли боғланиш ана шундай ялписига алоқадорлик шаклларидан бириди.

Ходисаларнинг сабабли боғланиши, бошқача қилиб айтганда, сабаб билан натижанинг бир-бири билан боғлик бўлишидир.

Бошқа бир нарсани заруран вужудга келтирган ҳодиса сабаб деб, сабаб орқасида вужудга келган бошқа ҳодиса эса натижага деб агалади. Масалан, ўкувчининг имтиҳондан яхши баҳолар олганлиги унинг тайёрлик кўрганлиги натижасидир, ўкувчидағи тайёрлик эса унинг яхши баҳолар олганлигига сабабдир.

Сабабни шароит билан аралаштирмаслик керак. Ҳар кандай сабабли боғланиш маълум шароитда юзага келади ва бу шароит натижанинг пайдо бўлишига ё тўсқинлик қиласи ёки кўмаклашади. Лекин шароит ўз-ўзича натижани вужудга келтираолмайди – шароитниң сабабдан фарқи ҳам шу. Масалан ўкувчи қайси шароитда яхши баҳолар олган бўлса, бу шароит, қисман, ўкувчидан бўлган маълум даражадаги қобилиятдир. Бироқ, қобилият ўз-ўзича яхши баҳолар олишга сабаб бўлаолмайди, чунки қобилият – билим эмас, балки билим олиш учун имкониятдир, холос. Ўмтиҳонда эса баҳо факат билим учун қўйилади.

Имтиҳонга тайёрланиш шароитига мавжуд дарслклар, синфдаги ёзувлар, уйга бериладиган ишларнинг яхши ююштирилганлиги ва бошқалар ҳам киради. Бу шароитларнинг ҳаммаси кўп вақт ҳал қилувчи роль ўйнайди. Зарур шароит бўлмаганда, сабабли боғланишнинг юзага келмай қолиши мумкин, яъни ўкувчи имтиҳонга тайёрланмас экан, демак, имтиҳон беролмайди. Бинобарин, грчи шароит ўз-ўзича натижани вужудга келтирмаса ҳам, унинижуда муҳим аҳамияти бор. Биз ўзимизга зарур бўлган натижени ҳосил килмоқчи бўлганимизда, шароит туғдириш, шароитни вужудга келтириш зарурлиги ана шундан келиб чиқади: бундай вақтда бирон шароит мавжуд бўлмаса, биз унинг ўрнини шунга мувоффик келадиган бошқа шароит билан тўлдирамиз; бунинг учун факт иродали. тиришқоқ ва сабот-матонатли ўлиш ҳар бир ишда асосий шарт-шароитдир.

Шундай килиб, сабабли боғланиш маълум шароитда юзага келади. Лекин шароит сабаб билан натижадан бутунлай фарқ киладиган бир нарса эмас. Шароитнинг ўзи муайян ходисаларнинг натижаси бўлиб юзага келади ва ўзи ҳам ходисаларнинг юз беришига сабаб бўлади. Оламда умуман сабабсиз ходисалар йўк. Баъзан биз бирон ходисанинг сабабини тополмас эканмиз, бу бизнинг воқелиқда албатта бор бўлган бу сабабни ҳозирча билмаслигимизни кўрсатади. холос. Ҳар қандай ходиса бирон сабабнинг натижаси сифатида юз беради ва унинг ўзи ҳам бошқа бир ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлади.

Сабаб бевосита ёки чукур бўлиши мумкин. Масалан, Сталинград ёнида фашист кўшинларининг тор-мор қилинишига бевосита сабаб бўлган нарса Олий кўмандонлик режаларини бажарган кўшинларнинг ҳаҳрамонона ҳаракаги эди.

Сабаб билан натижа замон ичida содир бўлади. Лекин ходисаларнинг замон ичida бир-бири кетидан юзага келиши ҳамма вакт сабабли боғланиш бўлавермайди. Масалан, кун тундан кейин келади, лекин бундан тун куннинг сабаби экан деган маъно асло келиб чикмайди. Сабабли боғланишнинг муҳим белгиси замон ичida сабабнинг натижадан олдин юзага келиши эмас. Сабабли боғланишни замон ичida шунчаки кетма-кет келувчи воқеалар билан аралаштириш қупол ҳатодир, бу ҳато мантиқда “бунинг кетидан демак, бунинг сабабидан демакдир” деб аталади.

Бидъат-хурофотларнинг кўпи шу ҳатодан келиб чиқади. Масалан, мушук йўлни кесиб ўтса, хурофотчи кишилар буни дарров хафагарчиликка йўядилар. Мушукни учратиш билан хафагарчилик орасида ҳеч қандай сабабли боғланиш йўклиги маълум. Бу воқеалар ўртасида шунчаки замон ичida кетма-кетлик бўлиши мумкин. Лекин замон ичida бўладиган кетма-кетлик хуносалар чиқаришга асос бўлаолмайди.

Масалан, думли юлдуз чиқишибилан урушнинг, қон чиқазиш билан ёмғирнинг ва шу кабиларнинг замон ичida кетма-кет келиши мумкин. Бироқ ходисаларнинг ҳақиқий алоқадорлигини билмайдиган кишиларгина думли юлдуз чиқса, уруш бўлади, қон чиқазилса, ёмғир ёғади ва ҳ.к., деб ўйлашлари мумкин. Бундай ходисалар ўртасида ҳеч қандай сабабли боғланиш йўқ

ва, демак, бундай ҳодисаларнинг бири иккинчисини вужудга келтираолмайди. Ёмғирнинг ёғиши-ёғаслиги қон чиказишга боғлиқ эмас, урушнинг бўлиш-бўлмаслиги думли юлдузнинг чиқишига боғлиқ эмасдир.

Сабабли боғланишни шунчаки замон ичида кетма-кет бўладиган ҳодисалар билан аралаштириб юбориш жуда зарарли хатодир, чунки у ҳодисаларнинг сабабларини чинакам билиб олишимизга йўл бермайди ва шу билан бирга бу сабабларни хато тушунишимизга олиб боради.

6. Ҳодисаларнинг сабабли боғланишини текширишнинг индуктив методлари

Фан ва техникада, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда бизни қизиқтирадиган ҳодисанинг сабабини топиш ҳамма вақт муҳимдир. Сабабини топиш – ҳодисани тушуниш, уни тушунтира билиш демакдир. Лекин амалий фаолиятда бундан муҳимроқ бўлган бошқа бир томон ҳам бор: сабабини билиш – кўп ҳолларда ҳодисани ўзига бўйсиндириш, уни бошқариш имкониятига эга бўлиш демакдир. Масалан, техник машинанинг тўхташ сабабини билгач, бу сабабни йўқотиш чорасини кўради, шундан кейин машина яна юриб кетади.

Сабабни текшириш одатда кузатишдан бошланади. Кузатиш чогида (табиат, техника фанларида ва бир мунча бошқа фанларда) кўпинча эксперимент қилинади. яъни сунъий йўл билан тажриба қилиб кўрилади. Кузатилган ва эксперимент қилган пайтларда айни бир вақтда текширишнинг индуктив методларидан (ёки индукция методларидан) ҳам фойдаланилади. Бу хил методларнинг тўртгаси маълум бўлиб, улар ўхшашлиқ методи, тафовут методи, қолдиклар методи, йўлдош ўзгаришлар методидир.

Одатда бир метод бошқа бир метод билан бирга қўшиб қўлланилади ва унда турли методларнинг қўшилмаси ҳосил бўлади. Энг кўп расм бўлган қўшилма метод – ўхшашлиқ ва тафовут қўшма методидир.

Шу методлар ёрдами билан ҳодисаларнинг сабабли боғланиши аникланади.

Ўхшашлик методи

Бу методни қуйидаги мисол билан текшириб чикайлик. Қүёш нури призмадан ўтказилса, камалак ранглари пайдо бўлади. Баъзи ялтироқ жисмларга, масалан: бир томчи сувга, олти киррали кристалларга ва шу кабиларга оқ шуъла тушганда ҳам шундай ҳодиса юз боради. Шундай қилиб, турли шароитда айни бир ҳодиса бирдай бўлиб кўринади.

Афтидан, бу ҳолларнинг ҳаммасида камалак рангларининг кўриниши сабаби айнан битта бўлса керак. Ҳар холда ялтироқ жисмларнинг моддий таркиби сабаб бўлиши мумкин эмас, чунки биз биттасига мисол қилиб кристаллни, иккинчисига сувни ва ҳ.к. ларни олдик. Ялтироқ жисмларнинг ҳажми ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин эмас, чунки уларнинг ҳажми ҳар хил.

Биз ҳар хил эҳтимолларни қараб чиққанимиздан кейин, текшириладиган ҳолларнинг ҳаммаси учун ҳақиқатдан умумий бўлган нарсага тўхталамиз, бундай умумий нарса ялтироқ жисмларнинг алоҳида хилдаги шаклидир: у шакл призматик ёки сферик шакл бўлиб, унда оқ шуъла ўз рангининг таркибий қисмларига бўлинади.

Шундай қилиб, ўхшашлик методидан фойдаланиш йўли билан ҳодисанинг сабабини топиб олдик.

Ўхшашлик методининг ифодаланиши қуйидагича: агар бирон ҳодисанинг кузатилган ҳолларида факат биргина ҳолат умумий бўлса, худди шу ҳолатнинг ўзи мазкур ҳодисанинг сабабидир.

Бошқа ҳамма индуктив методлар сингари, ўхшашлик методи ҳам айрим жузъий ҳоллардан умумий ҳолатни ажратишдан иборат бўлади. Бу жузъий ҳоллар доираси қанча кенг бўлса, холосамизга ишонни шунчак кучлирок бўлади.

Бироқ шуниси ҳам борки, илмий индукцияда, холосанинг ишончли бўлиши фақат кузатиладиган ҳолларнинг миқдорига боғлиқ бўлмай, балки, асосан, бизнинг ўрганиладиган ҳодисани нечоғли чуқур ва синчиклаб текширганимизга боғлиқдир. Ўхшашлик методини кўллаганда, биз ўрганилаётган ҳодисаларнинг баркаси учун ҳақиқатдан факат биргина

умумий ҳолат борлигини аниқлашимиз лозим. Лекин буни аниқлаш күпинча қийин бўлганлигидан. ўхшашик методига индукциянинг бошқа методлари ёрдам беради.

Тафовут методи

Бу методни қуйидаги мисол билан тушунтирамиз: ҳавода осилиб турган қўнғироқ жаранглатилади; агар қўнғироқ остида ҳаво бўлса, унинг жаранглаган товуши эшитилади, ҳаво бўлмаса, жаранглаган товуш эшитилмайди. Бундан хулоса чиқазилиб: товушнинг чиқиши учун (маълум шароитда) ҳаво зарур, дейилади.

Бошқа бир мисолни олайлик. Богда маймунжон туплари ўсиб туради. Тупларнинг бир қисми қуёш томонида бўлиб, бир қисми сояда туради. Уларнинг ўсиши ва етилиши учун бошқа шароитларнинг (ер, нам, ўғит ва бошқаларнинг) ҳаммаси бир хил. Уларнинг нави ҳам бир хил. Лекин қуёшда бўлган тупларнинг меваси мазалигу, сояда бўлган тупларнинг меваси bemaza. Бундан хулоса чиқариб: бу меваларнинг мазалик бўлишига сабаб қуёш нурларининг таъсиридир, дейиш мумкин.

Бу иккала хулоса тафовут методи билан қилинди. Бу методнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: бизни қизиқтирадиган ҳодисанинг икки ҳолини бир-бирига таққослаб кўрамиз: қарасак, бу икки ҳол ҳамма ҳолатда бир-бирига ўхшайдиyo, аммо бир ҳолатда бир-бирига ўхшамайди. Бундан хулоса чиқариб, бирдан-бир ҳолат гекширилаётган ҳодисанинг сабабидир, деймиз.

Тафовут методининг ифодаланиши қуйидагича: агар ҳодиса бир ҳолда юз берсаю, иккинчи ҳолда юз бермаса ва факат биргина ҳолатда тафовут қиласа, демак, худди шу ҳолатнинг ўзи ҳодисанинг сабабидир.

Тафовут методи ўхшашик методига қараганда фаолрок методдир. Одатда бу метод тажриба билан боғлиқдир: бизни қизиқтирадиган ҳодиса учун ўзимиз шароит туғдирнимиз, баъзи ҳолатларни ўзимиз чиқариб ташлаймиз (ёки киритамиз). Лекин оддий кузатиш чоғида ҳам (маймунжон мисоли) тафовут методидан фойдаланилади.

Тафовут методини тұғри күллаш учун бизни кизиктирадиган ходисалар фактада бир қолатдагина ҳәқиқатдан тафовут килишини аниклаш мүхимдір. Буни аниклаш күп вакт қийин бүлганидан, бундай ҳолларда тафовут методига үхашашлик методини құшмок керак.

Үхашашлик ва тафовут құшма методи

Бу метод үхашашлик методи билан тафовут методининг бирга құшилишидан иборат.

Бундай бир мисолни олиб қарайлык.

Потинжон билан күп яшар помидорни чатиштириш натижасыда олинган уруғ жуда синчиклаб қараганда тамоман бирдайлиги маълум бўлди. Бу уруғ тажриба даласыда экилди. Бу дурагай ўсимлик ердан униб чикканда сиртидан кўринишича бир-биридан ҳеч қандай фарки йўқ эди. Экинга ер кана тушиб уни нобуд қила бошлади. Бирок, кана ҳамма экинни емади, баъзиларига ҳатто сира тегмади.

Шу тариқа (тафовут методи билан) бу дурагай ўсимликлар орасида (демак уларнинг уруғлари орасида ҳам) кандайдир фарқ борлиги аникланди, чунки уларнинг баъзиларини кана еб, баъзиларини емас эди.

Лекин бу фарқнинг сабабини билиш учун үхашашлик методини ҳам күлламок керак эди. Кананинг күп яшар помидор экинига тегмаслиги билинади. Демак, күп яшар помидор ўсимлиги билан баъзи дурагай ўсимлик орасида үхашашлик бор.

Бундан умумий хулоса чиқарилди: потинжонни күп яшар помидор билан чатиштириш натижасыда олинган уруғ орасида кимёвий таркиби жиҳатдан потинжон уруғига үхашашрок уруғ бор экан (бу уруғдан унган ўсимликни кана еган эди) ва кимёвий таркиби жиҳатидан помидор уруғига үхашашрок уруғ бор экан (бу уруғдан унган ўсимликка кана тегмаган эди).

Шундай килиб, үхашашлик ва тафовут құшма методининг татбик қилиниши, биринчидан, потинжон билан күп яшар помидорни чатиштириш натижасыда олинган уруғнинг фарқини ва, иккинчидан, бу фарқнинг сабабини аниклашга имкон беради.

Қолдиқлар методи

Нептун сайёрасининг топилиши бу методнинг табиқ қилинишига мисол бўлаолади. Бу сайёра топилмасдан бурун астрономия Уран сайёраси (ўша вактда бу сайёра күёш системасидаги энг сўнгги сайёра ҳисобланган эди) муайян бир жойда ўз ҳаракатини секинлаштиришини сезган эдилар. Бу секинланиш ўша вактда маълум бўлган бошқа сайёralарнинг таъсиридан пайдо бўлиши мумкин эди.

Бироқ ҳисоблаб чиқариш натижасида Ураннинг “довдираб қолиш” сабаби бунда эмаслиги билинди. Күёш ҳам, бошқа юлдузлар ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин эмас эди.

Ёлғиз бир нарсани фараз қилиш қолди. У ҳам бўлса, күёш системасида ўша вақтгача номаълум бўлган яна қандайдир бир сайёранинг борлиги тўғрисида фараз эди. Ураннинг ҳаракатига ана шу сайёра таъсир қилаётган бўлса керак. Бу сайёранинг турган ўрни ҳисоблаб чиқарилиб, ўша ерга энг кучли телескоп тўғирлангандан кейин, ҳақиқатдан янги сайёра топилди ва унга Нептун номи берилди (1846-й). Шу тариқа бу кашфиёт қолдиқлар методи ёрдами билан қилинган эди.

Қолдиқлар методининг моҳияти шундан иборатки, бизни қизиқтирадиган ҳодисанинг сабабини аниқламоқчи бўлганимизда бу ҳодисадан олдин (ва у билан биргаликда) бўлган ҳолларни текшириб қурамиз. Текшириш чогида биз бу ҳолларнинг биттасидан бўлак бошқа ҳаммаси бизни қизиқтирувчи ҳодисага сабаб бўла олмаслигини аниқлаймиз.

Қолдиқлар методининг ифодаланиши куйидагича: агар фараз қилинган ҳолларнинг биттасидан бўлаги ҳодисанинг сабаби бўла олмаслиги маълум бўлса, демак, унда ана шу бир ҳолнинг худди ўзи ҳодисанинг сабабидир.

Йўлдош ўзгаришлар методи

Бу методни куйидаги мисоллар билан текшириб чиқамиз: агар симдан электр токи ўтаётган бўлса, сим атрофида магнит майдони пайдо бўлади, демак, электр токининг ўтиши магнит майдонининг пайдо бўлиши сабабидир; фидирак ўз теварагида

айлантирилса, ўқ қизийди: демак ғилдиракнинг ўқ теварагида харакати ўқнинг кизиш сабабидир.

Бу холосалар йўлдош ўзгаришлар методи билан қилинди.

Бу методнинг ифодаланиши қуйидагича: агар бир ҳодисанинг юзага келиши ҳар сафар унга йўлдош бўлган иккинчи ҳодисани зарурян юзага келтирса, демак, бу ҳодисанинг биринчиси иккинчисининг сабабидир.

Йўлдош ўзгаришлар методи бизни қизиктирувчи ҳодисани унга йўлдош бўлган ҳодисадан асли табиати жиҳатидан ажратиш мумкин бўлмаган ҳолларда татбиқ қилинади. Масалан, жисмнинг иссиқлигини унинг ҳажми кенгайишидан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун биз шундай ҳодисаларни текширган чоғимизда, қай тарика бу ҳодисалардан бири ўзгарганда, иккинчиси ўзгаришини кузата оламиз, холос (масалан, иссиқлик миқдори ўзгарганда жисмнинг ҳажми ўзгаради).

Йўлдош ўзгаришлар методи кўп ҳолларда тафовут методи билан бирга қўшиб татбиқ қилинади. Масалан, магнит майдонининг пайдо бўлиш сабаби тўғрисида холоса чикармоқ учун, биз бу майдон электр токи ўтишидан пайдо бўлиш фактини аниқлаш билангина каноатланмасдан, балки электр токи тўхтатилганда бу майдоннинг йўқ бўлиши фактини ҳам аниқлаймиз.

Йўлдош ўзгаришлар методи ижтимоий ҳодисаларни ўрганганда айниқса кўпроқ татбиқ қилинади. Масалан, камолот ташкилотларидаги тарбиявий ишларнинг аҳволи билан бу ташкилот аъзоларининг маънавий-сиёсий даражаси ўртасида бевосита сабабли боғланиш борлиги ўз метод ёрдамида аниқланади. Тарбиявий ишлар қанча юқори даражада бўлса, ташкилот аъзоларининг маънавий-сиёсий даражаси ҳам шунча юқори бўлади.

7. Индукция методларини татбиқ қилиши шартлари

Индуктив методлар одатда бир-биридан ажратиб алоҳида алоҳида татбиқ қилинмайди; балки бир-бирига қўшиб, бир-бирини тўлдириб татбиқ қилинади.

Мана бундай мисолни олайлик: М.В. Ломоносов иссиқлик ва совуқлик сабабларини текширганда, физик жисмларга қилинадиган таъсирга (ишқаланиши, зарб ейиш ва х.к.) караб физик жисмлардаги иссиқлик миқдорининг кўпайиши ва камайиши ҳолларидан бир қанчасини кузатиб борган. Бунда Ломоносов йўлдош ўзгаришлар методидан фойдаланган.

Лекин илмий хulosса чиқариб олиш учун ёлғиз бу методнинг ўзи кифоя қилмайди. Ломоносов ўхшащлик методидан фойдаланиб, жисмлардаги иссиқлик кўпайишининг турли ҳолларини таққослаб кўрган ва бу ҳолларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган ягона бир ҳолатни-харакатни топган.

Лекин Ломоносов “иссиқликни харакат туғдиради” деган хulosасини чиқариш учун ёлғиз бир-бирига ўхшаш ҳолларни кузатиш билангина қаноатланмаган. У жисмларда иссиқликни қачон кўпайиш ҳоллари билан қачон камайиши ҳолларини бир-бири билан солиштириб кўрган, яъни тафовут методини татбиқ қилган. Нихоят, Ломоносов иссиқликни “туғдириши” мумкин бўлган турли сабабларни текшириб чиқиб, бу сабаблардан фақат биттаси – “харакат” – иссиқликни “туғдиришини” аниклаган, яъни қолдиқлар методини татбиқ қилган.

Индуктив методлар кўпинча илмий ишларда ва кундалик ҳаётда татбиқ қилинади. Бироқ бу методларнинг аҳамиятини бўрттириб юбормаслик керак. Индуктив методлар ҳодисаларнинг сабабини топиш учун ишлатиладиган усуllibардир, холос. Биз бу методлардан фойдаланиб, ҳодисалар ва уларнинг сабаблари тўғрисидаги билимларимизни кенгайтирамиз, аммо лекин бу ҳодисалар тўғрисида бизда ҳеч қандай билим бўлмаса, индуктив методлар бизга ҳеч қандай ёрдам бера олмайди.

Масалан, биз металларнинг оксидланиши каби ҳодисалар тўғрисида ҳеч нарса билмаймиз, деб фараз килайлик. Бундай ҳолда индуктив методлар бу билимни тўлдириш у ёқда турсин, ҳатто биз бу методларнинг ўзидан ҳам фойдалана билмаймиз. Воқеликдаги ҳодисаларни ўргангандан энг аввал шу ҳодисалар тўғрисида конкрет билим бўлмоғи зарур ва шундагина биз индуктив методларни татбиқ қилишимиз мумкин.

IX БОБ

АНАЛОГИЯ

Дедукция – умумийдан жузъийга хulosса чиқариш, индукция – жузъийдан умумийга хulosса чиқариш эканлигини күрдик. Лекин хulosса чиқаришнинг бу икки шаклидан ташқари учинчи шакли, яъни жузъийдан жузъийга хulosса чиқариш шакли ҳам бўлиши мумкин. Шундай йўл билан хulosса чиқариш турларидан бири аналогия (мукояса) деб аталади.

Аналогия – хulosса чиқаришнинг шундай бир шаклидирки, бу шаклда биз икки нарсанинг бирон хилдаги белгилари ўхшашлигидан, бу нарсаларнинг бошқа хилдаги белгиларининг ўхшашлиги тўғрисида хulosса чиқарамиз.

Масалан, бир ўрмонда кўп кўзиқорин бор эди.

Биз бошқа бир ўрмонга келганимизда унинг бир қанча белгилари биз илгари кўрган ўрмоининг белгиларига ўхшайди: бу ҳам ўшандай қалин, аралаш ва х.к.

Демак, бу ўрмонда ҳам кўп кўзиқорин бўлиши эҳтимол.

Аналогия билан хulosса чиқаришнинг (қиёсий хulosанинг) моҳияти шундан иборат: фараз қилайлик, биз қандайдир бир А ҳодисани кузатиб, унда а,б,в белгилари борлигини кўрдик. Бунинг устига биз Б ҳодисада яна X белгиси борлигини ҳам кўрдикки, бу белгини биз А ҳодисада кўрмаган эдик. Шундан кейин биз А билан Б нинг а,б,в белгилари ўхшашлигига асосланиб ва шуларга қиёс қилиб, А ҳодисада эҳтимол, X белгиси ҳам бўлса керак деб, кутиб юрамиз.

Чунончи, Ер билан Күёш кимёвий таркибининг бир-бирига ўхшашлиги энг олдин Күёш таркибида топилган гелий элементи Ернинг таркибида ҳам бўлса керак. деб фараз қилишга ундан эди. Бу фараз тўғри бўлиб чиқди.

Аналогия билан хulosса чиқарганда ҳамма вақт факат эҳтимолий хulosса ҳосил бўлади ва бу хulosани сўнгти тажрибалар ё тасдиқлайди ёки рад киласи. Эҳтимолликнинг ўз даражаси бўлади, яъни унинг ҳақиқатга яқинроқ ва ҳақиқатдан йирокроқ даражалари бўлиши мумкин. Ҳақиқатга яқинроқ эҳтимолликнинг аналогия билан қилинган хulosаси шундан иборатки, бу хulosса

кийс килиб күриладиган ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшаш белгиларининг миқдори күпроқ бўлишига асосланади.

Бироқ, биз хулоса чикармоқчи бўлган нарса ёки ҳодисанинг хулосада айтиладиган белги билан сифищмайдиган белгиси бўлса, у ҳолда бир-бирига ўхшаш белгиларнинг миқдори канча кўп бўлишига қарамай, барибир, чикарган хулосамиз хато бўлади.

Масалан, агар Меркурий сайёрасида органик ҳаёт борлиги ҳакида хулоса чиқарганимизда, бу хулоса хато бўлар эди, чунки Меркурийдаги температуранинг ниҳоятда юқори бўлиши бу сайёрада органик ҳаёт бўлиши билан сифищмайди.

Хулосанинг эҳтимоллик даражаси бир-бирига ўхшаш белгиларнинг қанчалик муҳим бўлишига ҳам боғлиқдир.

Агар биз нарсаларнинг номаълум белгиларининг бир-бирига ўхшашлигини аниқласак, унда бизнинг аналогиямиз албатта хато бўлиб чиқади. Фанга хилоф бўлган кўп “назариялар” хато ва соҳта аналогиялардир. Масалан, “социал дарвинизм” деган “назария” соҳта аналогия бўлиб. унинг намояндалари ўсимликлар ва ҳайвонлар оламига хос қонунларни кишиларнинг ижтиомий ҳаётига жорий қилмоқчи бўлдилар. Бундай аналогия килишдан мақсад қапиталистик жамиятда одамларнинг ижтиомий жиҳатдан тенг бўлмаслигини мустаҳкамлашдир. Шунинг учун бундай аналогия реакционерлар манфаатига хизмат қиласди.

Маълумки, “аналогия – исбот эмасдир”. Бу тўғри ифоданинг маъноси – аналогия ўз-ўзича ҳеч нимани қилиб беролтмайди демакдир. Илмий ишларда ва ижтиомий ҳаётда аналогиядан исбот учун эмас, балки эҳтимолий хулосалар ҳосил қилиш учун, шунингдек маълум бир фикрни мисол билан тушунириш ҳамда бирон ҳодисани аниқ ва равшан қилиб тавсифлаш учун фойдаланадилар.

Илмий соҳада ҳар хил тахминий фикрлар, фаразлар пайдо бўлганда, аналогия кўпинча муҳим роль ўйнайди ва натижада бу тахминий фикрлар, фаразлардан илмий кашфиётлар келиб чиқади. Масалан, умум олам тортилиши назариясининг асли манбай аналогия эди. Ньютон ердаги жисмларнинг ҳаракати (жумладан, уларнинг тушиши) билан осмондаги жисмларнинг ҳаракатини аналогия қилиб кўрган эди.

Бундай холларда аналогия илмий гипотезанинг мукаддимаси бўладики, бу гипотезани биз келгуси бобда қараб чиқамиз.

Х БОБ

ГИПОТЕЗА

1. Гипотезанинг таърифи

Биз бирон ҳодисани түғдирган сабабни ёки бу ҳодисани харакатга келтирувчи қонунни топганимиз тақдирдагина, мазкур ҳодисанинг сабаби аниқланган деб ҳисоблай оламиз. Бироқ маълум бир ҳодисани түғдирган сабабни узил-кесил аниқлашдан илгари биз ҳар хил фаразларни қиласиз. Масалан, бирон кишининг касали нималигини қатъий аниқламаган врач бу кишининг касал бўлишининг муайян бир сабаби борлигини фараз киладида, касалнинг пайдо бўлиш аломатларини (температуранинг ошганлигини, бирон ери оғришини ва х.к.) караб текширабошлади.

Гипотеза – маълум натижаларни түғдирган сабаб ҳакида килинган фараздир. Масалан, ер шарининг ички мағзи кайнок суюқ моддадан иборатлиги ҳакидаги фараз ҳали гипотезадир. Илм-билимларимизнинг хозирги даражаси оддий кузатиш йўли билан бу фаразни исбот килиб беролмайди, шунинг учун бу фараз хозирча баъзи ҳодисаларнинг аломатларига караб бирдан-бир тўғри деб турилиди. Шундай килиб, гипотезани ўртага қўйган махалда, биз сабабнинг амалига караб ҳулоса чиқарамиз.

Гипотезалар узоқ кидиришлар, тажриба килиб қўришлар ва эксперимент ўтказишлар натижасида вужудга келади. Агар тақдим этилган янги гипотезаларнинг тўғрилигига ишонч қўпроқ бўлса, олим бунгача топсан гипотезаларидан воз кечишга мажбур бўлади.

2. Гипотезани текшириб қўриш

Албатта, ҳар қандай гипотеза ҳам илмий аҳамиятга эга бўлавермайди. Гипотеза илмий аҳамият қозониши учун текшириб қўрилиши лозим. Бирон гипотезани текшириб қўришнинг маъноси нима? Гипотезани текшириб қўришнинг

маъноси шуки: 1) гипотезадан чиқиши лозим бўлган натижа қузатилувчи ҳодисалар билан ҳақиқатдан мос келишини аниқлаш лозим; 2) татбиқ қиласидан гипотезамиз биз чин деб ҳисоблаган бошқа қонунъларга, биз илгари тұғрилигини унчамунча әхтимол топган бошқа гипотезаларга зид келмаслигини күрсатиш керак.

Хар қандай илмий гипотеза риоя қилиши лозим бўлган биринчи ва энг асосий шарт шундан иборатки, бу гипотеза маълум ҳодисаларнинг ҳаммасига, тажрибадан ҳосил бўлган ҳамма фактларга мувофиқ келиши керак.

Бироқ текширувчи унинг қабул қиласидан гипотезаси маълум фактларга зид келмаслиги билан бирга унинг бирдан-бир мумкин бўлган гипотеза эканлигига ва фактларнинг бутун мажмуюи ана шу гипотеза ёрдами билан тамоман етарли даражада изоҳланиб берилишига ишонч ҳосил қилмоғи керак.

3. Гипотеза ва назария

Кузатилган фактларга зид келмайдиган ва шу билан бирга кишиларнинг амалий тажрибасида тасдиқланиб исботланган гипотеза назарияга айланади.

Физикада атомистик принципнинг тарихи гипотезанинг назарияга айланишига мисолдир. Қадимги Юнонистондаёқ фаяласуф Демокрит (милоддан таҳминан 460-370 йил бурун) бутун материя кўз илғамас майда зарралардан иборат, деб таълим берib, бу зарраларни атомлар деб атаган эди (“атом” сўзи юононча бўлиб, айнан маъноси “бўлинмас нарса” демакдир). Лекин бу таълимот қадимги юнен олимлари яратган ҳолича гипотеза бўлиб қолаверди.

Ўрга асрларда атомизм ўзига гарафдорлар топмади. Лекин уйғониш давридан бошлаб олимлар бу принципни қайтадан рўёбга чиқардилар. Лекин шунда ҳам атомистика принципи яна гипотеза бўлиб қолаверди.

Бироқ илм-фан илгарилаб бормоқда. Ҳозирги замон физикаси атомлар оғирлигини жуда аниқ ўлчаб берди ва турли элементлардаги атомлар оғирлигининг нисбатини белгилаб, атомнинг ички тузилишини очиб берди ва атомнинг ўзи

марказий ядро якнида айланувчи электронларнинг бутун бир системасидан иборат эканлигини кўрсатди. Шундай килиб, гипотеза умум эътироф қилган илмий равишда текширилган назарияга айланди.

Маълум вақтгача бир-биридан ажратилган холда якка-якка текшириб келинган факт ва ҳодисалар накадар йигилиб назария баҳс этадиган доирага кўшилаверса, назария ҳам шу кадар мукаммаллашиб бораверади.

Мукаммал назария – амалий тажрибадан ўтиб гасдиқланган ва амалда синаб кўрилган, кишиларнинг амалий фаолияги манфаати йўлида хизмат қиласиган назариядир.

ХІ БОБ

ИСБОТ ВА РАДДИЯ

1. Мантиқий исботнинг таърифи

Ҳар қандай мактаб иншосида, илмий текширишда, маъруза ва лекцияларда, сұхбат ва мунозарада бизга турли ҳукмларни айтибгина қўймасдан, балки бу ҳукмларнинг ҳақиқатлигини асослаб, исбот қилиб беришга ҳам тўғри келади.

Куруқ галдан иборат, асоссиз ҳукмларга ҳеч ким ишонмайди ва бундай ҳукмлар амалда текширилиб кўрилган ҳамон чилпарчин бўлиб кетади.

Ҳукмларимизнинг исботли бўлишининг такозо этилиши моддий дунёнинг туб хусусиятларидан бирини акс эттиради. Табиат ва жамиятда ҳар бир нарса, ҳодисанинг ўз асоси бўлиб, уларолдин ўтган бошқа нарса ва ҳодисаларнинг бутунтараққиёти жараёнида тайёрланиб етишган. Равшанки, бизнинг объектив воқеликдаги нарсалар ва ҳодисалар ҳакидаги фикрларимиз ҳам етарли асосга таяниши лозим. Тўғри тафаккурнинг бу мантиқий хусусияти етарли асос қонунидан бизга маълумдир. Бу қонунга мувофик, бизнинг айтадиган фикрларимиз асосланган бўлиши зарур.

Масалан: “бугун ҳаво булут”, “бу деворга сурат осиглик” ва шу каби ҳукмлар исботга муҳтож эмас. Бу хил фикрларнинг чинлигини ҳеч қандай мантиқий исбот билан асослаб бериш талаб этилмайди. Бу чинлик сезги ёки идрок билан текшириб кўрилади.

Аксиомалар, яъни инсон томонидан тажрибада миллион-миллион марта текшириб кўрилган умумий қоидалар алоҳида асослаб ўтиришга ҳеч бир муҳтож эмас. Ҳаммага аён бўлган ҳар хил оддий ҳақиқатлар, масалан: “от ем еяпти”; “Волга Каспий денгизига қуюлади” ва шу кабилар ҳам исбот талаб қилмайди.

Лекин бизнинг айтадиган фикримиз фақат очик-ойдин кўриниб турган ҳақиқатлар ва аксиомаларга асосланган ҳукмлардангина иборат бўлмайди. Биз оғзаки ва ёзма нутқларда, докладда ва мактаб иншосида шундай ҳукмларни

ишлатамизки, уларниң чинлигини сезги органларининг күрсатиши ҳам, ҳаммага маълум бўлган аксиома ҳам тасдиқлаб беролмайди. Масалан: биз “ер-шар” эканлигини, “ер куёш теварагида айланishiни” биламиз. Бу билимни биз нарсанинг сезги органларига тўғридан-тўғри бевосита килган таъсири натижасида ҳосил қилмадик. Кўриш сезгиси, ўз ҳолича, худди бунинг тескарисини айтади, яъни: “ер япалок”. “ер куёш теварагида айланмайди, балки куёш ер теварагида айланади” дейди.

Чинлиги равшан ва аён кўриниб турмаган ҳукмлар исбот талаб килади, яъни бу ҳукмларнинг чинлигини тасдиклайдиган асослар кўрсатишини галаб килади.

Ҳар бир фан худди шуңдай воситалар оркали билинган билимлардан иборат. Ҳар бир фанда исботнинг жуда муҳим роль ўйнаши табиийдир.

Чунончи: электр ҳодисаларини чукур суратда ўрганишнинг муҳимлиги ва зарурлиги физика дарслигига бир канча бошқа ҳукмлар билан асослаб берилади.

Хўш, исбот килиш нима демак? “Исбот” сўзидан нимани тушунмоқ керак? “Исбот” сўзининг фанда ва қундалик турмушда уч маъноси бор.

Юз берган бирон ҳодиса, бирон фактнинг исботи учун бошқа ҳодиса, бошқа факт далил қилиб келтирилади. Бундай ҳолда очик кўриниб турган фактнинг ўзи исбот бўлиб, шундан бошқа фактнинг борлиги ёки йўклиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

Лекин “исбот” сўзи кўпинча бошқа маънода ишлатилади. Чунончи: синфдаги барча ўқувчиларнинг физикадан аъло ва яхши баҳо билан имтиҳон берганликларига баҳолар кўрсатилган синф журнали исбот бўлиши мумкин. Китоб олганимиз учун кутубхона карточкасига кўйган имзомиз китобнинг бизда эканлигига исботдир. Тарих фанларида ўтмишда бўлган воқеалар тўғрисида ёзилган ва муаллифи бу воқеаларга замондош ёки иштирокчи бўлган адабий асарлар тарихий воқеаларнинг исботи сифатида кабул килинади. Бу ҳолларнинг ҳаммасида исбот учун кўз билан кўрилган фактнинг ўзи эмас, балки бу факт, ҳодиса, воқеа ҳақидаги маълумотлар манбаи

(синф журнали, кутубхона карточкаси, мемуарлар) далил китиб келтирилади.

“Исбот” сўзининг иккинчи маъноси ана шундан иборат. “Исбот” сўзининг учинчи маъноси ҳам бор.

Етарли асос қонунидан бизга маълумки, бирон ҳукмнинг чинлигини исботлаб бериш учун ҳамма вақт манбаъга ёки бевосита фактнинг ўзига мурожаат қиласебериш шарт эмас. Кишилар меҳнат фаолиятининг назарияда умумийлашган тажрибаси ҳукмларни мантикий йўл билан текширишга имкон беради. Бундай исботларни биз билимининг ҳамма соҳасида татбиқ қиласеверамиз. Иккита мисоз келтирамиз:

Фараз қилайлик, бизга сувнинг эластиклигини асослаб бериш лозим бўлди. Бунинг исботи шу бўладики, сув – суюқдир. суюқ нарсаларнинг ҳаммаса – эластиkdir. демак, суюқликдан иборат бўлган сув ҳам эластиkdir. Шу тариқа, чинлиги кишиларнинг илгариги амалий тажрибаси билан исбот қилинган ҳукмлардан, сув эластиклиқ ҳусусиятига эга бўлади. деб холоса чиқарамиз.

Биз, кумуш – иссик ўтказувчиdir, деб тасдиқлаймиз. Бу ҳукм мана бу тариқа исбот қилинади: кујуш металллайдир, барча металллар эса иссикни яхши ўтказади, делак, кумуш ҳам иссик ўтказувчиdir. Чинлиги бизга маълум бўлган икки ҳукмдан биз “кумуш иссик ўтказувчиdir” деган ҳукмнинг чинлигини холоса килиб чиқардик.

Юқорида кўрсатилган икки мисолда биз татбиқ қиласган исботлар, мантикий исбот деб аталади.

Мантикий исбот бирон ҳукмнинг чинлигини инсоннинг илгариги амалий тажрибаси билан исбот қилинган бошқа чин ҳукмлар воситаси билан етарли асослаб бершидир.

Мантикий исбот, бу – бирон ҳукмнинг исослаб берилиши устида фикр юргизиш жараёнидир, бу – исбот қилинувчи қоиданинг чинлигини асослаб бериш учун юргизиладиган муҳокамадир.

Хар бир мантикий исбот, пировард натисасида, фактларга асосланади, албатта. Илгари сурилган бирея қоидани исбот қилиш учун биз кўрсатган ҳукмларнинг тўғилиги илгариги амалий тажриба билан исбот қилингандир.

Бир ҳукмнинг чинлигини шубҳасиз чин бўлган бошка ҳукмлар воситаси билан асослаб бериш лозим бўлган пайтларда биз мантикий исботни барча фанларда, амалий фаолиятда ва қундалик турмушда татбиқ қиласиз.

2. Мантикий исботнинг таркиби

Ҳар кандай мантикий исботда уч таркибий кисм: тезис, асослар ва муҳокама бор.

1) Чинлиги исботланиши лозим бўлган ҳукм, гезис деб аталади.

2) Чинлиги аллақачон аникланган ва бинобарин тезисни тасдиқлаш учун етарли асос сифатида олиниши мумкин бўлган ҳукмлар асослар (далиллар ёки аргументлар) деб аталади.

3) Асослардан тезисни мантикий равишда келтириб чиқариш усули муҳокама (аргументация ёки демонстрация) деб аталади.

Бу таркибий қисмларнинг ҳаммаси ҳар бир исботда албатта бўлиши керак. Тўғри исботда тезис билан асосларнинг чегараси аник ва равшан белгиланган бўлишининг ўзигина кифоя килмайди, бунинг устига тезисни асослардан хulosса килиб чиқара билиш ҳам керак. Исботлаш қобилияти қандайдир тутма бир нарса эмас, уни ўстирмок, кучайтирмок керак.

3. Воситасиз ва воситали исботлар

Татбиқ қилиш усулига қараб барча исботлар воситасиз ва воситали исботларга бўлинади.

Далиллари тезиснинг чинлигини бевосита исботлаб берадиган исбот, воситасиз исбот деб аталади.

Лекин кўпинча шундай ҳол ҳам учрайдики, тезиснинг чинлигини бевосита исбот қиладиган далиллар бир вақт бўлмай қолади. Ҳўш, бундай ҳолда нима қилмок керак? Бундай ҳолда тезисга зид ҳукмнинг хатолигини исбот қиладиган далиллар топмок керак. Шундай далилларни топгандан кейин тезисга зид бўлган ҳукмнинг хатолигини исбот килиш керак. Учинчиси мустасно қонунидан маълумки, агар бирор ҳукмнинг хатолиги

исбот қилинса, унга зид бўлган хукм заруран чин бўлиб чиқади.

Тезиснинг чинлигини тезисга зид хукмнинг хатолиги воситаси билан асослаб берадиган исбот, воситали исбот деб аталади.

Воситали исботда татбиқ қилинадиган исбот усули “бемаънига чиқариш” деб агалади. Бу усул математикада кўп учрайди. Бу усул ёрдами билан, масалан, икки бурчаги тенг бўлган учбурчакда бу икки бурчак қаршисидаги томонлар ҳам тенгdir. деган қоида исбот қилинади. Исбот мана бу тарзда бўлади. Борингки ABC учбурчакдаги A бурчак В бурчакка тенг бўлсин ва бу бурчаклар қаршисидаги томонлар AC ва BC бўлсин. Энди AC томоннинг BC томонга тенглигини исбот килиш керак бўлади.

Исбот қилиш мақсадида тезисга зид бўлган қоида, яъни AC томон BC томонга тенг эмас, деган қоида чин, деб фараз қилинади. У вактда бу қоидадан, теоремага мувофиқ, ҳар бир учбурчакда каттароқ бурчак қаршисида каттароқ томон бўлишига кўра, A бурчак В бурчакдан ё катта, ё кичик бўлиши керак. деган хулоса келиб чиқади. Лекин бу хулоса қабул қилинган қоидага зид бўлгани сабабли тезисга зид бўлган қоида хато бўлиб чиқади. Бундан унга зид бўлган қоида. яъни тезис чин бўлиши керак, деган хулоса келиб чиқади.

Воситали исботни татбиқ қилиш маълум даражадаги кийинчиликка боғлик. Воситали исбот жараёнида муҳокама қилинаётган тезисдан вақтинча четга чиқиб, қўшимча маълумотлар келтиришга тўғри келади, бу эса муҳокаманинг бутун жараёнини кийинлаштиради. Лекин исботнинг бу усулини билиш керак, чунки қундалик ҳаётда тезиснинг чинлигини бевосита исбот қиласидаган далиллар бир вақт бўлмай қолиши каби ҳоллар тез-тез учраб туради.

4. Исбот қоидалари

Исбот тезисни ҳақиқатдан асослаб беришни учун бир қанча энг зарур қоидаларга риоя қилиш керак.

Биринчи қоида. Тўғарак машгулотида ёки мажлисда баъзан бундай бир ҳолни кўриш мумкин: музокарага чиқувчи киши жуда

силлиқ гапиради, бир-бири билан маълум даражада алокадор бўлган баъзи далилларни келтиради. Сиз эса, музокарага чиккан киши нима масала устида фикр юргизаётганини, унинг тезиси нимадан иборат эканлигини билмокчи бўласиз. Лекин бу мушкул бир нарса бўлиб чиқади. Тезисни аниқлаб олиш қийин бўлади.

Енгил-енгил сўзга “чечан” бўлган кишиларни иллати ҳам шундаки, улар исботнинг биринчи қоидасини бузадилар. Бу қоида мана бу: тезис аник ва равшан таърифланган ҳукм бўлиши керак.

Аниқ ва равшан таърифланмаган тезисни исботлаб бўлмайди.

Иккинчи қоида. Исботлаш чоғида кўпинча факат тезиснинг эмас, балки далилларнинг ўзини ҳам асослаб беришига тўғри келади.

Натижада баъзан бир-бири билан боғланиб кетган жуда узок мухокама хосил бўлади. Баҳс ва мунозарада баъзи оппонентлар тезисдан секингина четга чиқиш ва бошда назарда тутилган масаладан бутунлай бошка бир нарсани исбот килиш учун бу ҳолдан фойдаланадилар. Тезисдан бу тариқа четга чиқиш жуда кенг ёйилиб кетгани сабабли, у ҳатто “тезисни ўзгартириб кўйиш” ёки “исбот килиниши лозим бўлган тезисни писанд қиласмилик” деган маҳсус ном ҳам олган.

“Тезисни ўзгартириб кўйиш” турларидан бири: “ҳаддан ташқари кўп исбот килишга уринган киши ҳеч нимани исбот килолмайди” деб аталади.

“Тезисни ўзгартириб кўйиш” хатосининг бир хили борки, бу йўл билан жуда оз нарса исботга кўйилади. Масалан, бирон киши канҷайдир бир бўлак мужассам нарсани олиб, бу нарса – металл, чунки электр қувватини ўтказади, деб дъяво қила бошлиди. Лекин ёлғиз бу далилнинг ўзи кифоя қиласмайди: электр қувватини фақат металларгина эмас, балки бошка нарсалар (масалан, графит ва шу кабилар) ҳам ўтказиши мумкин. Исботи жуда кам бўлган дъяво, исбот килинмаган демақдир.

“Тезисни ўзгартириб кўйишнинг” бошка бир хили “кишининг шахсий сифатларини далил қилиб келтириш” деб аталади. Баҳс ва мунозараларда бу хато айниқса кўп учрайди.

Бу хато шундан иборатки, тезиснинг чинлиги (ёки хатолиги) исботи ўрнига тезисни ўртага ташлаган кишининг фазилати ёки нұқсонлари исботга қўйилади. Масалан. айтилган бирон фикрнинг хатолигини исбот қылмокчи бўлганда, бу фикрни айтган кишининг шахсий нұқсонларини кўрсатадилар.

Шундай қилиб, исботнинг иккинчи қоидаси мана бундан иборат: исботнинг бошидан охиригача тезис айнан бирдай бўлиб колиши керак.

Учинчи қоида. Исботнинг дастлабки икки қоидаси тезисга тааллуклидир. Лекин далиллар ёки аргументларга жорий қилинадиган қоидалар ҳам бор. Биз биламизки, далиллар – чинлиги шак-шубҳасиз бўлган ҳукмлардан иборат. Ҳеч бир исбот хато асосларга қурилаолмайди. Бундан жуда табиий равишда қўйидаги учинчи қоида келиб чиқади: тезисни тасдиқлаш учун келтирилувчи далиллар шак-шубҳадан ҳоли, чин далиллар бўлиши керак.

Исботнинг учинчи қоидасини энг жиiddий суратда бузиш “асосий янглиш” деб аталувчи мантиқий хатодир. Бу хатонинг асли шундаки, тезис соxта далил билан асосланади. Масалан, Коперникдан илгари ўтган олимлар, қуёш ер теварагида айланади, деганларида шундай хатога йўл қўйғанлар. Ёниш жараёнини изохлашда флогистон назарияси хато назария эди. мoddанинг сақланишини кашф қилган рус олими Ломоносов бу назарияни рад килган эди.

Учинчи қоида: исботни хато асосларга курманг, деб огоҳлантиради. Хато далиллардан чин хulosачиқарib бўлмайди.

Тўртинчи қоида. Лекин ҳар кандай далил тезис учун етарли асос бўлиши мумкинми? Йўқ, мумкин эмас. Мунозараларда шундай ҳоллар бўладики, тезисни тасдиқлаш учун тўғри далиллар қўйилади-ю, аммо айтилган фикр мутлақо исботланмай қолади. Исботлаш чоғида бўладиган бундай хато “келиб чиқмайди”, “чиқмайди” деган ном билан аталади. Бошқача килиб айтганда, ўртага ташланган ва исбот қилиниши лозим бўлган фикр уни тасдиқлаш учун келтирилган далиллардан келиб чиқмайди.

Чунончи: Ернинг шарсимонлигини исбот қилиш учун жуда кўп ҳолларда қўйидаги далиллар келтирилади:

1) кема киргокқа яқынлашиб келаётганда аввал горизонтдан мачтанинг учлари, сүнгра эса кеманинг ўзи кўринади;

2) юқорига кўтарилаётганда теварак-атроф кенгайиб кўринади ва горизонтда кўринувчи нарсаларга қадар бўлган масофа чўзилаборади;

3) кўёш ботгандан кейин унинг шуълалари баланд иморатларнинг тепаларини, тоғ чўккиларини ва булутларни ёритади, кейинроқ – тоғ чўккиларини ва булутларни ёритади, ундан кейинроқ эса, фақат булутларни ёритади, дейиладиган бўлди;

4) ер айланасини саёҳат килиш.

Лекин ҳамма бу далиллардан Ернинг шарсимонлиги “келиб чикмайди”. Бу далиллар факат ер устининг эгри-бугрилигини, шаклининг бикиклигини, фазода унинг ажралган ҳолда эканлигини, унинг осмон билан бирон ерда туташадиган теварак-чети йўклигини исбот қиласиди, холос.

Прфессор Б.А. Воронцов-Вельяминов астрономия тўғрисидаги дарслик китобида буни жуда тўғри кўрсатган Ернинг шарсимонлиги бошқа далиллар билан исбот қилинади, яъни:

1) Ернинг ҳар қандай жойидан карасангиз горизонт айланада бўлиб кўринади ва горизонтнинг йироқлиги ҳамма ерда бирдай;

2) Ой тутилиши вақтида Ернинг Ойга тушадиган сояси ҳамма вақт тегра шаклида бўлади ва тегра соя ҳар қандай вазиятда ҳам шар шаклини кўрсатади.

Тезис далиллардан келиб чикмагандан, мантикий хатога йўл қўймаслик учун, исботнинг куйидаги тўртинчи коидасига риоя қилиш керак: далиллар тезис учун етарли асос бўлиши керак.

Бу коиданинг жиддий бузилишларидан бири – мантикий хато бўлиб, бу хато мантиқда: “нисбат билан айтилган гапни нисбатсиз айтилган гапга йўйиш” деган номи билан юритилади.

Бу хатонинг асл маъноси бундан ибораг: фақат маълум шароитда маълум муносабатда тўғри бўлган далилни биз тезисга асос қилиб оламиз-да, уни ҳеч нимага нисбат бермай, ҳамма шароитда тўғри. деб йўяберамиз.

Бу коида ҳаммадан кўпроқ мунозарада бузилади. Оппонент бирон нарсани тор маънода тасдиқлатиб олганидан кейин, ўз

нисбатини бу тасдик гүё ҳеч қандай чегарасиз кенг маңнода айтилган тарзда юритаберади.

Масалан, китоб түгрисида бўлган мунозарада хамсухбат киши китобда яхши суратлар бор экан деса, оппонент бу гапдан китобни бутунлай яхши деди, деган маъно чиқаради. ва шу билан “нисбат билан айтилган гапни нисбатсиз айтилган гапга йўйиш” деган хатога йўл кўяди.

Бешинчи қоида. Даилилларнинг чинлиги тезисдан чиқарилмаслиги керак. Испотнинг қуйидаги бешинчи қоидаси буни тасдиқлади: далиллар-чинлиги. тезисдан қатъий назар, мустакил суратда исбот қилинадиган хукмлардан иборат бўлиши лозим.

Бу қоидани бузиш мантиқий хато бўлиб, бу хато мантиқда аллақачонлардан бўён: “айланабериш” деб аталади. Бу хатонинг асли шуки: тезис далиллар билан, далиллар тезис билан асосланади. Бошқача қилиб айтганди. бирон фикр исбот қилинмоқчи бўлганда шу фикрнинг ўзи исботга далил қилиб келтираберилади.

Олтинчи қоида. Агар дастлабки икки қоида тезисга тааллукли бўлиб, кейинги уч қоида далилларга тааллукли экан, испотнинг олтинчи қоидаси тезиснинг далилларга муносабати түгрисида сўзлайди. Бу қоида мана бундай ифодаланади: тезис, хулоса чиқаришининг умумий қоидаларига мувофиқ, далиллардан мантикий суратда келиб чиқадиган хулоса бўлиши лозим.

Бу қоиданинг тез-тез учраб турадиган бузилиши мантиқий хато бўлиб, бу хато “терминларни тўртлов” деб аталади. Чунончи: “ҳар қандай оксидланишнинг қолдиғи кул ва кўмиртакдан иборат бўлади” деган нотўғри тезисни испотлаш учун мана бундай далиллар келтирилади:

“Ҳар қандай оксидланиш ёнишdir”.

“Ҳар қандай ёнишнинг қолдиғи кул ва кўмиртакдан иборат бўлади”.

Бу “далиллар”дан “демак, ҳар қандай оксидланишнинг қолдиғи кул ва кўмиртакдан иборат бўлади” деган хулоса чиқарилади. Лекин бу тезис нотўғри хулоса чиқариш йўли билан испотланган. Хулоса чиқариш давомида бизга силлогизм-

тўгрисидаги бобдан маълум бўлган хатога йўл қўйилган. Силлогизм қоидалари уч термин бўлишни талаб килган ҳолда, бу исботда тўрт термин ишлатилган. “Ёниш” сўзи бунда икки маънода ишлатилади: биринчи хукмда “ёниш” сўзи кимёда қабул қилинган маънода ишлатилади. Ҳолбуки ёнишнинг кимёвий жараёнидан кул билан кўмиртакнинг ҳосил бўлиши шарт эмас; иккинчи хукмда “ёниш” сўзи кундалик турмушда қўлланиладиган маънода ишлатилади.

Терминларнинг тўртлов хатоси айният мантикий конунининг бузилиш натижасидир. Юкоридаги исботда “ёниш” сўзи икки маънода ишлатилган. Ҳолбуки айният конуни буни тақиқлайди.

Индукция хақидаги бобдан бизга маълум бўлган хатолар, яъни “шошма-шошарлик билан холоса чиқариш”, “бунинг кетидан демак, бунинг сабабидан демакдир” деган хатолар исботларда хам жуда кўп учрайди.

5. Раддия

Бирон тезиснинг нотўғрилиги ёки асоссизлигини исботлаш раддия деб аталади.

Тезисни қўйидаги беш усул билан рад килиш мумкин:

1) Оппонент ўртага ташлаган тезисни рад килишнинг энг тўғри ва мувоффакиятли усули фактлар воситаси билан рад килишдир.

Агар бирон тезиснинг нотўғрилигини ёки асоссизлигини исботлаш учун тезисга зид бўлган ҳаққиат нарсалар, ҳодисалар, воқеалар далил килиб келтирилса, рад килиш вазифаси тўлик бажарилган бўлади. Очик-ойдин кўриниб турган фактлар қаршисида лом-мим дейиш мумкин эмас.

2) Оппонент ўз тезисига асос килиб олган далиллар танкид килинади.

Бунда вазифа шундан иборат бўладики, рад қилинувчи исботнинг аргументлари нотўғрилиги ёки асоссизлиги исбот қилинади. Агар бу иш муваффакият билан бажарилса, шунинг ўзи билан тезис рад этилган бўлади.

3) Рад қилинувчи исбот тезисининг чинлиги тезисни тасдиқлаш учун келтирилган далиллардан келиб чиқмаслиги исбот қилинади.

4) Рад қилинувчи тезисга зид бўлган янги тезис мустақил равишда исбот қилинади. Учинчиси мустасно қонунига кўра рад қилинувчи тезис нотўғри топилиб, рад қилиниши керак.

5) Рад қилинувчи тезиснинг ўзининг нотўғрилиги исбот қилинади.

Бу ҳолда мана бундай йўл тутилади: рад қилинувчи тезис дастлаб вақтинча чин деб қабул қилинади, аммо сўнгра ундан шундай натижалар чиқариладики, бу натижалар чинликка зид бўлиб тушади.

Раддиянинг юқорида кўрсатилган беш усули бир-биридан ажратилган ҳолда якка-якка қараб чиқилди. Бундан мақсад бу усулларнинг ҳар бирини фақат яхшилаб тушуниб олиш эди. Ҳақиқатда эса, ҳар қандай раддия давомида раддиянинг бир нечта усулини бирданига ишлатишга тўғри келади.

Исбот ва раддиянинг асосий коидалари ана шулар.

Мундарижа

I Боб. МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ УСУЛЛАРИ	
1. Тафаккур вокеликни билвосита ва умумийлаштириб билишдир	10
2. Такқослаш.....	12
3. Таҳлил ва синтез.....	14
4. Абстракциялаш ва умумлаштириш.....	16
II Боб. ТУШУНЧА	
1. Тушунчанинг моҳияти.....	19
2. Тушунча ва сўз.....	20
3. Тушунча ва тасавур.....	21
4. Тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажми	22
5. Тушунчаларнинг мазмуни билан ҳажми ўртасидаги нисбат.....	23
6. Тушунчани чегаралаш ва умумийлаш.....	25
7. Жинс тушунчалар ва тур тушунчалар.....	26
8. Тушунчаларнинг асосий туркумлари.....	28
9. Тушунчалар ўртасидаги муносабат.....	31
III Боб. ТУШУНЧАНИНГ ТАЪРИФЛАНИШИ ВА БЎЛИНИШИ	
1. Тушунча таърифининг моҳияти.....	36
2. Таърифлаш қоидалари.....	37
3. Генетик таъриф.....	40
4. Номиналь таъриф.....	40
5. Таърифларнинг ахамияти.....	41
6. Таърифга олмош бўладиган усуллар.....	42
7. Тушунчани бўлишнинг моҳияти.....	44
8. Бўлиш қоидалари.....	45
9. Дихотомик бўлиш.....	47

10. Бўлишга ўхшаган усуллар.....	48
11. Туркумлаш.....	48

IV Боб. ҲУКМ

1. Ҳукмнинг моҳияти.....	51
2. Ҳукмнинг таркиби.....	52
3. Ҳукм ва гап.....	53
4. Ҳукмларнинг турлари.....	54
Шартли, айирувчи ва қатъий ҳукмлар.....	57
Эҳтимоллик, воқелик ва зарурлик ҳукмлари.....	60
5. Ҳукмда эга билан кесимнинг ҳажми.....	62
6. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар.....	66
“Мантикий квадрат”.....	71

V Боб. ҲУКМЛАРНИНГ БОШҚА ШАКЛЛАРГА КИРИШИ

1. Ҳукмларнинг мантикий маъносини аниқланл.....	72
А. Қатъий ҳукмлар.....	73
Б. Шартли ҳукмлар.....	76
В. Айирувчи ҳукмлар.....	77
2. Айлантириш.....	77
3. Алмаштириш.....	78

VI Боб. МАНТИКИЙ ТАФАККУРНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ

1. Мантикий қонун ҳақида тушунча.....	80
2. Айният қонуни.....	81
3. Зиддият қонуни.....	84
4. Учинчиси мустасно қонуни.....	86
5. Етарли асос қонуни.....	89
6. Мантикий қонунларнинг аҳамияти.....	92

VII Боб. ДЕДУКТИВ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИШ

1. Хулоса чиқариш ҳақида тушунча.....	93
2. Силлогизмнинг таърифи.....	94
3. Силлогизмнинг таркиби.....	95
4. Силлогизм аксиомаси.....	96
5. Силлогизм қоидалари.....	98
6. Силлогизм шакллари ҳақида тушунча.....	105

7. Силлогизмнинг турлари.....	106
8. Шаклларнинг тавсифи.....	107
9. Силлогизмнинг вокеликни билдириш аҳамияти.....	108
10. Шартли силлогизм.....	110
11. Айирувчи силлогизм.....	112
12. Энтимема.....	113
13. Мураккаб силлогизмлар ҳақида.....	116

VIII Боб. ИНДУКТИВ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИШ

1. Индукциянинг моҳияти.....	118
2. Тўлик индукция.....	119
3. Тўликсиз индукция.....	120
4. Илмий индукция.....	122
5. Ҳодисаларнинг сабабли боғланиши түғрисида.....	123
6. Ҳодисаларнинг сабабли боғланишини текширишнинг индуктив методлари.....	126
Ўхшашлик методи.....	127
Тафовут методи.....	128
Ўхшашлик ва тафовут кўшма методи.....	129
Қолдиқлар методи.....	130
Йўлдош ўзгаришлар методи.....	130
7. Индукция методларини татбиқ қилиш шартлари.....	131

IX Боб. АНАЛОГИЯ..... 133

X Боб. ГИПОТЕЗА

1. Гипотезанинг таърифи.....	135
2. Гипотезани текшириб кўриш.....	135
3. Гипотеза ва назария.....	136

XI Боб. ИСБОТ ВА РАДДИЯ

1. Мантикий исботнинг таърифи.....	138
2. Мантикий исботнинг таркиби.....	141
3. Воситасиз ва воситали исботлар.....	141
4. Исбот қоидалари.....	142
5. Раддия.....	147

Илмий-олмабоп нацир

БАҲОДИР КОМИЛОВ

МАНТИҚ

Мухаррир Зухриддин Исомиддинов

Рассом Шухрат Мирфаёзов

Тех. мухаррир Нилуфар Мавлонова

Нашриёт лицензияси: АА № 0003, 27.03.2019 йил.

Босишига 20.08.2019 йилда рухсат этилди. Қоғоз ўлчами 84x108 1/32.

Times New Roman гарнитурасида терилди. Оғеет қоғозига босилди.

9.5 босма тобок. Буюртма № 28. Адади 500 нусха.

Баҳоси келишув асосида.

“PERFECT PRINT SERVICE” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент. Кичик халқа йўли кўчаси, 2 «А»-йй.

Тел: (71) 249-94-11